


ISSN 0235—1277

Joseph Kees

پاڻي

ياش كوچ

8 1991



Уфқлардан тонг ҳиди келар,
Шафақ узра ширин бир ваъда...



- **ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАКТАБИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ!**
- **ЕШЛАР ҲАҚИДА ҚАЙГУРИБ**
- **ҚАТОРТОЛ МАКТУБЛАРИ**
- **АХЛОҚ-ОДОБГА ДОИР ҲАДИСЛАР**
- **ДЕПУТАТ ИҚРОРНОМАСИ**
- **ИСЛОМШУНОС ФАЙЛАСУФ МЕРОСИДАН**
- **СОБИҚ ПОЛКОВНИК —**
- **ҲОЗИРДА МАҲБУС Қ. ҚАРШИБОВЕВ ҚИСМАТИ ТЕВАРАГИДАГИ БАҲС**
- **АНИҚ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**



**Танишинг — тўрақўрғонлик ноёб қобилият эгаси —
экстрасенс Хайрулло ХЎЖАЕВ!**

Муқовалардаги рангли суратлар
муаллифи — Абдуғани ЖУМА.

ЧЕРНОБИЛ ҚУРБОНИ

ҲУШЕР БЎЛИНГ, ФОЖИА ЮЗ БЕРМОҚДА

«Ё» ш куч» тахририятига кунига келадиган юзлаб хатларнинг бири ва хат муаллифининг аламли тақдири ҳақида.

Ҳамонки, дунёга Инсон суратида келган жондор эканмиз, лоақал табиатнинг ушбу марҳамати учун Аллоҳга шукрлар қилмоғимиз керак. Аллоҳга шукрлар этмоқлик фалакка мўлтираб тавалло қилиш билан эмас, ён-веримиздаги бирорта мискиннинг кўнглига илиқлик ато этмоқлик, бирорта бечоранинг оғирини энгиллаштириш тадбирини кўрмоқлик билан бўлади. Хусусан, бизнинг ҳозирги шароитда иши юришмаган, ночор аҳволга тушган, бир оғиз ширин суҳанга муштоқ банди мўминни топиш учун узоққа боришнинг ҳожати йўқ.

Самарқанд вилояти Пахтачи ноҳиясидаги Ғалаба қишлоғининг фуқароси Саҳаддин Ғаффоров ана шундай бахти нораво, тақдирига ўт тушган йигит эди. 1986 йили Чернобилда оламшумул фожиа юз берганида бу офатнинг бир учи пахтачилик содда ўзбек йигитининг тақдирини тилиб ўтиши кимнинг хаёлига келибди денг!

Тахририятга шу йилнинг февраль ойда келган мактубни айнан ўқиймиз: «Мени 1989 йили 18 апрелда ноҳия ҳарбий комиссариати томонидан 6 ойга Чернобилга олиб кетди».


Саҳаддин бу жаҳаннам тафсилотларини ёзмаган, қишлоқ тарбиясини олган содда ўзбекнинг бири сифатида унинг учун хизматнинг руҳий изтиробларидан кўра хизмат эвазига бериладиган моддий мукофот қадрлироқ ва муҳимроқ. Бинобарин у, «Яхши хизмат қилган бўлсам керак менга навбатдан ташқари энгил автомашина берилсин деган мақтов ёрлиқ берилган эди».

Тушовсиз ўй хаёлни олиб қочади — Саҳаддиндек қишлоқнинг бўз йигити Чернобил фожиасини камайтиришга арзирли бир наф бера олармиди? Еҳуд ўша Украина ҳавосидаги кўринмас вабо билан олишиш учун содда-бааёв Саҳаддинлар даркор эдимиз! Хуллас, Саҳаддин «навбатдан ташқари» бериладиган энгил автомобилни кута-кута орадан сал кам икки йилни ўтказди. «Ноҳия ижроия кўмитаси ҳалигача бергани йўқ. Мана бир йилдан ҳам ошди, ҳалигача бермай мени алдаб келмоқда» деб ёзди у «Еш куч»га.

Саҳаддиннинг яқинлари йўқ эдимиз? Оғир кунда унинг ёнига кирадиганлар топилмадимиз? Бор эди, афсуски, бу саволларга ҳам сўнгги мактубда жавоб бор: «Оилам тўғрисида ёзсам, биз севишиб турмуш қурган эдик. Турмуш қурганимизга 8 йил бўлди. Уғлим 6 ёшда, қизим эса 4 ёшда. Хотинимнинг Онаси ва Акаси қизим сен эрингдан ажралган, у Чернобилга борган деб қизини ва болаларни олиб кетди. Уйдаги буюмларни, мебелларни олиб кетишди. Мен бунга норози бўлдим. Ғалаба қишлоқ шўроси раиси суддан қоғоз бор деб менга бир хатни кўрсатди. Кейин билсам судга ҳам боришмаган экан. «Еш куч», сендан илтимос, ёрдам бер, болаларимни жуда соғиндим».

Ҳар қандай одам фуқаро сифатида жамият ва ҳукмрон ҳокимият томонидан муҳофазага олинган бўлмоғи керак. Ҳозир Шўролар юртида яшаб турган, мустақиллик орзусида кунлару ойлар санаётган ўзбекистонликлар ҳам ана шундай фуқаролар сирасига мансуб. Одиллигини пеш қиладиган жамиятда биронта Саҳаддиннинг — мавқеидан қатъи назар — ҳақ-ҳуқуқи оёқ ости бўлмаслиги, биронта Саҳаддин маҳаллий маъмурият томонидан алданмаслиги керак! Фаолиятини ёлгон асосига қурган маъмурий идоранинг субутсизлиги алдоқчи одамнинг юзсизлигидек амалда кўзга яққол ташланиб туради. Юзсизлик, субутсизлик инсон маънавиятини ҳар лаҳзада эговлаш билан қаноатланмайди, зеро у қотилликдан ҳам тоймайди!

Хуллас, «Еш куч» Саҳаддиннинг шикоят юзасидан чора кўришни сўраб уни Пахтачи тумани ижроия кўмитасига йўллади. Орадан икки ой ўтиб Пахтачидан кўзимиз кўникиб, этимиз ўлиб кетган одатдаги бир парча расмий жавоб хати олинди. Ноҳия ижроия кўмитасининг раиси И. Санаев имзо чеккан жавоб шундай бошланади: «Уртоқ Гаппаров Саҳаддиннинг энгил машина сўраб ёзган аризаси Охунбобоев номли жамоа хўжа-



лиги касба уюшмаси кўмитасида навбатга олинган». Савол туғилади — ахир С. Ғаффоровга энгил машина навбатдан ташқари берилиши керак эди-ку?.. Яна жавобдан кўчирма:

«У (С. Ғаффаров) турмуш ўртоғи билан суд орқали қонуний ажралишган».

Савол туғилади — шикоятчининг ёзишича, ноҳия халқ суди бундан тамомила хабарсиз эди-ку? Башарти тахририят мухбирларидан бирортаси воқеа юз берган жойга борса, аҳволни ўрганса янада аниқроқ, янада жиддийроқ маълумотлар топилиши мумкин эди, бироқ... яна жавобдан кўчирма:

«Гаппаров Саҳаддин оғир касалликдан сўнг 7 март 1991 йил куни вафот этган».

Тамом-вассалом!.. Улган ўлди, тириклар давру даврон суриб яшайверади. Саҳаддин нега ўлди? Оғир касаллик унга қайдан ёпишди? Нега унинг дардига дармон топилмади? Яна ва яна саволлар туғилади: оддий инсоний ҳақ-ҳуқуқимизни англашни ким

ўргатади бизга? Қачонгача бабарлар бўлиб қолаверамиз, одамлар?!

Саволларга ким жавоб беради: Чернобил ҳавосида чирқираган руҳларми?.. Беш кунлик умри қолганини кўра-била туриб жуфти ҳалолни ажал билан ёлғиз қолдириб кетган жувонларми?.. «Ҳадемай ўлади-кетди» деган маънода куриб кетгур автомашинани беришни орқага сурган ноҳия ижроқўмими?.. Ким?!

Жаноб И. Санаев ҳиммат кўрсатишнинг фақат бизнинг оқибатсиз жамиятга хос чайналган усулини ҳам тиркаб ўтганлар жавобда:

«Болалар фонди орқали Гаппаров Саҳаддиннинг отасига 21 март 1991 йил куни 1000 сўмлик қорамол олиб берилиб моддий ёрдам кўрсатилди».

Икки норасидани бўзлатиб, ёш жувонни тул қолдирган Саҳаддиннинг хуними, қорамол?!

Хуршид ДУСТМУҲАММАД.

САҲАДДИННИНГ СЎНГГИ МАКТУБИ

Хабарнингиз Беором

Ашхободда Урта Осиё, Қозоғистон ва Озарбайжон жумҳуриятлари ёшлар оммавий-ахборот воситалари раҳбарларининг йиғини бўлиб ўтди. Унда туркий тили жумҳуриятлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик алоқаларини янада мустақамлаш масалалари келишиб олинди.

АҚШда бир йилда 200 милёнга ҳайвон ва парранда овланади. Президент Ж. Буш бедана ови ишқибози.

АҚШда тимсоҳ боқиш ва кўпайтириш билан жиддий шуғулланувчилар йил сайин кўпаймоқда. 1989 йили Луизиана штатининг ўзида 75000 тимсоҳ тухумдан очирилган.

Сўнгги ҳисоб-китобларга қараганда иккинчи жаҳон урушида 37 милён шўро фуқароси ҳалок бўлган.

Иқтисодчиларнинг фикрига кўра, 1985 йили қабул қилинган ичкилик-бозликка қарши кураш тўғрисидаги қарор туфайли 40 миллиард сўм зарар кўрилган.



Улкан файласуф Артур Шопенгауэрнинг (1788—1860) фалсафий мероси билан тўла танишишни хоҳловчилар борми? Бор бўлса, марҳамат, «Москва клуби» унинг 5 жилдлик асарлар мажмуасини нашр этишга киришди. Ушбу нашрга қизиқувчилар «Литературная газета»нинг шу йилги 20-сонида эълон қилинган обуна шартлари билан танишиши мумкин.

Япониялик милёнер Масаки Кюноо Қизил ярим Ой жамияти Чита вилояти кўмитасига ўттиз ўринли автобус совға қилди. Гап шундаки, милёнернинг акаси шўролар юртида асирликда бўлган, 1948 йили вафот этган. Вилоят кўмитаси собиқ тутқуннинг қабри қаердалигини аниқлаб берган.

Коми жумҳуриятидаги Усинск туманида тутиб келтирилган ҳар 50 бош дайди ит учун битта кир ювиш машинаси совға эълон қилинди.

«Литературная газета» ҳафтаномаи неабольшевизм ҳаракатлари мавзусида бир саҳифа фикр-мулоҳазалар эълон қилди (1991 йил, 20-сон). Унда жумладан жаҳоннинг энг кучли шахматчиси Гарри Каспаров шундай ёзади: «Ҳар қандай мамлакатда коммунистлар бор. Аммо лекин КПСС — жиноий ташкилот, барча ҳаракатлар ҳам унга қарши қаратилмоғи керак».

ССЖИ Олий Совети имтиёзлар бўйича комиссияси ССЖИ Мудофаа Вазирлиги раҳбарлигидаги ўнлаб генераллар шаҳардан шаҳарга улкан самолётларда ёлғиз ўзлари ёки бола-чақалари давлат ҳисобидан учинини — имтиёзлар қаттиқ сунистеъмом этилаётганини эълон қилди.

Бир йил муқаддам Никарагуа ҳокимияти тепасига келган Виолета де Чамарро «мафкура» сўзини мутлақо хуш кўрмаслигини, ҳукумат одамларни «қизиллар» ва «оқлар»га ажратиб табақалаштиришни бас қилганини қайта-қайта тақорлади.

Свердловск шаҳар шўроси шаҳардаги (собиқ номи Екатеринбург) собиқ савдогар Ипатьевнинг уйи ўрнида 1918 йили отиб ўлдирилган шох оиласи шарафига ёдгорлик ўрнатиш ҳақида қарор эълон қилди.

Америкадаги «Телевидео» уюшмасининг президенти Ф. Хванг Коми жумҳурияти Олий Раёсати раисининг маслаҳатчиси этиб тайинланди.

Московдаги кўчалардан бирига бир юк машина тешиқкулча, печенье ташлаб кетилди. Қирғизистондаги қанд заводларидан бирида махсус хандақ қазилиб 7 тонна қуйилтирилган ширин сут оқизиби юборилгани аниқланди.

Лангар билан баландликка сакраш бўйича тошкентлик таниқли спортчи Р. Гатаулин Ленинградга бош олиб кетганидан мухлисларнинг дилидаги ғашлик тиниқиб улгурмай шу спорт бўйича бир неча бор жаҳон ғолиби С. Бубка Францияга жунашга қарор қилди.

Московдаги «Шерметьево—2» тайёрагоҳининг 4 ишчиси 250 минг доллар қийматга эга бўлган бриллиант солинган кутини ўғирлаб кўлга тушди.

Вильнюсда Ф. Дзержинскийнинг уй-музеи бекор қилинди.

«Комсомольская правда» рўзномаси хабар берганидек, Хиванин сўнгги хонларидан бирининг невараси — шу пайтгача Украинада яшаётган Абдура-султўра Мадиев 71 йиллик айриликдан сўнг болалиги ўтган шаҳарга ташриф буюрди.

Бундан буён Албания атамасидаги «социалистик», «ҳалқ» сўзлари бекор қилинди.

1990 йили Масковнинг ўзида баҳорги ҳарбий хизмат қақирувидан 2151, кузги қақирувдан 3000 йигит бош тортди. Ҳарбий хизматни ўташ даврида 1988 йили 37, 1989 йили 4, 1990 йили 35 масковлик аскар ҳалок бўлган. ССЖИ Олий Шўроси қошидаги махсус комиссия берган маълумотларга кўра ҳар йили ҳарбий хизмат чоғида 6-8 минг йигит ҳалок бўлиши қайд этилмоқда.

ССЖИ Мудофаа Вазирлиги мамлакатдаги энг қалтис ҳудудлардаги ҳарбий қисмларни кўнгиллилар эвазига тўлдиришга қарор қилди.

Кейинги йилларда ўқув дафтари камчиллашиб кетганининг сабабларидан бири: 1990 йили давлат буюртмаси 452 милён бўлгани ҳолда 383,6 милён дона дафтар ишлаб чиқарилган.

Бир саволга — бир жавоб

«Ҳурматли «Еш куч»! Мен таниқли гуржи адиби, Ленин мукофоти совриндори Нодар Думбадзе асарларини севиб ўқийман. Адибнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумотга эга бўлишни истар эдим.

Урол АБДУРАҲМОНОВ,
Бойсун ноҳияси.

Машҳур гуржи ёзувчиси Нодар Думбаденин ҳаёти ҳақида бир неча сатрнинг ўзи билангина кифояланиб бўлмайди.

Нодар Владимирович Думбадзе 1928 йилнинг 14 июлида гуржи зибелиси оиласида дунёга келади. Болалик даври, бир сўз билан ифодалаганда, яхши ўтди. Бироқ у тўққиз яшарлигида отасидан жудо бўлди.

Дахшатли уруш ҳам ниҳоят интиҳосини топди. Худди шу даврларда Тбилиси Давлат дорилфунунининг гавжум мажлислар залида минбарга озгин, ниҳоятда одми кийинган, уятчангина йигитча кўтарилди бошлаганда олқишлар янада авжига чиқарди. Уша йигитча ўзининг ғамгин табассуми, паст овозда шеърларини ўқиб берарди. Нодар Думбадзе ўша даврда нафақат иқтисод факультетининг талабаси, балки ёшларнинг сеvimли дўсти ҳам эди. Ва у умрининг охиригача шундайлигича қолди.

1959 йили «Цискари» номли ёшлар ойнотмасида унинг илк романи «Мен, бувим, Илеко ва Илларион»нинг эълон қилиниши адибга катта шухрат келтирди. Бирин-кетин унинг «Мен қуёшни кўряпман», «Қуёшли тун», «Қўрқма, ойи!», «Оқ байроқлар» каби роман ва қиссалари, кейинчалик ҳикоялар тўплами эълон қилинди. Шу билан кетма-кет унинг яна бир романи — «Абадият қонун» ҳам дунёга келди. Сўнг яна ҳикоялар... Беғубор кулгу ва аламли кўзёш аралаш туйғулар...

Дарвоқе, Н. Думбадзе романлари ҳақиқатдан ҳам ягона бир туркумни ташкил этади. Уларнинг яратилиш услуби ҳам шундай. Бироқ қизиғи шундаки, улар ранг-баранг. Ҳар бири ўз тусида товланувчан.

Н. Думбадзе асарларининг яна бир хусусияти шундаки, уларга гўё нур эмдирилган. Бу ёзувчининг дунёқарашига эмас, балким унинг ёрқин қалбидан оқиб тушувчи ишонч ва умидидир. Адибнинг ёш қаҳрамони кўплаб қийинчилик ва ситамларни бошидан кечиради.

Уруш йилларининг бор оғирлиги эркакларсиз қолган қишлоқда болақайнинг озгин, мўрт елкаларига тушади, («Мен, бувим, Илеко ва Илларион», «Мен қуёшни кўряпман»). Бу ғамлар ўтиб-ўтмай ёвузликнинг қисқа тантанаси туфайли юзага келган етимликнинг аччиқ аламлари («Қуёшли тун»), оғир руҳий зарбалар («Қўрқма, ойи!»), айбсиз айбдорлик («Оқ байроқлар») ва ниҳоят ҳақиқат учун ўлим билан курашиш («Абадият қонун») қаҳрамон умрининг саҳифаларини банд этади. Ёзувчининг қай бир романини ёки ҳикоясини ўқиманг, муаллиф дарду аламини биз билан қанчалик бўлишмасин, барибир, асар ечимида унинг ИНСОН, ҚУЁШ ва ҲАЁТ абадийдир деган ишончи қалбларни умид шуълаларига буркайди.

«— Ҳа, сунъий юрак сизга тўғри келмайди... сиз сунъий юрак билан яшолмайсиз...» дейди профессор «Абадият қонун» романининг бош қаҳрамони Бачана Рамешвилига.

Н. Думбадзе ҳам учинчи, сўнгги юрак хуружини бошидан ўтказгач, ўзига сунъий юрак қўйилишини рад этганди. Бу балким ёзувчининг ясама юрак унинг ўз қалбиде қуёшни, ёруғликни, гўзалликни кўра, ҳис қила, сева олмаслигини билганидандир!..

Нодар Думбадзе 1984 йилнинг офтобли 14 сентябрида худди шу қуёшли қалби билан оламдан кўз юмди.

Унинг «Ношукр» ҳикоясидаги бош қаҳрамон — деҳқон Гурамнинг ўлими олтидан қуёшга қарата деган: «Алвидо, ҚУЁШ! Менин буюк шукронамни қабул айла...» сўзлари гўё ёзувчининг ҳам лабларидан учиб чиққан сўнгги каломга ўхшайди...

Дилфуза ҚУЗИЕВА,
ТошДД толибаси.

Ўзбек миллий мактаби қандай бўлмоғи керак?



Ҳар бир халқ ўз миллий қиёфасини, ўз миллий истиқболини ўзи яратмоғи, камолотга эришиш йўлларини ўзи изламоғи керак. Шундай экан, келинг, ўзбек миллий мактабини яратайлик!

Халқимиз, келажак авлодларимиз миллий ўзига хослигини сақлаб қолишини, келгуси асрларда яшовчи ўзбек башарият халқлари орасида бошини ғоз тутиб юришини чин дилдан истагувчи

устозлар,
ота-оналар,
муаллимлар,
тарбиячилар,
ўқувчилар,
барча жонкуярлар!

Марҳамат, фикр-мулоҳазаларингиз, таклиф-истакларингизга «Еш куч» мунтазир!

«АДОЛАТДАН АЙРУ ИЎЛ»

Сурхондарё вилояти комсомол қўмитаси биринчи котиби Ўрол Холмонов билан мусоҳаба.

— Жамиятимиз ҳаётида нафақат иқтисодий, балки маънавий таназзул чуқурлашиб бораётган аини шароитда шу мамлакат фуқароси, бунинг устига ҳали дунёқараши тўла шаклланиб улгурмаган ёш бўлиш оғир, албатта. Ана шундай пайтда ёшлар етакчиси, раҳбари бўлиш осонми!

Ю

зага келишига биз ҳам ўзимизни маълум даражада айбдорлигимизни тан оладиган ҳозирги танглик жамиятдаги ҳар бир фуқаро, жумладан ёшлар учун, айниқса раҳбарият учун беомон синов давридир. Иқтисодий, маънавий таназзул бошқаруving барқарорлигига жиддий путур етказди. Бундай шароитда ҳар бир раҳбарни фақат воқелик билан ҳисоблашиш, халқ билан рўйи-рост гаплашиш, улар талаб-эҳтиёжларини ўрганиб, тегшли чора-тадбирлар белгилашгина қўтқариб қола олади.

Сиз юқорида ёш бўлиш осон эмаслигини гапирдингиз. Саволингизга рўйи-рост жавоб берсам, бизда ҳалиям раҳбарлик қилиш бошқа жойлардагига нисбатан осонроқ. Нега деганда шунча қийинчилик, оғир шароитга қарамай, ҳали-ҳамон халқ, ёшлар биланга ишонади, умид қилади. Биз ишонч деб аталган бу юксак муқофотга лойиқ эканлигимизни кўрсатишимиз керак.

— Бунинг учун сиз етакчилик қилаётган вилоят комсомол қўмитаси қандай ишларни амалга оширяпти!

— Ҳозир меҳнат қиладиган давр. Мажлисбозлик, сохтакорликка чек қўйиш пайти келди. Вилоят комсомол қўмитасида аввало ана шу ишчанлик вазиятини яратишга интиляпмиз. Илгари бизда 35 нафар ходим мавжуд бўлса, ҳозир улар сонини 18 тагача қисқартирдик. Ноҳия комсомол қўмиталарида 17—18 ўринга 6—7 нафар ишчан комсомол ходимлари ишлай бошлади. Бу бизнинг фаолият марказимизни ёшларга яқинроқ жойга, яъни корхоналар, ўқув юртлари ва ташкилотларга кўчиришимизга ёрдам берди.

Ходимларимиз қуруқ тадбирбозлик билан эмас, халқ кунига ярайдиган аниқ бир иш билан шуғулланиши лозимлигини англай бошладилар. Вилоятда қадимий ҳунармандчиликни ривожлантиришга эътибор кучайтирилди. Эслаб қаранга, илгари товоқ, қошиқ, бешик, ўроқ, пичоқ, этик, дўппи ўзимизнинг қосиблар маҳорати туфайли ҳаётимизни безарди. Эндиликда буларни олиш учун ҳам давлат дўконига кўз тикамиз. Ота-боболаримиз қадимдан кам ёғоч ишлатиб, бетонсиз мустаҳкам уйлар қуришган. Эндичи? Бетону ёғочсиз уй қуришни ёдимиздан чиқараёзми? Ҳаммага ер берилган, барча қурилиш қилиши лозим бўлган ҳозирги шароитда цемент, ёғоч топиш қийин. Яқинда бир гуруҳ ёшлар бирлашиб, ҳашар йўли билан ҳафтада ота-боболар услуги билан бир уйни тиклаётганликларига гувоҳ бўлдим. Бу ибратли ташаббус қувватлашга арзийди. Ер билан тиллашиш, унга барча неъматларни ато этувчи волидадек муносабатда бўлишни ҳам эсдан чиқараёздик. Мева-чевалар, полиз маҳсулотлари, ҳатто гўшти



ҳам давлат дўконидан харид қилишга ўргангандик. Тўғриси, ялқовлик, текинхўрлик каби ота-боболаримизга номуносиб кайфият феълимизда зоҳир бўла бошлаганди.

Комсомоллар билан бу ҳолга тоқат қилиб бўлмайди, деб келишдик. Аини чоғда ёшлар юқорида тилга олинган ҳунармандчилик, қосибликни ўрганишмоқда. Яқин даврнинг ўзида 30 дан зиёд тегиримонлар, кўплаб жувозхоналар қайта тикланди.

Ёшлар бизга ўзларини тўлқинлантирган турли муаммолар, таклифлар билан кела бошладилар.

Х

ар қандай мақолани турғунлик йилларини лаънатлашдан бошлаш урф тусига кириб қолган шу кунларда мен ўзимизга бир чуқурроқ назар солмоқчи бўлдим.

Бизнинг тенгдошларимиз — 40 ёшлиларнинг кўпчилиги (ҳаммаси деб юборишимга бир баҳа қолди) маишатбозлик касалига учраганмиз, видеобозлик вабосига чалинганмиз. Иш орасидаги қисқа тушлигимизни имкони бўлса камбағалнинг тўйидек ҳашамдор қилиб ташкиллашмиш. Ишдан кейинги чойхоналар, соя-салқин жойлар, дам олиш уйларидаги зиёфатларни гапирмасаям бўлади. Дам олиш, байрам кунларидаги, таътилдаги овқатхўрлиги, майхўрликларга таъриф йўқ. Ҳа, тенгдошларимиз шундай ишлар билан банд. 15—22 ёшдагиларчи? Кўз олдингизга келтиролмасангиз мен ёрдамлашай.

Азонда ювиқсиз қўли билан телевизорни бурайди. 120+30 минут. Унинг тепасида магнитофон, уям ёриллаб, шириллаб ишлаб туради. Деворда радиокарнай доимий очик. Чала уйқу билан ўзбекчами, русчами, хорижчами — тушунса-тушунмаса эшитиб, кўриб ётади. Сўнгра ўша ҳолатда нонуштага ўтиради. Нонуштаям учёқлама шовқин остида ўтади. Агар ишласа, ўша ёққа телевизорни олиб кетишнинг иложи бўлмагани учун магнитофонни олиб кетади. Ишламагани эса кўчага чиқса кўчада, автобусда, поездда (ҳожатхона тозалаётганда ўша ерга сим тортиб бориб музика садолари остида ишлаганлариям бор) ҳам магнитофон (арғамчи қўшиқ)ни варанглатиб юради. Кўшиқ матнининг кўпини, ҳатто ўзбекчасиниям тушунмаслиги аниқ. Аммо музикани умуман ҳис қилмаслиги жуда ёмон.

Кўшиқ қуруқ бўлмайди, албатта. Буруқсиган сигарет тутуни (топгани нашаям чекади) остида эштади: йигирма метр наридан ўтса, Абдулла Қаҳҳор ёзгандай, ундан сархонанинг сассиғи келади (ҳиди дегим келмади).

Уларнинг уйларида ота-оналари борми, бор бўлса нима иш қилишади, дерсиз. Оталари ҳақида юқорида гапирдик. Оналари-чи? Бир неча йиллар аввал шаҳарда бир гуруҳ эр-хотин-

лар бирга ўтиришиб, ойда бир гап еркан деган «ширин» хабар қишлоқларга оралаб қолди ва тез орада қишлоқларда ҳам унга тақлид қилиш одат тусига кирди. Бундай ширин гуруҳбозликнинг оқибати нималарга олиб боришини ўйламадик, ўйласак ҳам келажак авлод тақдирдан беш кунлик ҳузурни афзал кўрдик. Қадим-қадимдан муслмончиликда аёл билан эркак ўртасида фарқ бўлган. У сиз истасангиз ҳам, истамасангиз ҳам бўладиган нарса. Ҳеч қачон бегона эркак билан аёлнинг тиззаларини уриштириб, очилиб-сочилиб ўтиришини маъқуллашмаган. Қуръони каримда ҳам бунга рухсат этилмаган. Биз эса ана шу олтин қондани бузганимиз етмагандай икки жинс вакиллари ёнма-ён ўтириб сархуш қилувчи ичимликларни уриштириб ичишни ҳам ўргандик, кўрақларимизни суйкаб ўйин тушишни одат қилдик.

Ана шундай жуфт ўтиришларни ташкиллай олмаган аёлларимиз ўзларининг «камситилиш» ларига қарши ёшлари, касблари, пуллари га қараб гуруҳларга бирлашишди. «Игрушка», «Гап», «Шанбалик» деган ўтиришлар уюштиришди. Бир ойда бир-икки марта маза қилиб ўтиришармиш. Кўчада сувга чиққанда бирга бўлишади, магазинга чиққанда бирга бўлишади, далада бирга бўлишади, тўю азада бирга бўлишади, яна кунига бир-икки вақт топиб уйларида ўтирган вақтиям бўлади. Буларнинг ҳаммасиям камдек, яна ойда бир-икки марта мириқиб гаплашиш учун тўпланишаркан. Тонготар...

Энди ўша ўтиришларнинг — хоҳ эркакларники бўлсин, хоҳ аёлларники бўлсин, боринг ана аралаш жинсдагиларники бўлсин, болаларни у ерга киритишмаслигини биласиз. Ана шу кунлари болалар ё овқатсиз қолади, ё иситма овқатни ўзлари ёлғиз ейишади. Эртақ эшитиш, алла тинглаш, ахлоқ-одоб мавзусида суҳбат эшитиш ўрнига ўзлари истаганларича но-

маъқулчилик қилишади. Тезроқ катта бўлиб ана шундай «Шанбалик», «Игрушка», «Гап»ларга бориш ҳаёли билан яшашади. Бундай «орзу»ли кунлар афсуски кўп бўлади. Чунки бир ўзи 4—5 та гуруҳга қўшилганлар ҳам бўлади. Синфдошлар, курсдошлар, маҳалладошлар, касбдошлар, қариндошлар, божалар, раҳбар ходимлар... Нима учун мен бу мисолларни келтираётганимнинг сабабини кейинроқ очармиш.

Мақтабда ўзбек тили ва адабиёти фанларининг ўқитилиши ҳақидаги гапларни унга ажратилган соатлардан бошламоқчиман. Соатлар тақсимоотида бир оз адолатли қадам қўйилганлигини маъқуллаган ҳолда, ҳамон бу борадаги ишларни етарли эмас деб ҳисоблайман. Агар ихтиёр менга берилса ўзбек тили ва адабиёти фанларини чет ва рус тилларидек иккига бўлиб ўқитишни тавсия қилган бўлардим. Ана шундай қилингандагина менга ўхшаган ўқитувчилар ўзбекча сўзларни тушунмай луғатга қараб юрмайди. Қаранг, қандай бедодликки, ўзбек тили ўқитувчиси ўз она тилидаги сўзни луғат орқали тушунса?!

Ҳамон бизда дадиллик етишмайди. Соатнинг ўзи оз. Униям фалон халқнинг фалон ёзувчиси дастурга кирмаса хафа бўлмасмикан? Фалончи кирсаю писмадончи кирмаса ноқулай бўлмасмикан, қабилида иш тутиб дастуримизни ранг-баранг қилиб юбордик. Натижада ё ўзбек бўлмадик, ё байналмилалчи бўлмадик.

Келинлар, энди дадил бўлайлик. Аввал том маънодаги ўзбек халқ оғзаки ижодини чуқур, кенг ўрганайлик, Навоий, Бобур, Яссавийнинг асарларини қисқармаган, бузилмаган ҳолда ўқийлик. Бугунги ўзбек адабиётига кўпроқ соат ажратайлик, ўқувчилар тасаввурига адабиёт, ёзувчи деганда олис, оламдан ўтган кишилар келмасин. Ёзувчилар ҳам ўзимиз каби одамлар эканини, улар бизнинг бугунги

МАЪНАВИЯТ ҚОЗОНИ

«ИНКИРОЗ ЙЎЛИДА»

Рости, уларнинг барчасини ёлғиз ўзи ҳал этиш жамоат ташкилоти бўлган комсомол кўлидан келмайди. Бунинг учун ёшлар ташкилоти қонуний бўлиши лозим. Яқинда қабул қилинган ёшлар сиёсати ҳақидаги қонун ишимизга ёрдам беради, комсомолнинг жамият ҳаётидаги ҳуқуқий ўрни аниқ бўлишига кўмаклашади деб ўйлайман.

Шунча йиллар давом этган «илтимосчилик», «сўровчилик» мавқеи комсомолнинг обрўсизланишига асосий сабаблардан бири деб биламан. Бошқа ташкилотлар билан қонун тилида гаплашиш ишимизнинг ҳам, ёшлар ҳаётининг ҳам ўнгиланишига замин яратади.

— Маълумки, комсомолнинг муҳим вазифаси — ёш авлодни тарбиялаш. Бизда «меҳнат — тарбиялайди» деган ақида мавжуд. Айтингчи, вилоятингиздаги ишсизларни нима тарбиялайди? Уларнинг сони қанча!

Вилоятимиз аҳолисининг 47 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Жами ишсизларнинг 80 фоизи ҳам ёшлар ҳиссасига тўғри келади. Урта мактабни тугатган хотин-қизлар орасида эса ишсизлар сони 17 минг нафарни ташкил этади. Кейинги келтирилган рақам унчалик тўғри эмас. Зеро мавсумий ишчилар, яъни йилда 2—3 ойгина иш билан таъминланадиган хотин-қизлар бунга киритилмаган кўринади. Аслида хотин-қизлар орасида ишсизлар сони бундан ҳам кўп.

Кейинги пайтда бу борада жиддий, кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Давлат, жамоа хўжаликлари билан шартнома тузиб, пудрат, аренда услубида ишлаётганлар, фермерлар сони ортиб бораёпти.

Деярли барча ноҳияларимизда консерва заводлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта иш-

лайдиган корхоналар қуриляпти. Шўрчида калиш заводининг, Олтинсойда майизни қуритадиган цехнинг ишга туширилиши минглаб ёшларнинг иш билан таъминланишига сабаб бўлди. Бу каби кичик корхоналар вилоят иқтисодиётини тиклашда ҳам кўл келмоқда. Биргина мисол: илгари узумларимиз ҳар килоси 60-70 тийин баҳолашиб, Самарқандга олиб кетиларди. Майиз ҳолига келтирилган, самарқандликлар уни ўзимизга 5 сўмдан сотишарди. Олтинсойдаги каби цехлар бундай иқтисодий исрофгарчиликка барҳам беради. Асосийси, ёшлар иш олиб, бир қадар ишонч билан ҳаёт кечирisha бошлагандир. Бу борада комсомол мавжуд имкониятларнинг барчасини ишга солиб, ёшлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш позициясида тураверади.

— Ер юзидаги жами мамлакатлар маҳдудликда биқиниб тараққий эта олмаслигига амин бўла бошлади. Сурхондарё, маълумки, чегара минтақаси. Жўрофий жойлашувининг ўзиниёқ ўзаро алоқаларни тақозо этади. Вилоят комсомол кўмитаси бу борада нима ишлар қилляпти!

Вилоятимиз кўшни Афғонистон жумҳуриятининг Балх вилояти билан 5 йилдан буён ўзаро дўстлашиб, иқтисодий ҳамкорлик қилиб келади. Ҳар йили бир неча маротабадан делегациялар алмашамиз. Утган йили август ойида Қобулда бўлиб, Афғонистон демократик ёшлар ташкилоти билан бир неча шартномалар имзоладик. Ҳамдўстлигимиз янги босқичга кўтарилди. Бу йил биз Алишер Навоий таваллудига бағишланган тантаналарда иштирок этиб қайтдик. Улар келиб биз билан Наврўзни бирга байрам қилишди. «Осиё» тижорат марказимиз Афғонистоннинг «Шарқ» фирмаси би-

лан ўзаро иқтисодий алоқалар қилишга киришди. Улар биздан айрим хўжалик моллари, техника воситалари сотиб олишса, биз улардан компьютерлар, енгил sanoat моллари, жун, тери оламиз.

Термиздаги Ҳайратон кўприги орқали афғонистонлик сайёҳларни қабул қилишга киришилди. Сайёҳлар 2-3 кун Самарқанд, Бухорода бўлишиб, тарихий обидаларни зиёрат қилиб қайтишади. Бу тadbирлардан албатта комсомол ҳисобига ҳам пул тушади. Яқинда Мўғулистон ёшлар ташкилоти билан ҳам дўстлик ва иқтисодий ҳамкорлик борасида тadbирлар белгиляяпмиз. Термиз, Сурхонадарё эркин тadbиркорлик ноҳияси мавқеини олса, бу борадаги ишлар янада самарали бўларди.

— Келажакни кўра билиш қобилияти раҳбар кишига жуда керак фазилат. Шу маънода сиз яқин келажакимизни қандай тасаввур этасиз!

Шундай меҳнаткаш, иқтидорли халқи бўлган Ўзбекистоннинг танглик ҳолатида узоқ туриб қолиши мумкин эмас. Ҳақиқий суверен жумҳурият сифатида Иттифоқ таркибида қолинса, бошқа чет мамлакатлар билан эркин иқтисодий алоқалар ривожланса, ишимиз албатта яхши бўлади. Меҳнат кишисига, тadbиркорликка эркин кенгайтира борсак, меҳнаткашга ўз меҳнат ҳақини бера олсак, келажак албатта нурли бўлади. Асосийси, барча соҳада адолат, ҳалоллик тантана қилишига эришилди. Бошқача йўл — инкирознинг чуқурлашуви йўлидир.

Амирқул КАРИМОВ
сўхбатлашди.

МУАЛЛИМ ТАШВИШЛАРИ

дардларимиз куйчилари эканлигини тушунтирайлик. Бунинг учун кенг, мўлроқ соатлар керак.

Адабиёт ўқитилишида, айниқса эркинлик бўлмас экан, ҳеч қачон мустақил фикрловчи авлодни тарбиялай олмаймиз. Нега? Аввало айрим думбул маорифчиларимиз мактаб-маориф ишини ўқитувчиларга оқ кўйлак, қора костюм, галстукни мажбуран тақдириш билан бошламоқчи, ўқувчиларга инкубатордан чиққандай оқ кўйлак, қора шим кийдириш билан амалга оширмоқчи бўляптилар. Дарсликларимиз ҳам бир хил. Бутун республикамиздаги фалон миллион ўқувчи ҳаммаси бараварига Ғофур ижобий, Солиҳбой салбий дейишга мажбур, бошқача фикрлаб ҳам кўрсинчи?! Қисқаси, ҳамма ўқитувчию ўқувчимиз заводдан чиққандай бир хил кийим, бир хил фикрда. Нега энди ҳамма ҳар хил — ўзи хоҳлагандай, фикрлагандай гапириши мумкин эмас?

Агар дарсликдаги «Навоий бу ғазалида шундай демоқчи» қабилидаги шарҳлар берилмаса, фақат асарнинг матни берилса, уни муаллим ёрдамида ўқувчилар кучи билан ўқилиб, ҳазм қилинса-чи?

Ёки она тили дарсликларини олайлик. Нега энди бутун бошли дарсликни 2 олим ёзиши керак? Дарсликни бир-икки киши ёзса, бир хилликка, юзакиликка йўл қўйиши табиий. Нима қилмоқ керак? Масалан, атоқли отларни бир муаллим, отларда бирлик ва кўпликни бошқа олим ёзса тиниқроқ, ранг-барангроқ чиқмасмиди? Бу ерда, тўғри, пул масаласи сал нақароқ бўлади. Нима бўлибди, кимнидир пул билан таъминлаш учун фалон йиллик дарсликнинг савиясини пасайтирамизми?

Тил-адабиёт муаллимларининг олдида турган энг муҳим муаммолардан бири эски ўзбек ёзуви масаласидир. Ҳамон айрим эҳтиёткор, амал шоҳсупасидан кетиб қолишдан чўчувчи ота-оналаримиз эски ўзбек ёзувига қайтиш шарт ва буни кечиктириш жиноят, дейишга ботинолмаяптилар. Мен катта иқтисодчи эмасман. Эски ёзувга ҳам ўтганимизда қанча моддий зарар кўришимизни ҳисоблаб беролмайман. Аммо битта нарсани яхши била-

ман. 1929, 1940 йиллардаги ёзув алмашганда ўша ота-оналаримиз ёки уларнинг ота-оналари шундай демаганлар, индамай қўл кўтарганлар ёки имзо чекканлар. Яна бир нарсани билман: ҳозир эски ёзувга ўтиб кўрадиган зараримиз у ёзувни ўрганиб олиб эски қўлёзмаларни ўқиб топган фойдамизнинг мингдан бирига ҳам тенг келмайди.

Бизнинг ишимизга катта тўсиқ бўлаётган нарса ота-оналаримизнинг илмсизлиги (мен бу сўзни кенг маънода олаяпман, фақат ҳарф таниш маъносида эмас). Кўп ҳолларда фарзандлари ўртача ўқийдиган ота-оналар «Сен барибир ўқиб мулла бўлолмайсан, мол-полинга қараб юравер» деб кўп прогул қилдирадилар, бадий китоб ўқишга рағбат билдирмайдилар. Уларнинг тасавурида бола мактабда олий ўқув юртига кирмоқчи бўлсагина ўқиши керак. Айниқса бадий китобни ҳам ана шундай мақсади борларгина ўқиши керакдай! Ана шундай ота-оналар уйларига бадий китоб олиб келмайдилар, бундай ишлар учун пул сарфлатмайдилар. Ота-оналар, ака-опалари қўлига китоб, газета-журнал ушламагач, ана шундай хонадон болалари умуман ўқишга мойил бўлмайдилар.

Худди шу ўринда ҳалиги зиёфатхўр ота-оналаримизни яна бир эслатмоқчиман. Уларнинг қанчалик зарар келтириши тушунарлидир. Шунинг учун ҳам, уларга зарба бериш учун адабиёт муаллимлари, кутубхоначилар, мактаб маъмурияти бадий адабиёт тарғиботига катта эътибор беришлари керак. Токи оталар уйга қўлтиғида ароқ эмас, китоб билан кириб келсин.

Муҳаммад СОДИҚ,
Фарғона вилояти Боғдод ноҳиясидаги
4-мактаб ўқитувчиси.

Маишатбоз бўлиб кетдик, нафсни, таралла-бедодни эмас, ўғил-қизларимизга шароит яратишни кўпроқ ўйлайлик, дейди муаллим. Сиз-чи, муштарийлар!



Ҳамдам НАЗАРОВ
Чиноз ноҳиясидаги 22-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

...«Қайси касбни танласам экан, колхозчи бўлайми, қурувчи бўлайми ёки фазоларда парвоз этувчи учувчи бўлсаммикан, эҳтимол муаллимлик яхшидир, чорвадор бўлиб юртимни сут-қатиққа, гўшга сероб қилсам-чи?... Йўқ, яхшиси, ҳозирча аъло ўқишим, фанларни чуқурроқ эгаллашим зарур, билимли бўлсанг, у ёғи осонроқ ҳал бўлади, дейишади...»

Илгимдин келгунча Золим тиғин ушатиб

Мазлум жароҳатиға

Интиқом малҳамин қўйдим.

Алишер Навоий

Мен 1987 йили Шўро армиясига чақирилдим. Тақдир экан, Амур вилоятида хизмат қилаётганимда оёқларимни совуқ олди. Благоевск шаҳрида 6 ой госпиталда даволандим. Лекин фойдаси бўлмади. Уйдан соғ чиқиб кетиб, оёқсиз қўлтиқтаёқда қайтдим. Мана, 2 йил бўлдики иш излаб бормаган жойим қолмади. Аввал туман ҳарбий комиссариатиға, сўнгра ижроия қўмитасига 3 марта мурожаат қилдим. Фойдаси бўлмагач туман партия қўмитасига ҳам бир неча марта бордим. Ҳамма ерда қуруқ ваъда. Раисимизга мурожаат этсам, сенга иш йўқ, қаерга мурожаат қилсанг қилавер, деб айтди. Қандоқ бедодлик бу, ахир? Мен улاردан амал сўраганим йўқ-ку! Ниҳоят битта қоровулликка жойлаб қўйинг, дегандим. Ота-онам пенсионер. Ҳали уйланишим керак. Дўстларимнинг ҳаммаси ишлайди. Уйда жуда зерикаман, қаердандир нажот истайман. Лекин ҳаммага бор нажот менга йўқ. Алам қилгани, мен мурожаат этганимдан сўнг ҳам менга иш йўқ деб айтган раис 2 кишини — бирини мактабга, иккинчисини колхоз боғига қоровул қилиб олди.

«Еш куч», менга ёрдам бергин! Бирдан-бир умидим сизлардан. Агар оёқларим бўлганда ҳам сизга мурожаат этмас эдим. Биламан, ишларинг кўп. Лекин менга ҳам ёрдам беринглар. Хизматдан қайтганимдан бир йил ўтгачина менга III группа ногиронлиги таъинланиб 70 сўм нафақа бериляпти. Лекин бу 70 сўм нафақа билан ҳозирги бозор шароитида қандай яшаш мумкин? Шўро армиясининг III гуруҳ ногирони Алишер АБДУЛЛАЕВ маслаҳатингизга интизор.

Самарқанд вилояти Хатирчи тумани
Мирзо Улугбек номли жамоа хўжалиги
Қайиш қишлоғи.

ТАХРИРИЯТДАН:

Ҳозир кўпгина жумҳуриятларда ерлик миллат вакиллари ўз юртида хизмат қилиши масаласи кўтарилаётгани бежиз эмас. Буни асло миллий маҳдудлик деб тушунмаслик керак. Бойси инсон организми об-ҳавоси кескин фарқланадиган ўлкада узоқ муддатга бардош бериши қийин. Совуқ ўлкаларда туғилган сибирлик йигитларга Ўрта Осиёнинг жазирама қуёши салбий таъсир қил

ХАТИРЧИ ТУМАНИ:

Ногирон йигитнинг фарёди

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ:

Чорасизнинг чораси

САМАРҚАНД:

Сўнгги илнж

ЧИРОҚЧИ ТУМАНИ:

Бир келиб кетинг,

жон мактабимизга

ҚАТОРТОЛГА

ганидек, юртошимизнинг Амур вилоятида оёғидан ажралиши ҳам тасодифий эмас. Шунча кўрган кўргулиги етмагандек собиқ аскарнинг оддий ҳуқуққа — қоровулликка ишга жойлаша олмай биздан ёрдам сўраб хат ёзиши ҳам у яшайдиган ердаги раҳбарларнинг инсонийлик даражасини кўрсатадиган бир кўзгу аслида. Собиқ аскар Алишер Абдуллаевга биринчи навбатда туман ҳарбий комиссариати хайрихоҳлик кўрсатиши лозим эди. Начора, эҳтимол ойнома саҳифасида аянчли тақдири босиб чиқарилгандан кейин Алишерга ҳамдард бўладиган раҳбарларга Хатирчида ҳали қирон келгани йўқдир!

Биз шунга ишониб қоламиз ва Алишернинг тақдиридан Самарқанд вилояти комсомол қўмитаси ҳам бохабар бўлишини истаб қоламиз.

Мен ҳам кўпгина тенгдошларим сингари маслаҳатингизга муҳтожман. Оилада 20 киши яшаймиз. Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув зарур деганларидек, бир одам ҳаёт кечириши учун турар жой, озиқ-овқат, кийим-бош ва ҳоказо нарсалар керак. Ота-онам, битта акам колхозчи, иккита акам ташкилотда ишлайдилар. Учта келин аям ёш болалари борлиги учун уйда ўтиришади. Мен бу йил мактабни битираман, лекин ота-онам сингари 5 кило кетмонни елкамга осиб, эртадан кечгача далада ишлашни истамайман! Бирдан бир орзуим шифокор бўлиш, халқимга ҳалол хизмат қилиш. Лекин...

Ўқишга кириш йилдан-йил қийинлашиб кетаяпти. Олий ўқув юртларини қўя турунг, билим юртига кириш учун юзсиз порахўр ўқитувчилар 2 минг сўм пул сўрашмоқда. Бу ёзилмаган қонунни, шартни бажариш учун менга ўхшаган колхозчининг болалари ота-онасининг бир йиллик даромадини порахўрнинг қўлига тугқизиши керак. Уз билимим билан ўқишга кирман десангиз, порахўр ўқитувчиларнинг тилини гулала қилиб қўядиган даражада билимли бўлишингиз керак. Бунинг учун биз қишлоқдаги нураб кетган мактабда соқоли ўсган ўқитувчилардан эмас, расо мактабларда ўтқир билимли устозлардан билим олишимиз керак. Ҳолбуки биз қиз бола бўла туриб ҳафтада бир кун тракторчиликка ўқиймиз. Бекорга бир кунлик вақтимиз ҳавога совуриляпти. Шундай экан, қандай қилиб ўқитувчиларни лол қолдирадиган даражада билим оламиз? Кириш имтиҳонларини аъло даражада топшира олмасам-да, шунга ишончим комилки, ўқишга кирсам қийналмай ўзлаштириб кетишга ақлим етиб турибди. Маслаҳат бер, «Еш куч!» Севган касбимни эгаллаш учун нима қилишим керак?

Соҳиба УСМОНОВА,
Фарғона вилояти Охунбоев туманидаги
Победа жамоа хўжалиги.

ТАХРИРИЯТДАН: Бундай хатларни ўқиш биз учун оғир. Ўзимизни алдамайлик, жумҳуриятимиздаги барча олий ҳамда нуфузли билим юртларида порахўрлик мавжуд. Бу иллат шу қадар ҳаётимизга сингиб кетганки, унга қарши курашиш учун жиддий парламент даражасида туриб муқим қарорлар қабул қилиш керак. ЎзССЖ Олий таълим вазири Шавкат Алимовнинг муҳбиримиз билан қилган суҳбатида ҳам бу муаммо кўтарилган эди. Ушанда вазир жумҳуриятдаги Олий ва ўрта махсус ўқув юртларини кўпайтириш, борларини кенгайтиришнинг самараси катта эканини алоҳида таъкидлаган эди. Иил сайин янги олий ўқув юртлари очилапти, илмгоҳлар Дорилфунунга айлантириляпти, лекин бу тадбирлар ҳали етарли эмас. Қолаверса, «бўри

ни инидан чиқазган нарса эҳтиёж» деган гап ҳам бор. Олий ва Ўрта махсус ўқув юртларидаги ўқитувчиларнинг маошлари ниҳоятда паст. Бу муаммоларни ҳал қилиш керак. Баъзилар бу борада ўқув юртларини пулли қилиб қўйиш ҳақида ҳам таклифлар киритмоқдалар.

Иттифоқ матбуотида қизгин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Биз жамоатчиликдан бу ҳақда ўз қимматли мулоҳазаларини ойномамизга ёзиб юборишларини сўраймиз.

Сизларга аччиқ қисматим ҳақида ёзаяман. Ешим 20да. Оилада тўртинчи фарзандман.

Ушанда 7-синфда ўқир эдим. 1983 йил 8 апрелда фалокат босиб икки оёғимдан ажраб қолдим. Ҳаётимни сақлаб қолишга ота-онам, қариндош-уруғларим жон-жаҳдлари билан курашдилар. 6 марта операция бўлдим. Яхшиямки, бахтимга шифокорлар бор экан, ҳаётимни сақлаб қолдилар. Ҳозир иккала оёғим протезда. Шунга қарамай барча юмушларни бажара оламан. Фақат... Гоҳо шўх-шодон чопқиллаб юрган болалик кезларимни эслаганимда аламдан кўзларим ёшланади. Нима қилай, худо деб ўтиришдан ўзга чорам йўқ. Мана мен тенги дўстларим уйланиб уйли-жойли бўлишяпти. Уларга боқиб қувонаман, ҳавас қиламан. Энди менинг тақдирим нима бўлади деб яна ўзимни қийнайман. Ахир менинг гуноҳим, айбим нима? Бу аҳволимда ким ҳам менга тегади. Ғам-аламдан адо бўлган ота-онамни кўрганимда руҳан азобланаман. Азиз «Еш куч», Сен бошига мушкул иш тушган минглаб ёшларга ёрдам бергансан. Тақдирим қўлингда! Хатимни «Қатортол»га ёзиб чиқ. Ота-онамнинг сочлари оқармоқда. Эҳтимол менга ёрдам бермоқчи бўлган шафқатли инсонлар, қизлар бордир, деб қўлимга қалам олишга мажбур бўлдим.

ТАХРИРИЯТДАН. Биз илтимосга кўра хат муаллифининг асл исмини, яшаш жойини кўрсатмадик. Ғуломжонга хат йўлламоқчи бўлганлар уни тахририятимизга жўнатишлари мумкин. Бу хатларни эгасига етказамиз.

Мактабимизда камчиликлар бисёр. Биология, химия дарслари ўтилмайди. Физкультура дарсига қизиқамиз, лекин спорт анжомлари йўқ. Кутубхонамиз йўқ эмас, бор, лекин ундаги 15 та китобни аллақачон ўқиб бўлганмиз. Бошқа мактабларда болаларга бепул овқат бериляпти. Аммо бизларда бошланғичларга ҳафтада беш донадан печенье беради холос. Қишда синф томларидан чакка ўтиб китоб-дафтаримиз ивиб кетади. Бизга ёрдам беринглар.

Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги
Н. Г. Чернишевский номли 72-ўрта мактаб
ўқувчилари.

Мақтабимизда меҳнат дарси фақат тракторчиликдан иборат. Нима, биз катта бўлсак тракторчи бўлармидик? Қишлоққа нечта тракторчи керак ўзи? Нега мактаб дастурларини тузаётган калтафаҳм мутасадди шахслар давлат маблағини, бизнинг олтинга тенг қимматбахо вақтимиз беҳуда сарфланаётганини ҳисобга олишмайди? Қўшни мактаблардаги меҳнат дарсларида тикувчилик ва ошпазлик ўргатилади. Уқувчилар учун лоақал уларнинг келажагига асқотадиган, бинобарин уларни ҳаётга тайёрлайдиган дарс машғулотлари ўтказиш пайти келмадимми? Бизнингча мактаб ислоҳоти энг аввало мана шу муаммоларни ҳал қилиши керак.

Сизларга ҳурмат билан Қорақалпоғистондаги Амурдэ туманининг 34-ўрта мактаб 9—10-синф ўқувчилари.

ايلىكىم دىن كىلگۈچە ظالم تىغىن اوشا تىب

مضلوم جرائتغى انتقام ملحمين قويديم

عليشير نوایی

Умрида ҳеч бўлмаса бир лаҳзагина диктор бўлишни орзу қилмаган қиз бўлмаса керак. Ҳар бир қиз дикторликни орзу қилиш билан бирга улардай гўзал, иболи, сўзлари мулойим қиз бўлишни орзу қилишади. Аммо орзу орзу-да. Аммо дикторлик касби ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Дикторлик касбидан умид узган қизлар энди ҳеч бўлмаса дикторларга ўхшагиси келади. Аммо Ўзбекистон телевидениясида ишловчи барча дикторларнинг сочи калта. Дикторларга ўхшаш ниятида озмунча қизлар сочларини кесишди-ми?! Масалан бизнинг мактабдаги айрим қизлар ҳам Дилдора Низомхўжаевага ўхшашни орзу қилиб сочларини кесишди. Натанга ёмон бўллади, сочлари ўзларига ярашган, лекин уларнинг аввалги узун қалин сочларини эслаб ҳали ҳануз ачинаман. Қани эди, менинг сочларим ҳам уларникидай қалин бўлгандайди. Тўғри суҳандонларимиз чиройли, ширинсухан. Лекин қани эди, ойнаи жаҳон орқали эғнидаги атлас кўйлаги ял-ял ёнаётган, узун сочли, қош-кўзи қопқора, бошига дўппи кийган, сочларининг ўрими ҳуснига ҳусн бераётган, бир қарашда шарқона гўзалликни кўрсата оладиган қизлар ҳам чиқишса. Узун соч ҳақида гап кетар экан, бу борадаги яна бир муаммони тилга олсак. Ўзбек хотин-қизларининг сочларини чиройли қилиб кесиб, турмаклайдиган сартарошхоналар, узун сочларини ҳам ўзига муносиб ҳолда ўриб, турмаклаб қўядиган сартарош оналар бўлармикан-а? Балки шундай сартарошларимиз бўлганида узун сочларини кестириш учун сартарошхонага борган қизларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиб, уларнинг сочларини ярашимлик қилиб ўриб қўярмидилар?.. Дарвоқе, узун сочли дикторларни ойнаи жаҳонда қачон кўрамиз?..

Наргиза ҚУШОҚБОЕВА.
Тошкент шаҳридаги
138-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

МАКТУБЛАР

Бу хатни аслида бир йил олдин ёзишим керак эди. Мен «Саодат» ойнамасига мактабимиздаги камчиликлар ҳақида ёзгандим. Туман халқ тағлими бўлимидан текширгани вакил келди, директоримиз жуда асабийлашди. Шу кундан бошлаб менга бошқачароқ муомала қила бошлашди. Улар бирор хато иш қилсам «директор устидан шикоят ёзгунча ўзингни тўғрилаб ол» деб юзимга солишадиган бўлди. Бутун қишлоқда дув-дув гап. Ҳамма мени қўлини бигиз қилиб кўрсатади. Онам ҳам койидилар. Яхшиям бахтимга дугоналарим бор экан, оғир дамда менга улар далда беришди, Айтингчи, айбим нима? Наҳотки мен мактабдаги камчиликларни ёзиб хато иш қилган бўлсам?

Гулбахор РАҲМОНОВА,
Самарқанд вилояти Советобод туманидаги
Чкалов номли мактаб ўқувчиси.

ТАҲРИРИЯТДАН: Гулбахор! Сен ён-верингдаги камчиликларга лоқайдлик қилмай тўғри қилгансан. Қанийди ҳамма ўқувчилар сен каби «камчиликларга мурасасиз бўлиб ўсишса. Афсуски орамизда сен каби куюнчак фикрлайдиганлардан кўра, «менга нима» деб бир чеккада томошабин бўлиб турадиганлар юз, минг ҳисса кўпроқдир.

Жамиятни таназулга солган, Оролнинг қуришига сабаб бўлганлар ҳам аслида ўшалардир. Бир киши интилиб, юз киши қўл қовуштирган жойда тараққиёт ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, Гулбахор!

Беш фарзанднинг тўнғичиман. Отам совхозда ишлайди. Онам эса уйда. Мен 10-синфда ўқийман. Дунёдан безорман. Барча уй юмушлари менинг бошимда. Отам ишдан келгандан сўнг доим мени сўқади, уради. Онам ҳам мени ёмон сўзлар билан қаррагани қарраган. Нима қилсам ўз ота-онамга яхши кўринаман? Ҳаёт оғир, кечаларни оҳ билан ўтказаман. Гоҳида ўзимни ўлдиргим келади.

Дилдора,
Ленинобод вилояти.

Уқитувчиларимиз яхши дарс ўтмайди. Кимнингдир бир хатосини топиб 45 минутни баъзан беҳуда ўтказиб юборишади. Ўзбек адабиёти дарсининг кириш қисмига пахтанинг нима алоқаси бор, деб ҳеч ким ундан сўрамайди.

Илтимос, мактабимни журналга босиб чиқаринглар. Зора шунда ўқитувчиларимиз дарсни беҳуда ўтказмай ҳақиқий сабоқ билан шуғулланишса.

М. ҲАЛИЛОВА,
Қашқадарё вилояти
Яккабоғ тумани 13-ўрта мактаб ўқувчиси.



XXI аср остонасидаги оддий қишлоқ мактабларидан бири. Бундай мактаблар жумхуриятимизда мингга яқин.



АМУДАРЕ ТУМАНИ:
Тракторчи бўлмай дейман

СОВЕТОБОД ТУМАНИ:
Айбим нима?

ЛЕНИНОВОД ВИЛОЯТИ:
Фарзанд қадр

ЯККАБОҒ ТУМАНИ:
Вақтимиз беҳуда ўтаяпти

ТОШКЕНТ ШАҲРИ:
Ақли узун диктор қизлар

Кўнсаҳифани
Ғайбулла БАРИМОВ жойлаштирган.

Кетар бўлсанг

Дунё карахт, дунё соқов, дунё гаранг,
Қайга чопар қуёш бунча оёқ яланг,
Ҳаёт бугун юрагимдан сўрама ранг,
Ёрим агар кетар бўлсанг, саломат бўл.

Йўқотилган баҳорларда абр бўлдим,
Не тун эди сенинг учун бадр бўлдим,
Йўл четгида қолган йўқсил қабр бўлдим,
Ёрим агар кетар бўлсанг, саломат бўл.

Шоҳимардон сойларида оқди қалбим,
Илтижони унутганча музлар лабим,
Бу дунёга келолмасдан ўтдим балким,
Ёрим агар кетар бўлсанг, саломат бўл.

Энди сенга мовий-мовий сафар қуллуқ,
Энди менга фаноликка бадар қуллуқ,
Иккимизга жудоликдай хатар қуллуқ,
Ёрим агар кетар бўлсанг, саломат бўл...

* * *

Қиличлар занглаган, ханжарлар ўтмас,
Тўмарислар бугун бахтга чўккан тиз.
Мен эса нафратнинг сўнгги севгиси —
Узин бирор марта енголмаган қиз.
Турибман, ғарибкаш елкамда фалак,
Сендан бахт сўрмадим ва ё на омад.
Менга ишқ туолди баъзида фақат
Ўткинчи ҳаваслар қилган хушомад.
Мен бугун бир ўткир ханжар излайман
Ботқоқлик тубига чўқар экан тан.
Токи муҳаббатбоз дилимни сўйиб
Сенинг дардларингни артайин, Ватан.
Қиличлар занглаган, ханжарлар ўтмас,
Тўмарислар бугун бахтга чўккан тиз.
Мен эса қасоснинг тоза юраги —
Ўткир ханжар излаб тополмаган қиз.

* * *

Қўлларингни торт мендан зулмат,
Чўқтирмагил ернинг қаърига.
Мунаввардил саҳарлар кутар,
Мен интилган фалак бағрида.
Тошлар отди, рақибми, дўстми,
Дарахт эдим шоҳлари ларзон.
Бу дунёда не кўрдим охир,
Япроқларим бари зафарон.
Баҳоримни чайнаб бўлишгач,
Қушлар мендан кулиб қайтишди.



Ҳалима АХМЕДОВА

Шубҳа

Балки ёғайтган ёмғир эмасдир,
Менинг ҳам кутганим эмасдир қайғу.
Балки бу дарахтлар дарахт эмасдир,
Улар ер остига сизмаган туйғу.

Балки муҳаббатмас мен ёнган бу дард,
Ҳаётнинг кўксига санчилган найза.
Балки эрта кетган умид кўлидир
Заминни қоплаган ям-яшил майса.

Балки қушлармасдир чуғурлаётган,
Тиллари кесилган бир улкан миллат.
Балки булутлармас кезинаётган,
Ғариб халқ қисмати ёзилган бир хат.

Балки Оролмасдир қуриётган ул,
Улган болаларнинг мазорларидур.
Балки бу эътиқод эмасдир мангу,
Ватансиз гуруҳнинг бозорларидур.

Балки биз кўтарган пахта хирмонмас,
Оқарган суюклар кошонасидир.
Балки ярқираган ўзга бир манглай,
Шўрлаган кўлларнинг пешонасидир.

...Балки ёғайтган ёмғир эмасдир.

Мен кузакка аза очган пайт.
Дўсту рақиб ўлан айтишди.
Улан айтди бемуруват тан,
Ёмғир бўлди эланчак жоним.
Меҳр тилаб чарчамас ҳануз,
Гадои жоним, тиланчак жоним.
Қўлларингни торт мендан зулмат,
Мен қуёшнинг ўғай қизиман.
Тошлар теккан ярадор эркининг
Фалакдаги қонли изиман.
Қўлларингни торт мендан зулмат...

Эртага

Эртага кетамиз, тинчлан, юрагим,
Богларга, биз ахир омонат.
Кўнгли нур кўрмаган боғбоним,
Алвидо, қолингиз саломат.
Эртага янгидур йўллар ҳам.
Ва янги кунларнинг сиёғи.
Кўзингни юма қол богмасин,
Хогирнинг азобкаш оёғи.
Кетамиз хотирлар даштидан,
Бошингда бир олам қаҳқашон.
Биз ўтган боғларга қайтамиз,
Мен айтган ёлғонга сен ишон.
Юрагим тинчлангин кетамиз,
Беватан руҳлардан нарига.
Фаришта оҳанги чорлайди
Бесарҳад самонинг қаърига.
Эртага кетамиз...



Безакчи: Баҳром ТУХТАБОВ

ОСМОН ТУЛА ЮЛДУЗЛАР



Эртак

Кўз-кўз қилар тўлин ой хуснин,
Ун беш кеча қилинган пардоз.
Тиз чўкканча пойига унинг,
Қора тулпор минган чавандоз.
Елворади:
«Юзинг ёп, бир дам,
Кўрмаётир қамашиб кўзим,
Утиб кега қолай мулкинган,
Ҳали йироқ борар манзилим...»
Елворади, токи тонггача,
Ерга босиб чавандоз юзин.
Тонгда отин етаклаганча,
Горга кириб кетар
...Қора тун.

Надомат

Дарди турфа гадолар кўрдим
Ҳаёт йўлим икки четиди —
Қатор-қатор,
зору-зор
Вақт гадоси, меҳр гадоси...
Мен эса боримни улашдим —
Ижонни бердим,
Авлодлар, кечиринг, билиб-билмасдан
Ватангадоларга
...Ватанни бердим...

Хумоюн АКБАРОВ



Соғинч

Камайиб қолди-ку хатларнинг сони,
Ҳар доим ўзини оқламас тилак.
Ҳасратларим яна йиғилиб қолди,
Дўстим, энди сени кўришим керак.

Маънос шовуллаган дарахтлар — соғинч,
Деразамга аста келиб урилар.
Номингни ёдлайман, хотира-илинж
Негадир юракка яқин сурилар.

Пўргана мисоли тошади сўзлар,
Эй, ўжар юрагим, бунчалар торсан?
Бу не кўргилик-ки, атроф лиқ одам,
Нечун узоқдаги бир дўстга зорсан!

Ҳабиба ҚУРБОНБОЕВА.

Сумалаклар қайнаган тунда

Фаришталар кафтимга қўнди,
Хурлар менга айтдилар эртак.
Кўзларимда юлдузлар кулди
Шамоллар ҳам тилади тилак,
Сумалаклар қайнаган тунда.

Ҳомиладор ўрик новдаси,
Доя унга кўпни кўрган ой.
Туртиб кетар гиёҳлар иси,
Осмон гўё шовуллаган сой,
Сумалаклар қайнаган тунда.

Мен бир озод қушга айландим,
Такрори йўқ тушга айландим.
Хаёллари хушга айландим,
Руҳий қудрат ила бойландим,
Сумалаклар қайнаган тунда.



* * *

Кўнглимни қудуққа бўшатай десам,
Унда қашиш эмас, олов ўсади.
Дарёга борсаму, сувларга айтсам,
Чидолмай сув ўзин толга осади.
Дардимга мен ўзим

муштаҳкам кўрғон
Бир куни қабримдан
отилар вулқон...

Ҳабиба АБДУҲАКИМОВА.

Тўртликлар

* * *

Ҳақ буюкдир, Қуръон буюкдир,
Амал қилиб турган буюкдир.
Яна битта нарса буюк бил,
Улмас қағла, кўрғон буюкдир.

* * *

Оҳ чекади кимдир яшашдан безиб,
Дунё ситамидан пешонам шўр дер.
Ношукур бандасин Оллоҳ ёқтирмас,
«Ношукур бўлмагин, ўрнингдан тур» дер.

* * *

Бежиз айтишмайди ҳар ўтар сиймо,
Ўзи ўтса ҳамки, ҳикмати қолар.
Доно бўлмаса ҳам, инсондан иймон,
Ва элига қилган хизмати қолар.

* * *

Тутқун шердек истаб бир нажот,
Қафас ичра қолдим умрбод.
Мисраларим эрка талпинди,
Бўлмамдим қафасдан озод.

Учқун Йўлдош ТЕМУРИЙ.



Ҳолат

Ешликни эслайман ўртаниб зор-зор,
Севгимни, ҳижронни, қилган хатомни.
Қандай соғинганим айтаман минг бор,
Тирилтириб марҳум отамни.

Эслайман, бўғзимга тош қотиб сўзим
Укам Қаландарни — у тинган созни.
Йиғлаб кўмганимни эслайман ўзим
Тўнғичим, жигарим — Авазни!

Қайғули шеърларим — дардим, кўз ёшим,
Емғирдай қоғозга инграб ёғади.
Ғамдан елинлари тўлган ўтмишни
Хаёлларим ҳадеб соғади...



Шоирлар

Назар ШУКУР хотирасига

Иссиқ ўлкаларга талпинган қушдай
Дўстларим учишиди Тошкентга томон.
Улар хотираси бир ширин тушдай
Қишлоғим бағрида яшайди ҳамон.

Катта шоир бўлиб қайтамиз, дея
Улуғ мақсадларни туккан дилига.
Бугун ҳар бир дарахт, ҳар битта гиёҳ
Интизор термулар улар йўлига.

Бегона шаҳарнинг бағрида улар
Шеър излаб тентирар, чекар изтироб.
Сўнг бедор кечалар соғинчларини
Қишлоққа опичлаб келар бир китоб!

Мен-чи, мен! Ушалмас орзуга соҳиб,
Дўстларим шеърларин ўқиб яшайман.
Ўзим, ўзим эса ногоҳ шикаст еб
Учиб кетолмаган қушга ўхшайман!

Турсунбой ОЧИЛОВ.

«НОЁБ ҚОБИЛИЯТ ҲАМ

Уша куни у билан узоқ суҳбатлашдик. Бу ўртада бир-икки киши меҳмонимизга ўз дардларини айтиб, шифо сеансларини олишди. Шундай қилиб «Интилиш» телекўрсатувининг илк кўрсатувига Хайрулло Хўжаев таклиф қилинди.

Кўрсатувга ҳозирлик кўраётиб Хайрулло кафтимга тикилиб кимлигим, яқин келажакда амалга оширадиган ишларим ва нималарга эришишим ҳақида башорат қилди. Унинг башоратларини тинглаб ўтириб суҳбатдошимдаги ўзига хос қобилиятга қизиқишим ортаверди. Бейхтиёр унга саволлар ёғдира бошладим.

— **Узингиздаги бу қобилиятни қачон сезгансиз! Экстрасенсорлик туғма хислатми ё маълум бир машқлар маҳсулими!**

Вилоятимизнинг ўлкашунослик кўргазмасида Александр Харченко деган йигит ишлар эди. У болалигидан оғир дардга чалинган, натижада узоқ муддат ётиб қолган эди. Бир куни унинг қўлига ҳиндларнинг йог машқларига оид китоби тушиб қолади. Александр уни қайта-қайта ўқиб, аста-секин ундаги машқлар билан шуғуллана бошлайди. Шу йўл билан у ўзини ўзи даволайди ва ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетади. У одамнинг юзига қараб туриб қайси йилда ва қайси ойда туғилганлигини айтиб бера оларди. Айниқса инсон кафтидаги чизиқларга қараб у ҳақда тўлиқ маълумот бериши мени қизиқтирди. Мунажжимлик (астрология) ҳақидаги илк маълумотларни шу йигитдан ўрганганман. Александрдаги адабиётларни қунт билан ўрганиб чиқиб, йог машқлари билан шуғуллана бошладим. Яқин беш-олти йилдан буён экстрасенсорика, руҳшунослик, сеҳршунослик билан шуғулланаяпман. Уч йил муқаддам ўрта мактабда муаллимлик қилиб юрганымда ўзимдаги қобилиятни илк бор ўқувчиларимда синаб кўрдим. Боши, кўзи, оёғи оғриган болаларни гипноз ва қўл теккизмай массаж йўли билан даволай бошладим. Кейинчалик туман комсомол кўмитасининг ташвиқот сафари билан ҳамкорликда жойларда одамларни даволай бошладим. Экстрасенсорлик фаолиятим ана шу тариқа бошланган, дейиш мумкин.

Қадимги Хитой гороскопида йўлбарс мучалида туғилган кишилар ҳис-туйғуга бой, мушоҳадали, узоқни кўра оладиган бўладилар дейлади. Бундай кишилардан яхши ёзувчи, файласуф, руҳшунослар қишиши мумкинлиги айтилган. Мен ҳам йўлбарс мучалида туғилганман. Бу хислат ҳам туғма, ҳам машқлар натижасида пайдо бўлади. Хуллас, Максим Горький айтганидек, бунинг ҳам тўқсон тўққиз фоизи меҳнатдир. Ҳар қандай мўъжизавий қудратга эга бўлган инсон ҳам ўзидаги ноёб ҳис-туйғуни олдиндан кўра билиб, бионурни ривожлантириб, ўқиб-ўрганиб, соғлом ҳаёт кечирмаса ундаги «йилт» этган қобилият сўниб қолиши мумкин. Яширмайман, кучли ҳис-туйғу менда ҳам болалигимдан мавжуд.

— **Кейинги пайтда экстрасенслар, бионур билан даволайдиганлар кўпайиб кетди. Қайси хислатларингиз билан улардан ажралиб турасиз!**

Тўғри, ҳақиқий истеъдод эгалари жуда оз бўлганидек, чинакам экстрасенс, фолбин, гипнозчилар ҳам бармоқ билан санарли даражада. Ҳамма гап шундаки, экстрасенсорикадан беҳабар, сохта, саводсиз экстрасенслар кўплиги туфайли ҳақиқийларига бўлган ишонч йўқолмоқда. Ўзларини ноёб хислат эгаси қилиб кўрсатиб, одамларни алдаб, уларнинг таналаридан дардини фориг қилиш ўрнига киссаларини шилишмоқда. Менда бионур бор деб юрганларнинг кўпчилиги эса инсон тана тузилишидан, руҳиятидан ва умуман табобатдан мутлақо беҳабар кишилардир. Ҳақиқий экстрасенслар бионурни тўғри йўналтира билиш, беморга тўғри диагноз қўйиш, нигоҳ билан таъсир эта



олиш, гипноз, фолбинлик, башорат қила билиш, кафтдаги чизиқларни ўқиш каби хислатларга эга бўладилар. Очиги, биздаги жуда кўпгина экстрасенслар ўзларида битта ёки иккита хислатни кўрсатиш билан чегараландилар. Бу эса беморни тез ва тамоман даволашда камлик қилади. Ҳаммада бўлганидек, менда ҳам бионур мавжуд, лекин йог ва ци-чун машқлари билан шуғулланганим туфайли жисмим ва руҳимдаги биоқувватни зарур бўлганда жамлаб, кафтларим ва кўзим билан йўналтира оламан.

— **Мунажжимлик ва кафтдаги чизиқларни ўқиш ҳақида гапирсангиз!**

Мунажжимлик қадимги илмлардан ҳисобланади. Шарқ мамлакатлари подшоҳларининг деярли ҳаммаси ўз саройида мунажжим сақлаган. Ҳозирда АҚШ, Франция, Япония сингари қатор ривожланган мамлакатлар раҳбарларининг шахсий

мунажжимлари борлиги ҳақида ёзишмоқда. Башорат қилиш, кафтдаги чизиқларни ўқиш, фол очиш қадимги санъат. Хитойлар билан ҳиндлар кафтдаги чизиқларни ўқиб, беморга аниқ ташҳис (диагноз) қўядилар. Ҳақиқий «У-шу», «Кун-фу» мактаби усталари ҳам том маънода экстрасенслардир. Улар бионурни тўғри йўналтириш билан бирга сўз ишлатмай туриб гипноз қилиш йўли орқали даволайдилар. Қўл теккизмай даволаш, ўз-ўзини жисман-руҳан ва маънавий бошқариш қобилияти уларда кучли. Шу ўринда «Минг бир кеча»даги бир ривоятни келтирмоқчиман. Бағдод халифаси Хорун ар-Рашиднинг вазирини Жаъфар бир мағриблик сеҳргарнинг жодусини инкор этади. Шунда сеҳргар уни қиз болага айлантириб, узоқ-узоқларга бадарға қилади. Қиз болага айланган Жаъфарни балиқчи чол тутиб олиб, ўз ўғлига никоҳлаб беради. Жаъфар ҳар йили фарзанд кўради. Бу ривоятни мен болалигимда ўқиган эдим. Аммо сираям ишонмагандим. 1989 йилнинг август ойида «Литературная газета»да «Аёлдан эркакка қадар 13 қадам» деб номланган мақолани ўқиб қолдим. Унда латвиялик шифокорлар аёлни эркакка айлантиргани ҳақида ёзилган эди. Кўринадики, ҳар бир афсонанинг моҳиятида ҳақиқат бор.

— **Ҳар қандай ишнинг баҳоси унинг натижасига қараб белгиланади. Сиз эришган натижалар қандай бўлаяпти!**

Натижалар ёмон эмас. Вилоятимизнинг қатор шаҳар ва қишлоқларида даволаш сеансларини ўтказдим. Беморларнинг саксон фоизи дардларига шифо топишди. Шунингдек, бош оғриғи, бод, қон босими, тери, ошқозон-ичак касалликлари ва ҳоказо.

— **Кимлардан кўпроқ илҳомланасиз! Экстрасенсорикани ижод деб билман. Ижодда эса ягона йўл бўлмаслиги керак. Фрейд, Линдеман, Леви каби олимларнинг асарларидан, Жуна, Кашпировский, Чумак, Муяссар Шарипова каби экстрасенсларнинг фаолиятларидан илҳом оламан. Б. Ельцин, Г. Каспаров, Ю. Усмоновадан ғалабага иштиёқни ўрганаман.**

— **«Ёш куч» муштарийларига айтадиган истакларингиз бордир!**

Албатта. Ёшларга тилакларим бир дунё. Ҳалол, ҳақиқатгўй, ор-номусли, яхшиликка интилувчан, билимдон йигит-қизларни кадрлайман. Гулдек умрини ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, безорилик билан ўтказётган ёшларни кўрганимда туюқиб кетаман. Аянчли аҳволга тушиб қолишда кимлар ва нималар сабабчи деб ўз-ўзимга савол бераман. Истардимки, ёшлар кўз олдида кечаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ қарамасинлар. Барчага, танангиз ва руҳингиз дарду-изтироблардан холи бўлсин дейман.

Нуриддин ОЧИЛОВ.

«ИЗЛАНИШЛАР МАҲСУЛИДИР»

ХАТАРАДИ



Исроил ТҲХТАЕВ

ЎЙИН

Ж

Ғ

айрат навбатдаги иш кунини бошлар экан, одатдагидай, ён дафтарини варақлади. «Хуршидага ёрдам бериш...» деган ёзувни ўқиб, ўйлаиб қолди. Қизга қандай ёрдам берса экан? Шу кунларда Ғайратнинг иши анча кўпайганди. Прокурор суддан қайтган бир чалкаш ишни ҳам унга топширган, бунинг устига ўзи олиб бораётган терговни ҳам қисқа муддатда тамомлаши керак. Қолаверса, орзиқиб кутган квартирасига ордер олди. Аммо, мана, ярим ойдан бери янги уйни жиҳозлашга ҳам, юз қақирим узокда қолган оиласини кўчириб келишга ҳам вақт тополмаётди.

Бу кунни рафиқаси иккаласи қанчалик орзиқиб кутишганди. Комилага ҳам қийин бўлиб кетди. Халиям қийинчиликларни билдираётгани йўқ. Фақат ўтган куни телефонда ҳазил оҳангида, бизни унутиб қўймадигизми ишқилиб, деди холос.

Ғайратнинг ўзи ҳам оиласини тезроқ кўчириб келиш ҳаракатида. Кеча кечқурун у ишдан толиқиб қайтди. Йўлакда бир қиз турарди.

— Кечирасиз... мен қўшнингиз бўламан, сизга гапим бор эди,— деди қиз унга мурожаат қилиб. Эшик тепасида ёниб турган чироқ нури қизнинг келишган чеҳрасини ёритиб турар, айна чоқда унинг юзидаги қандайдир бир ташвиш изини ҳам илғаш қийин эмасди.

— Айтишларича, прокуратурада ишлар экансиз. Маслаҳат сўрашга келувдим, кечирасиз...— деди қиз ийманиб.

Ғайрат қизнинг саросимадалигидан ҳаётида фавқуллодда бир ҳодиса юз берганини англади.

Аммо янги қўшнилари ёш бир қиз билан бундай туришини кўриб қолишса бошқача халғача боришини ўйлабми, «Балки уйда гаплашармиз»,— деб юборганини ўзи ҳам сезмади.

Қиз бу таклифдан чўчиб тушди ва фикрини янада тезроқ баён қилишга ошиқди. Маълум бўлишича, Хуршида техникумга ўқишга кирганида отаси бошқа аёлга уйланиб, ажралиб кетган. Орадан икки йил ўтгач, касалманд онаси вафот этиб, у ўн олти яшар синглиси билан қолган. Уқишни тугатиб, фабрикада ишлаётган Хуршиданнинг маоши ёмон эмасмиш. Бунинг устига ишдан бўш пайтларда пайпоқ, қўлқоп, қулоқчин тўқиркан. Булардан тушган даромад опа-сингилга етиб тураркан.

— Аммо кейинги пайтларда синглим Соригулнинг қўлида кўп пул кўраялман. Гоҳ байрам, гоҳ туғилган кун деган баҳона билан кимлардир

унга қимматбаҳо тақинчоқ ва кийимлар совға қилишяпти. Унинг феълда ҳам жиддий ўзгаришлар сезилаяпти. Илгари институтга кириб ўқийман, деб орзу қиладиган қиз, ҳозир на институтга кириб ўқишни, бирор жойда ишлашни ҳам ўйламайди. Менимча, у ёмон одамлар таъсирига тушиб қолган,— Хуршида илтижоли овоз билан фикрини хулосалади.— Илтимос, ёрдам бериб, ёлғизгина синглимнинг келажагини ўйлаб, қийналиб кетдим.

Ғайрат одамларнинг турли-туман дардларини эшитавериш кўникиб қолган, қўлидан келса уларга ёрдам ҳам беради. Бироқ, ҳозир Хуршидага ёрдам бериш учун унинг ортиқча вақти йўқ. Кейинроқ фурсат топиб кўрай деса, қиз уйи ёнаётган кишидай саросимада. Ким билади, ҳақиқатан ҳам синглиси Соригул жар ёқасига келиб қолгандир. Еки бу гапни участка инспекторига айтсамикан?.. Бу ҳам бўлмади. Аввало қизлар милиционердан чўчишади, бундан ташқари Соригулга мўмай пул берганлар масаласи...

Ғайрат беихтиёр Сирожни эслади. Уни кабинетига чақириб, маслаҳат солди.

— Менга қара,— деди Ғайрат маъноли қилиб,— сен бўлажак ҳуқуқшуносан. Мана, олий билимгоҳнинг учинчи курсига ўтибсан ҳамки қандайдир майда топшириқларни бажариб юрасан...

— Энди...— деди бир оз оғринган бўлиб Сирож,— катта топшириқларни сизга ўхшаган каттароқларга беришса... мен нима қилишим мумкин?

— Бўлмаса, мана, сенга топшириқ,— деди Ғайрат Хуршидадан ёздириб олган аризани узатаркан,— мана шу қизнинг шахсини, у билан алоқадор кишиларни аниқлайсан. Кейин маслаҳатлашиб, бирор қарорга келамиз.

Сирож иш жараёнида Ғайратдан қизиққан ёки билмаган нарсаларини сўраб турар, шунинг учун гарчи унинг қўл остида ишламаса-да, аммо бошқалардан кўра унга бу терговчининг таъсири кучлироқ эди. Ҳозир норасмий топшириқни оларкан, ўзини қандайдир анча улғайгандай сезиб, иштиёқи ошди.

* * *

ЭК ҳузуридаги ташкилотчи мураббий 7-уйдаги ўсмирлар ҳаёти, ёши, қизиқиши интилишлар, уларнинг қимлар билан дўстлашиб, бўш вақтларини қандай ўтказишлари ҳақида батафсил ахборот берди.

Сирож бу маълумотлардан анча нарсани билиб олган бўлса-да, аммо ўзига зарур бўлган нарсаларни аниқлай олмади. Умидсизгина кўчага чиқаётган, ўзининг яп-янги, ярқираб турган «Ява»сига икки ўсмир қизиқиш билан қараётгани, уларнинг каттароғи эса ҳатто рулни ушлаб, гўё ўзи уни бошқараётгандек шавқланаётганини кўрди. Болаларнинг кичигини шу пайт онаси чақириб қолди. Бола истамайгина мотоциклдан узоқлашди.

— Ҳа, оғайни, бир айлантириб келайми? — сўради Сирож. Узини Марат деб таништирган ўсмир Сирожнинг таклифига жон деб рози бўлди.

Йўл четида ўзаро нима биландир банд бўлган болалар ёнидан гизиллаб кетишаркан, Сирож уларнинг Маратга ҳавас ва ҳасад билан тикилиб қолишганини кўрди. Марат эса бундан янада мамнун, гўё мотоциклини ўзи бошқариб бораётгандай шод эди. Ортга қайтишаётганда Марат мотоциклини болалар ёнида тўхтатишни сўради. Бир-икки ёш каттароқ бўлган болалар Маратни космонавтни қаршилагандай кутиб олишди. Сирож кейин уларни ҳам бир-бир «катайса» қилдириб келди. Шу воқеа сабаб бўлди-ю, миқти гавдали Сирожни улар гўё ўз тенгдошларидек яқин кўриб қолдилар. Яна бир воқеадан кейин Сирож уларга ҳатто раҳнамо ҳам бўлиб қолди.

Болалар бу ерда варрак ясаб учирини уриштиётганди. Аммо шамолсиз кун бўлгани, бунинг устига ясаллишидаям талай нуқсон борлиги учун варраклар ҳеч учмади. Сирож уларга анча маслаҳатлар берди. Эртаси куни ўзи ясаб келган ва устига кичик байроқча қадалиб, беш юлдуз тасвири туширилган варрак биринчи учишдаёқ болаларни тамом мафтун қилди. У чинакам мотор бордек вариллаб кўз зўрға илғайдиган баландликка кўтарилди. Шу тариқа Сирож ўсмир йигитчалар билан яқиндан танишиб олди.

* * *

Орадан роса бир ҳафта ўтди. Ғайрат одати бўйича яна ён дафтарчасидаги Хуршида исмига кўзи тушди-ю, ўйлаиб қолди. Дарвоқе, у йўлакда Хуршидага икки марта рўбарў ҳам келди. Аммо одатан анча тортинчоқ, камсуқум бўлган қиз гўё ораларида ҳеч гап бўлмагандек енгилгина салом бериб, тез ўтиб кетаверди. Сирож эса бир марта телефонда «Вазият билан танишайман» деганини ҳисобга ол-

маса, шунча вақтдан буён қорасини кўрсатгани йўқ. Ғайрат икки марта қўнғироқ қилиб ҳам тополмади. Бугун эса аксига олиб уни икки кунга командировкага юборишяпти. У шу ўйлар билан хужжатларни олиб прокурор ҳузурига кираётган эди, Сирожнинг ўзи шошиб келиб қолди.

— Мени йўқлатган экансиз,— деди у саросимада.

— Йўқлатмаса ўзинг келмайсан ҳам,— деди Ғайрат кабинетга қайтаркан.— Қани шошилмасдан гапир-чи, ишлар қалай?

— Сиз айтган иш билан фақат вақт топганда шуғулланаялман. Икки кундан буён бошқа бир шошилиш иш билан бандман. Уйгайм боролганим йўқ,— ўзини оқлашга интилган Сирож дарҳол изоҳга киришди.

— Иш, мен сизга айтсам, биз ўйлагандан кўра анча мураккаб экан. Тезда ҳал қилиб бўлмайди.

— Нималарни аниқладинг?

— Еттинчи уйда истиқомат қилувчи етти йигит ва бир қизнинг юриш-туришларини. Ўзим ҳам улар даврасига кириб олдим, иккита «операция»да кузатувчи сифатида қатнашдим. Уларни билган қўни-қўшилари билан танишдим, суриштирдим, қўшимча баъзи фактларни аниқладим.

Сирож бир муддат сукут сақлади-да, Ғайратнинг саволмуз нигоҳи ўзидан узилмаганлигини туйиб давом этди:

— Болаларнинг еттови ҳам анча дуруст оилаларнинг фарзандлари. Ёйиш-ичишдан, кийимдан камчилиги йўқ. Кўриниши, муомалаларини яхши. Ҳаммаси чекишга берилган, аммо ичганларини кўрмадим. Болалар даврасига аралашган якка-ю ягона қиз шу Соригул. Ўзи анча келишган, чиройли кийинишга қизиқади. Бу болалар даврасига Карим, Наби каби СПТУда ўқийдиган катта ёшдаги, ҳатто у ер-бу ерда ишлайдиган Ботир исмли болалар ҳам гоҳ-гоҳ кўшилишиб туришади. Аммо улар мен билан иноқ эмас. Улар Соригулга ёкиш учун тиришишяпти. Назаримда улар қиз билан шунчаки кўнгилхушлик қилишмоқчи. Мен эса Соригул билан жуда иноқ бўлиб қолдим.

Операция универмада одам гавжум пайти ўтказилди. Ботирни 75 сўм турадиган қизлар жинсини ўғирлаганликда айблаб, сотувчи қиз жанжал кўтарди. Атроф бирпасда одамга тўлди. Аммо текширишдан кейин сотувчи қиз номидан мудир узр сўраб, жинсини унга қайтариб берди. Чунки шаҳарнинг бошқа районидаги универмадан олинган қоғоз ва кимдир тайёрлаб берган чек уларни қутқариб қолди. Сотувчи қиз нега ичкарига сумка билан кирасиз, деганида Ботир «бўлмаса сақлаш камераси ташкил этинглари, мен ҳам сизларнинг тўхматларингдан бажонидил қутулардим» деб чиқиб кетди. Жинсини эса Соригулга тортиқ қилди.

— Ҳа, айтганча, аввал Соригул жинсининг ўзига мосини танлаб ажратиб қўйди-да, кейин бошқа бўлимга ўтиб кетди. Сўнг бу операция амалга оширилди. Шунингдек, бу қиз «йўловчи» операциясидаям иштирок этди.

— Тўхта, тўхта. Сен мени аҳмоқ қиялсанми? Улар сенга қандай ишонишяпти? Операцияларига қатнашялсанми?

— Йўғ-е, қатнашаётганим йўқ. Ҳар қандай операцияга улар алоҳида-алоҳида боришади. Мен эса Соригулнинг шахсий шофёриман. Соригул менинг мотоциклимга мингашиб бораётганини ҳеч кимга айтмаган.

— Хўш «йўловчи» операцияси қанақа экан? — Ғайрат прокурор ҳузурига киришниам унутиб қулоқ сола бошлади.

— Вокзалдаги юк сақлаш камерасига ўз буюмлари ва хужжатини қўйиб, бироздан кейин гўё очолмаган киши сифатида навбатчини, кейин милиционер ва гувоҳларни чақириб келди. Очиб кўрилганда камера «бузуқ» лиги аниқланиб, буюм ва хужжатлар Соригулга қайтарилди.

— Бу унга нега керак бўлди экан, аниқладингми?

— Бу навбатчи ва милиционерлар хушёрлигини бўшаштириш учун,— деди Сирож. Шундан икки соат кейин Наби ўтказган «операция»ни сўзлаб берди.

— Поезд жўнашига ўн минут қолганда Наби Марат билан «ўз камераси»ни очишга уринишади. Бир неча бор қайта терилган номерлар ҳам иш бермагач яна навбатчи ва милиционер чақирилди. Акт бўйича очиб кўрилганда даъвогарлар ҳақ бўлиб чиқилди. Худди улар айтгандек, камерада жигарранг жомадон, унинг ён қопчиғида қизил рангли ҳамён ва унинг ичида 1 сўму 27 тийин пул бор эди. Енидаги тўр халтадан апельсин ва икки дона олма чиқди.

— Милиционер жомадоннинг ичини очдирмадимми? — сўради Ғайрат.

— Йўқ, Соригул аввал уларни чалғитмаганда балки шундай қилиши мумкин эди,— Сирож кейин Соригул айтиб берган «гилдирак» операциясини сўзлаб берди.

— Карим то мен боргунимча шу «операция»

си билан ҳаммани ўзига қаратиб олган экан,— деди инспектор кулимсираб.— У 7-уйда яшовчи бир аёлнинг уйига аллақандай мансабдорнинг яширинча келиб юришини пайкаган. «Мехмон» қар гал келганда шахсий машинасини эшикда қолдириб, ичкарига кириб кетаркан. Ўша куни Карим шериклари билан машинани ўсиқ буталар ёнига итариб элтишган, кейин тагига гишт қалашган-да, тўрттала гилдирагини ечиб олишган.

Хозирча билонганларим шулар.
— Хўп, уларнинг омади келиб «савдо» ва «гилдирак» операцияларини тинч ўтказишибди. Аммо ҳар ҳолда вокзалдан ўмарилган жомадон эгаси тўполон кўтариши керак эди-ку,— сўради Ғайрат мушоҳада қилиб.

— Йўқ, агар шундай ҳол рўй берса, менга телефон қилишларини тайинлаганман. Эҳтимол, у жомадон эгаси ҳали ҳам шаҳарда бемалол юрган бўлиши керак,— деди Сирож ва ўз таклифини айтди: — Менимча, ўша одам келиб нарсалари йўқлигини билгач, буларни тутсак ҳам бўлаверари.

— Гап уларни қўлга олишда эмас,— деди у гўё ўзига гапиргандай,— улар нега бу йўлга кириб қолишди — мана шу масалани аниқлаш зарур.

— Тўғри, аммо мени бир нарса ажаблантиради. Шофёр Карим, СПТУ талабаси, Вотив ва бошқа ўсмирлар қандай қилиб бу «операция»ларни ўйлаб топшади? Уларнинг орқасида тажрибали бирор ўғри йўқмикан? Буни Соригулдан сўраш хавфли.

— Бир йўлини топиб шуни ҳам аниқла. Гап ана шунда. Илонни думидан эмас, бошидан ушлаш керак. Мен икки кунга командировкага кетяпман. Келганимдан кейин бафуржа фикрлашамиз.

* * *

Аслида Ғайрат янги ишга тайинланиши билан дарров оиласини ҳам кўчириб кетмоқчи эди. Бироқ, хотини бунга қаршилик қилди. «Ўқув йилининг тугашига 3 ой қолди. Болаларни шу аҳволда ташлаб кетолмайман», деб важ кўрсатди. Афтидан у район маркази билан қишлоқ ораллигида жойлашган тинч, ўзи ўрганиб қолган ҳовлини қўйиб катта, сершовкин шаҳардаги тор хонага тикилиб яшашни истамасди. Бу орада ўқув йили ҳам, таътил ҳам тугади. Комила аввалги иш жойидан кетиш учун ариза ҳам топширган. Бироқ, Ғайрат энди уй олиб, бирга тинч яшашларига имкон турилганда оилани кўчириб келишни пайсалга солаётти. Комиланнинг кўнглида гумон тўғилдики, ҳар ҳолда уни ўзи излаб келди. Қўшнилар эса Ғайратнинг кеча умуман уйга келмаганини айтишди. Бу гапдан баттар гумони ошган Комила энди иш жойини қидириб, ўша ерда аламини тўкиб солишга шайланаётган эди. Ғайратнинг зинадан тез югуриб чиқаётганига кўзи тушди. У хотинини кўриб ажабланди. Кейин уларни овора қилганидан хижолат бўлиб, хотинини қўлидаги ўғилчаси билан бирга қучди, узр-маъзур айтди. Бувисиникида қолган қизчасини ва қишлоқдагилар ахволини сўради. Эшикни очиб, хоналарни кўрсатди. Уч хонали уйнинг деворидаги безаги — жумҳурият харитаси, полда эса йиғма кароват ва бир кишигагина зарур кўрпа-ёстиқлар бор эди. Четрокда, стулда Ғайратнинг кийимлари тахланиб турарди.

Ғайрат шоша-пиша қўйлагини ечиб ювинди, соқолини олди ва чой ҳам ичмай яна ишга отланди.
— Ана шу уй энди сизларнинг ихтиёрингизда, лекин хозирча кўчада овқатланасизлар, деди Ғайрат хотинига бир сиқим пул узатар экан.
— Қачон келасиз? — жиддий сўради Комила.
— Сизлар энди шу ердасизлар, кўнгил тинч, мен ҳам имкон бўлди дегунча келишга интиланман. Аммо ишимиз кўпроқ...
— Эй, инсон, бундоқ ўзингизиям ўйласангизчи, фақат иш-иш... — Хотини алаמידан ортига ўгирилди. Ғайрат уни елкасидан қучиб, ўзига қаратди:
— Дўстим, — у хотинини шунақа деб эркаларди, — ишим бир умр шунақа эмас, хозир бир оз тигиз бўлиб турибди.
— Боринг, — деди хотини хиёл зарда аралаш, — мен сизнинг ишингизни энди кўриб турибманми, мудом қилингизчи шу.
— Ҳа, юристнинг хотини бўлиш осон эмас, — деди Ғайрат кулиб, — лекин шунга ишончим комилки, менинг хотиним қийинчиликдан қўрқмайди.

* * *

Инспектор аниқлаган маълумотларига кўра, болалар Олег Ефимов деган йигитнинг уйига мунтазам қатнаб туришар экан. Сирож у ҳақида биланларини айтиб берди.

— Олег ёлғиз онаси билан туради — сизга қўшни — ўнинчи уйнинг 11-квартирасида яшай-

ди. Етти йил олдин аварияга учраб, оёқсиз бўлиб қолган. Аммо мияси жуда ишлайдиган йигит. Болалар физика, математика фанлари бўйича ҳатто ўқитувчиларидан ололмайдиган жавоблариниям шундан сўрашаркан.

Ғайрат ҳам Олег билан қизиқиб қолди ва фурсат бўлганда у билан учрашишни дилига тугди. Сўнг ён дафтарчасини олиб, одатига кўра «Олег Е.» деб ёзиб қўйди.

Соригул ҳақида гап очилганда Ғайрат бирдан сергакланди. Балки калаванинг учи шу қизга келиб туташар. Бир ўзи шунча йигитни лақиллатиб келмаётганмикин. Бу қиз билан ҳам йўлини топиб учрашиш керак. Қани, у ўзини қанақа тутаркин?

— Хўш, гапиравер-чи, яна қандай хабар бор?
— Чамаси булар бирон ишни бошламоқчи-ю, бунда менинг иштироким, айниқса мотоциклизм зарур бўладиганга ўхшайпти. Утган куни Соригул мени четга имлаб, «Мотоциклингизга қизлар ҳам минса бўладими?» деб сўради. Мен, «Истаган пайтингиз, марҳамат!» дедим У икки соатдан кейин марказий почта ёнида кутишини, зарур иш билан бир ёққа элтиб келишимни сўради. Бордик. Аммо денг, қиз бола дегани... ўзини жуда бошқача тутуди.

— Ҳай-ҳай, — ҳазил аралаш пўписа қилди Ғайрат, — у ўзини бошқача тутсаям, сен ўзингни



Рассом: Навоий УСМОНОВ

хушёр тут. Унутма, ҳам руль бошқариб, ҳам роль бажараёсан.

— Буни-ку, унутмайман-а, лекин одамларнинг қарашларини кўрсангиз эди! Қизнинг парвосигаям келмайди, лекин мен роса қизардим.

— Қиз бола сени ўзига сал яқин олганига шунчани, — деди энди илжайиб Ғайрат, — ёки қитинг келдимми?

— Э, яқин олгани курсин, — деди чинакам нолиб Сирож, бу гап борди-ю, уйдагиларнинг, айниқса Адибанинг кулоғига етса, тамом, кейин тўй ҳам бўлмай, камина бу оламдан тоқ ўтади деяверинг!

— Сен бу томондан хотиржам бўлавер, — тасалли берди Ғайрат, — қайлигингга мен ўзим ҳамма гапни тушунтираман, қолаверса, у кўнмаса, мана, буниси тайёр экан-ку, — ҳазилни давом эттирди Ғайрат.

— Э, қўйсангиз-чи, уни! — чинакамига рад қилди Сирож, — унинг нега бунчалик ўзини менга яқин олишининг маъносини, муддаосини эшитгандан кейин аналгидим. «Бир балоси бўлмаса, шудгорда куйруқ на қилур», дейдилар-ку!

Телефон жиринглаб Сирожнинг гапи бўлинди. Ғайрат трубкани олиб, прокурор йўқлаётганини билди. Қисқа салом-алиқдан кейин беш минутга қолмай киришини маълум қилди.

Сирож бу айтилган муддат ўзи учун ажратилганлигини тушунди-да, гапни тугатишга шошилди.

— У шунақа йўллар билан мени синамоқчи бўлган экан. Ниҳоят ишонди, «кичик илтимос»ини ҳам айтди. Бугун катта йўлнинг Чинор бекатида соат ўн бирда гўё мотоциклизмни тузатаётган бўлиб, ҳаворанг «Москвич»ни кутишим, у ўтиб кетгач эса, уч юз метрча масофа қолдириб изидан эргашишим керак экан.

— Ие, ҳали ҳазил, ўйин деб, бу қизинг бир галвани бошламаса эди, — сўради Ғайрат тарадуд билан. — Номерини айтмадимми?

— Айтди — 33—17 АТН экан. Кейин у машинадан бир киши қаердадир тушиб қоларкан. Мен эса ўша «таниш»ни шаҳарга етказишим керак эмиш. Агар мен Соригулнинг шу илтимосини бажарсам, у ҳам кейин менинг талабларимни бажарармиш.

— Ҳаммаси шуми?

— Хозирча шу.

— Бўлмаса, — деди Ғайрат, — сен бориб келишганларинг бўйича ҳаракат қилавер. Мен бу ёқда нима қилиш лозим бўлса бажараверамаман.

— Майли, деди кетаётиб Сирож, — ўша «таниш» ким бўлмасин, уни тўғри шу ерга олиб келамаман.

* * *

Ғайрат автоинспекциядан бу «сирли» машинанинг Урта Осиё газнефтепрвод бошқармасига қарашли эканлигини, у бўлим бошлиғи Аванесга хизмат қилишини аниқлади. Бу гавдали, новча одамни Ғайрат икки йилдан буён биларди. Бир авария сабабини текшириш баҳонасида у билан танишиб ҳам олган. Аванес эпчил, ташкилотчи ва жонкуяр киши сифатида Ғайратда илиқ таассурот қолдирганди. Энди эса... Наҳотки, бу хил ишларга унинг ҳам алоқаси бўлса? Ғайрат унинг ҳозирги кайфияти ва режасидан хабардор бўлиш умидида идорасига қўнғироқ қилди.

— У киши райкомга кетганлар, — жавоб қилди котиба аёл, — бирор соатлардан кейин қўнғироқ қилинг.

— Агар малол келмаса бир қарангчи, — илтимос қилди Ғайрат, — унинг кўк «Москвичи» идора ёнидами ёки миниб кетганми?

— Бошлиқ хозир «УАЗ» машинасида юради, — жавоб қилди котиба — «Москвич» навбатчилик хизматида қўйилган.

Калаванинг учи яна чувалди. Ғайрат осон йўлни қўллаши — ГАИ постларига хабар бериб, машинаниям, уни бошқараётган шубҳали шахслариниям бир варакайга қўлга олишлари мумкин эди. Бунда айрим нарсалар аниқ бўлмай қоларди. Эҳтимол, бу иш бирор жиноят олдидан Сирожни синаш учун уюштирилган шунчаки бир машқдир. Ҳали моҳияти номаълум бўлган операция иштирокчилари бир йўла Соригулни ҳам ўйиндан чиқариб ташлаб, ўз изларини яшириб юборишса-чи? Шундай қилинганда Соригулнинг иши терговчига тушар ва бу яна Хуршиданинг илтимосига зид бўлиб чиқарди. Чунки у сингисининг фош қилинишини эмас, балки уни ёмон йўлдан қайтариб қолишни ўтинганди. Нима бўлгандаям, бу қизча хатарли ишларга бош қўшганга ўхшайди. Уни гирдобга тушиб кетиш олдидан тутиб қолиш мумкин бўлармикан?..

* * *

Сирож айтилган жойга келишилганидан анча олдин бориб, «дўконини ёзди» — яъни мотоциклинни йўл четига олиб, насос ва очқичларни териб қўйганича «ишга киришди». Аммо ярим соатлар вақт ўтса ҳамки, кўк «Москвич» ўтмади. Ниҳоят у мотоциклинни ўт олдириб, йўлнинг қарши томонида қараб анча юрди. Транспорт сийраклашган пайтда тўрт-беш чақиримдан ҳам узоқроққа қараб йўлдан ҳеч қанақа машина келмаётганини кўргач, кейин шаҳар томонга ҳайдади. Темир йўл шлагбауми ёнида ДОСААФ курсантлари навбатчилик қилишарди. Шулардан сўраб кўрса, балки бирор маълумот айтишар.

Курсантлар бошлиғи унинг саволига ҳатто қўшимча маълумотлар билан жавоб қайтарди.

— Ўн беш минутча бўлди, у машинанинг ўтиб кетганига. Биздан бу ҳақда телефон орқали Ғайрат Исмоилович ҳам суриштирилди.

Сирож иш режадан чиқиб кетганини билиб, дарров мотоциклидан тушиб ва Ғайратнинг телефон рақамларини терди. Аммо трубкани ҳеч ким кўтармади. Сирож ичини ит тимдалагандай бел-саранжом бўлди. Наҳотки, машинани кўрмай қолган бўлса? Энди Соригулга нима дейди. Ғайратга қандай жавоб қилади?! Калаванинг учи қўлга кирай деб турганда яна чувалашиб кетди. У дарҳол мотоциклинни ўт олдири-ю, катта тезлик билан шаҳар томон учуриб кетди.

Ғ айрат курсантлар бошлиғи жавобидан билдики, Сирож алданган. У машинани таъқиб қилишда ГАИ ходимларига мурожаат қилиш устида бироз иккиланиб қолгач, бирдан миёсига келиб қолган фикрдан гўё асосий нарсани илгандек бўлди. «Ҳа, худди шу ҳамма изларни бирлаштириб турган бўлиши керак!» деди-ю, ташқарига отилди.

К арим «етти оғайни»лар орасида ёши каттароғи ва тадбирқори эди. У ҳар бир ишнинг орқа-олдини пухта ўйлаб қиларди. Ортиқча гувоҳларни ҳам, кераксиз шерикларни ҳам ёқтирмас эди. У «йўловчи» ва «савдо» операцияларида ўзини кўрсатмай иштирок этди ва дўстларининг анойилигидан гижинди. Бошқа универмагининг ўрам қоғози-ю чекидан фойдаланиб, қандайдир етмиш сўмга овора бўлиш, буни ҳаммага овоза қилиш ҳам иш бўлди-ми?! Еки нари борса юз-юз эллик сўм турадиган нарсаларни вокзалдан ўмариш-чи?! Ўзларича ишни қойил қилдик, деб гердайиб юрганлар милициянинг диққатини ўзларига тортиб қўйганларини билишмайдиларам! Машина ғилдиракларини ечиб олиш бу бутунлай бошқа гап — у ишни шундай ташкил қилдики, эгалари «Биз у жойда бўлганимиз ҳам, ҳеч қанақа ғилдирак олдирганимиз ҳам «йўқ» дея қасам ичишга тайёр. Шу мулоҳазаларда у тўдадаги «дўстлари» билан орани узди, бутунлай учрашмайдиган бўлди. Ўзининг янгидан тайёрлаётган «иши»га фақатгина Соригулни жалб қилди. Бу билан у икки мақсадни кўзлаган эди. Биринчидан, қизни бутунлай ўзиники қилиб олиш, иккинчиси, бу катта операцияда энг масъул ролни унинг ўзига бажартириш эди.

Бу операциянинг шартли номи «куён қочди» эди. Бир неча кундан буён қайта-қайта репетиция қилиниб, пухта ишлаб чиқилган бу «операция»ни Соригулдан бошқа ҳеч кимга билдирмади. Аммо худди шу Соригул ўзига тегишли ишда «ёлғиз қолиш»га кўрқди ва бу ҳақда Набига гапириб, кўмак беришини сўради. Бироқ, қанча ўйлашмасин, Наби Каримга билдирмасдан ёрдам бериш йўлини тополмади, қолаверса, сир очилиб қолгудай бўлса, Карим уни бирор балога гирифторм қилиши мумкинлигидан ҳам хавфсиз, ишдан бош торти. Шундан кейин Соригул ноилож нима десаям кўнаверадиган «ювош» Сирождан фойдаланишга аҳд қилди. Аммо бу сирни айни бугун, машинага ўтириб, «операция»ни бошлаб юборишгандан кейингина маълум қилди.

Карим худди бехосдан илонни чаңгаллаб олгандек титраб кетди. Шундай муҳим ва фавқулодда эҳтиёткорлик талаб қилинадиган ишга қандайдир бир синалмаган ва қиладиган ишнинг тайини йўқ бир болани аралаштириш, «операция» тақдирини хавф остида қолдириш мумкинми ахир? Қолаверса, «операция» муваффақиятли якунланган тақдирдаям Сирожга ҳеч бўлмаганда маълум бир улуш ажратилиш керак.

Карим вазиятдан чиқиш учун яна ўз айёрлигини ишга солди. Сирожнинг қаерда ва қандай вазиятда турганини кўриб, ўз олдига кетаётган «Краз» автопоездни паналаб ўтиб кетди.

Ғ айрат ўзлариникига яқин қурилган кўп қаватли иморатнинг 18-хонасида яшайдиган йигитнинг феъл-атворини тахминлаб, ўзича бир хулосага келди. Аммо унинг бу қадар гаройиб турмуш кечиришини асло ҳаёлига келтирмаган эди. Уртачадан каттароқ хонанинг уч томон девори турли-туман китоб ва журналлар билан лиқ тўлган эди. Деворга турли хил хариталар осиб ташланган. Хона ўртасида турган стол устида ҳам китоблар бўлиб, улар атрофида аравачада ўтириб олган Олег Ефимов айланиб юришига мўлжалланган йўлак қолдирилган эди, холос.

Бундан етти йил олдин рўй берган машина ҳалокати туфайли ўрта мактабни битириш арафасида турган Олег иккала оёғидан ҳам маҳрум бўлиб, бир умр хонанишин бўлиб қолди. Кучли фантазияга, яхшигина билим ва қобилиятга эга бўлган Олег бу фожиадан кейин дастлаб жуда қаттиқ тушқувликка тушди. Ҳатто бир-икки марта ўзини ўлдириш ҳаёлига ҳам борди. Аммо яққо ягона онасининг ҳаётидаги суянчиғи ҳам аслида ўзи эканлигини ўйлаб бу қароридан қайтди. Кейинчалик Олег китоб ўқиш билан овуниб, ўз фожiasини бир қадар унутгандай бўлди. Ўз ёнига келиб турадиган болаларга ёрдам бериб, турли-туман моделларни ясаш билан шуғулланди. Бу хил машғулот унинг ҳаётига файз олиб кирди. Бора-бора у ўз ёнига келиб кетадиган болаларнинг раҳбарига айланиб қолди. Болалар унинг уйини «штаб» деб аташадиган, нима иш қилсалар унга ҳисоб берадиган ва кўрсатма олиб турадиган бў-

либ қолдилар. Болаларни қизиқтириш ва ўзига боғлаб олиш учун Олег бир пайтлар қайта-қайта ўқиган инглиз детектив адабиётидан намуналар гапириб берар, турли-туман ўйинлар ташкил этарди. Бир пайтлар Карим бу ўйинларда энг фаол ва тиришқоқлик билан қатнашарди. Олег бу «шоғирди»нинг тобора ўзбошимчалик билан иш кўра бошлаганини ва эндиликда «штаб»ни ҳам тан олмай қўйганини биларди. Каримнинг ортидан қўйилган «разведка» тобора ташвишлироқ хабарлар келтира бошлади. Олег терговчининг дабдурустдан келиб:

— Олдинга нима учун келганимни биласанми? — дея савол берганига унчалик ажабланмади. Бир оз деразага қараб тургач:

— Каримнинг иши юзасиданми? дея сўради. — Шундай десак ҳам бўлади, — деди Ғайрат маъноли қилиб, — фақат бу ишларда сенинг қандай роль ўйнашинг ҳам мени қизиқтиради.

— Менинг? Мен, хонадан чиқолмай қолган бир ногирон бўлсам...

— Аммо зарур бўлса, судда ўтирган болалар ёнига сенинг аравачангни ҳам олиб боришлари мумкин.

— Ҳўш, мендан нима истайсиз? — деди Олег ташвишли оҳангда.

— Аввало, сен бизга ҳозир Карим қаёққа ва қандай мақсад билан кетганини айтиб беришинг керак.

— Карим менга ҳисоб бермайдиган бўлиб қолган. Қолаверса, агар қўлга туширган бўлсаларинг, унинг ўзи жавоб бераверади.

— Аввало шун билки, мен ҳозир сен билан расмий тарада гаплашаётганим йўқ. Каримни қўлга олаётганимизда қайси томонда туриб иш тутишингни билмоқчиман холос. Назаримда сен унинг мақсади қандай ва қайси томонга кетаётганини биласан. Агар жиноятнинг олдини олишга кўмаклашсанг, болаларнинг қора курсига ўтиришининг олди олинган бўлади.

Олег бир муддат жимиб қолди. Кейин чуқур тин олди:

— Сизга тўғриси айтяпман, у менга ҳисоб бермай қўйган. Агар сизни бошқа нарсалар қизиқтирса, жавоб беришим мумкин, аммо ҳозир Карим нима иш билан шуғулланаётганини билмайман.

Ғайрат жўяли маълумот ололмагач кўчага чиқиши билан таваққалга машинани Сирож айтган томонга ҳайдаб, ҳаммасини ўз кўзи билан кўргиси келди.

К арим ўзи ҳайдайдиган кўк рангли «Москвич»га бошлиқ минмайдиган бўлгандан кейин, ҳар кун турли кишиларни олиб юра бошлади. Улар орасида бошқарма кассири Анна Михайловна деган кампир унинг диққатини тортди.

Ҳатто бошлиққа ҳам ишонмай пул солинган сумкасини эҳтиёт қиладиган бу кампир Каримнинг машинасига тушгандан негадир анча хотиржам бўлар ва пул солинган сумкани «Каримнинг қўли етмайдиган жой» — ўзининг ўнг томонидаги бурчакка тиқиб қўярди. Ешига ярашмайдиган қилиқ қилиб, нуқул ойнага қараб ўзига пардоз берар, ҳафсала билан лабларини чаплаб, эринмай артар эди. Чамаси у ҳозир маош оладиган ишчиларнинг кўзига анча ёш ва ораста кўрингиси келарди. Карим икки марта машинада олиб юриш билан унинг хулқ-атворини дурустгина ўрганиб олгач, кассирнинг «дарди»дан фойдаланиш режасини ишлаб чиқди.

Машинанинг фурун қисми кабинадан қалин парда билан ўралган, фанер қисми эса зарур бўлганда орқадан туриб очилиши мумкин эди. Соригул машинада аввалдан яшириниб юриб, неча марта қандайдир «тўсиққа» дуч келиб, тезлик секинлаштирилганда машинадан сакраб тушиб қолиши «муваффақиятли ўзлаштириб олди». Бугун ҳамма иш режа билан олиб бориладиган пайтда кассирнинг сумкасидаги ўн беш мингдан бир икки мингги Каримнинг ҳисобига ўтиши лозим эди. «Сценарий» бўйича Карим йўл-йўлакай кампирга гап ҳам отиб бориши ва қўлай пайт келганида «бошла» маъносида фурун ичидаги қизил чироқни ёқиб ўчириши, операция амалга оширилгач эса, қўлай фурсат келиши билан қиска сигнал бериб, юришни бир лаҳза секинлаштириши керак эди.

Карим адашмаган эди. Кассир кампир ўрганган одати бўйича сумкасини яна ҳар доимги жойга қўйиб, бамайхотир пардоз-андоз қилишга киришди. Соригул пулни олишга ҳар лаҳза тайёр турар эди. Бироқ, асфальт йўлда кетма-кет у ёқдан-бу ёққа ўтаётган машиналар ишга халал бераверди. Бошқа машиналар ўлиб кетсаям, битта си негадир худди илашиб қолгандек кейиндан қолмаётганини сезган Карим машинасини бир оралик йўлга суриб кетди. Кассир кампир бунга ҳайрон бўлган эди:

— Шу ерда тез-тез бензин беришади. Қарайчи, ёнилғи қуовчи келганмикин, — дея уни хотиржам қилди.

Ноилож бу операцияни барбод қилишга аралашган Ғайрат эса Каримнинг яширинишга уринаётганини кўриб, ортидан жадалроқ қувиб борди. Олдинга ўтгач, йўлнинг энг энсиз жойида машинасини шундай тўхтатдики, энди Карим на уни қувиб ўта олар ва на орқасига қайта оларди.

Карим бу машина бекорга унинг ортидан тушмаганини аниқ билгач, қандай бўлмасин ортига қайтишга уринаркан, ишни эпловмай машинасининг орқа ғилдирагини ариққа тушириб юборди. Кейин кассирга қаради:

— Бу бандит сизнинг пул олиб кетаётганингизни билиб қолибди. Мен чалғитишга уриниб кўрай, сиз бир амаллаб яширининг ёки қочинишга ҳаракат қилинг, — деди.

Ғайрат машинадан тушиб энди қандай ҳаракат билан чап беришни ўйлаётган Каримнинг ёнига келди:

— Бўлди, чик энди, етиб келдинг манзилингга, — деди у. Карим машинадан чиқаётиб бирдан Ғайратга хужум қилиб қолди. Бироқ Ғайрат гафлатда қолмади ва усталик билан унинг қўлини ортига қайрди.

Карим «аҳ!» деб ихраб қаршиликни тўхтатган эди, бироқ Ғайрат бошига тушган кучли зарбдан кўз олди қоронғилашиб, ўтириб қолди. Олишув тақдирини кассир аёл ҳал қилган эди. У Ғайратни чинакам босқинчи деб қабул қилган ва машина ичидан қўлига илинган қурол — лимонаддан бўшаган шиша идиши билан терговчининг бошига бошлаб туширган эди. Карим кампирни олиб тезгина Ғайратнинг машинасига ўтирди-ю, калит йўқлигини кўриб қайтиб чиқди. Ғайрат машинанинг калитини шимининг орқа чўнтағига солиб қўйган эди. Қолдан тойган терговчини юз тубан ағдарган Карим унинг чўнтағидан калитни олди. Яна машинани ўт олдиришга тушди. Шу пайт фурун ичидан Соригул сакраб тушди. У шоган ва кўрқиб кетган эди. Дағ-дағ қалтириб машинага киришга урина бошлади. Аксига машинанинг орқа эшиги очилмайдиган экан. Каримнинг эшикни очишига анча-мунча вақт кетди. Ниҳоят у ҳам машинага кириб, моторни ўт олдири. Бу сафар уларни Сирож тўхтатиб қолди. Сирож асфальт йўлдан тез келаётиб кўк «Москвич»ни таниб қолган ва унинг орқасидан яна бир машина тушганини ҳам кўриб, шу ёққа бурилган эди. У жуда катта тезлик билан келиб, машина олдида тўхтади. Карим Сирожни ўз одами деб ўйлаб, Ғайратни кўрсатди-да, «Манавини бир бало қил!» дедю, кетишга тайёрлана бошлади. Аммо Сирож чаққонлик билан тушиб, машина калитини олди. Карим ва унинг шериклари унинг муддасига тушуна олмай ҳайрон бўлаётган эди, ёнидан гувоҳномасини чиқариб амр қилди:

— Мен милиция кичик лейтенанти Сирож Неъматовман. Карим Жалилов, сиз қўлга олиндингиз, тушинг, машинадан!



Саҳифаларни жойлаштирувчи Ғайбулла БАРИМОВ

ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

«Еш куч» ойномасида 1990-1991 ўқув йилида навбатдаги ёш математиклар, физиклар ва кимёгарларнинг беш тур бўйича ўтказилган V сиртки олимпиадаси якунланди. Жюри аъзолари бу йил ҳам редакцияга келган уч мингга яқин мактубларни ўрганиб чиқиб фанлар бўйича қуйидагиларни ғолиб деб топдилар. Ғолиб ўқувчилар жумҳурият Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирландилар.

МАТЕМАТИКА БЎИИЧА

Тўйчиев Ш.— Андижон вилояти Олтинкўл ноҳияси 22-мактаб, 8-синф.

Мусаева З.— Андижон шаҳар Олга кўчаси 9-уй, 11-синф.

Холбоев Илҳом — Андижон вилояти Балиқчи ноҳияси Эски-Ҳақуллобод қишлоқ Совети 23-мактаб, 10-синф.

Исоқова Д.— Андижон вилояти Москва ноҳияси 23-мактаб, 11-синф.

Мингбоева М.— Андижон вилояти Балиқчи ноҳияси Ҳамид Олимжон кўчаси 12-уй, 10-синф.

Халилов Абдор — Фарғона шаҳар 82-математика махсус мактаб-интернати, 10-синф.

Раимов Зафарбек — Андижон вилояти Балиқчи ноҳияси «Социализм» колхозини 2-участка, Навоий кўчаси 109-уй, 10-синф.

Иўлдошев К.— Наманган вилояти Учқўрғон ноҳияси Қайқи қишлоқ Совети 9-мактаб, 9-синф.

Мирзаев Мирза — Наманган вилояти Учқўрғон ноҳияси Қайқи қишлоқ Совети, «Ленинград» колхозини Тошйўл кўчаси 11-уй, 11-синф.

Абдуллаев Эргаш — Хоразм вилояти Хазорасп ноҳияси 45-мактаб, 10-синф.

Ҳасанов Б.— Хоразм вилояти Хазорасп ноҳияси Аваз Утар кўчаси 31-уй, 11-синф.

Сарибоев Ойбек — Хоразм вилояти Гурлан шаҳар Киров номли ўрта мактаб, 11-синф.

Раҳимбоев Х.— Хоразм вилояти Шовот ноҳияси 33-мактаб, 10-синф.

Наврўзов Олим — Хоразм вилояти Шовот шаҳар Ал-Хоразмий номли ёш математиклар ва физиклар мактаби, 9-синф.

Жуманиёзов Улугбек — Хоразм вилояти Богот ноҳиясидаги иқтидорли болалар махсус мактаб-интернати, 9-синф.

Қосимова Мақсуда — Хоразм вилояти Янгиборзор ноҳияси «Ленинград» колхозини, Ибн Сино кўчаси 21-уй, 11-синф.

Машарипов Б.— Хоразм вилояти Богот ноҳияси 97-махсус мактаб-интернати, 10-синф.

Саидабдуллаев Б.— Хоразм вилояти Шовот шаҳри 120-мактаб-интернати, 11-синф.

Одилов М.— Хоразм вилояти Гурлан ноҳиясидаги Киров номли мактаб, 11-синф.

Уринов З.— Бухоро вилояти Свердлов ноҳияси Киров номли мактаб, 11-синф.

Жумаева М.— Бухоро вилояти Қоракўл шаҳридаги 164-ёш математиклар ва физиклар мактаб-интернати, 9-синф.

Жумаев Отабек.— Бухоро вилояти Қоракўл ноҳияси 164-мактаб-интернат, 9-синф.

Норбоев Анвар — Самарқанд вилояти Каттақўрғон ноҳияси «Энам яхши» қишлоғи, 10-синф.

Эшимбетов Исоқ — Қорақалпоғистон, Эллиқалъа ноҳиясидаги Бердақ номли ўрта мактаб, 11-синф.

Бойқулова Нигора — Қашқадарё вилояти Ғузур ноҳияси 11-мактаб, 11-синф.

Шерқулов Хайрулла — Қашқадарё вилояти Ғузур ноҳияси «Наврўз» колхозини Совбоғ қишлоғи, 11-синф.

Бойқулов Мансур — Қашқадарё вилояти Ғузур ноҳияси «Наврўз» колхозини, Алишер Навоий номли ўрта мактаб, 11-синф.

Сиртки олимпиадада фаол иштирок этган тўғарақлар:

1. Хоразм вилояти Шовот ноҳиясидаги Ҳамид Олимжон номли 33-мактаб «Математика» тўғарақи (раҳбари Болтаев Иноят).

2. Хоразм вилояти Шовот ноҳиясидаги 7-мактаб «Еш математик» тўғарақи (раҳбари Собиров М.).

3. Хоразм вилояти Богот ноҳиясидаги пионерлар уйи қошидаги Ал-Хоразмий номидаги математика тўғарақи (раҳбари Отажонов Илҳом).

4. Хоразм вилояти Богот ноҳиясидаги махсус мактаб-интернатнинг «Алжабр» тўғарақи (тўғарақ раҳбари Отажонов Илҳомбой).

5. Андижон вилояти Балиқчи ноҳияси 14-мактабнинг 10-синф ўқувчиларининг математика тўғарақи (раҳбари Жўраев Нуралӣ).

6. Наманган шаҳар 41-ўрта мактабнинг 11-синф математика тўғарақи (раҳбари Қодиров С.).

7. Тошкент вилояти Бўстонлиқ ноҳиясидаги 22-ўрта мактаб математика тўғарақи (раҳбари Ортиқов Мирза).

Қуйидаги ўқувчилар сиртки мусобақада яхши иштирок этдилар. Келгусида улар орасидан ҳам ғолиблар чиқишига умидвормиз. Булар андижонлик Алибоев А., Қоратоев З., Ҳамидова М., Холбоева Д., Абдужабборов З., Абдуллаева Г., Мамадова Ф., фарғоналик Мирзааббарова М., Аҳмедова М., Мўминова М., Полвонов А., наманганлик Отамирзаев А., Назирова С., Иўлдошев И., Воҳидов И., Бахромонов А., Расулов У., хоразмлик Бобожонов А., Қаландаров Ғ., Собиров Ҳ., Каримов Ж., Собиров Р., Исқандаров А., Ёқубова Л., Полвонова Н., Бобожонова Ф., Махмудов Б., Жумабоев О., Эрназаров С., Ибрагимов И., Абдурахмонов О., Қўзиёва Г., бухоролик Бадалов А., Расулов Х., Каримов Н., Уринов Ш., Мирзаев Ш., Олтиев Қ., самарқандлик Бердиева Г., қорақалпоғистонлик Ражапов Б., Эшимбетов Ш., сирдарёлик Ашуров Н., жиззахлик Холхўжаев А., сурхондарёлик Қурбонов У., Пардаева Д., Ҳазратқулов Б., тошкентлик Эргашев А., тожикистонлик Мамарасулов У. лардир.

ФИЗИКА БЎИИЧА

Бобожонов Отабек — Хоразм вилояти Богот ноҳияси Алишер Навоий номли жамоа хўжалиғи 5-бригада

Вакилов Олимжон — Тошкент вилояти Бўстонлиқ ноҳияси Нанай қишлоғидаги 44-мактаб, 11-синф.

Байрамов Сафарбой — Хоразм вилояти Богот ноҳиясидаги махсус мактаб-интернати, 11-синф.

Умарова Гулнара — Андижон вилояти Балиқчи ноҳияси 23-ўрта мактаб, 11-синф.

Хайитбоев Одилбек — Хоразм вилояти Шовот ноҳияси «Ленинизм» жамоа хўжалиғи 8-бригада.

Тожибоева Хуршида — Тошкент вилояти Ғалаба ноҳияси «Коммунизм» давлат хўжалиғи Ибн Сино кўчаси 6-уй.

Ҳожиматова Дилфуза — Андижон вилояти Балиқчи ноҳияси 23-мактаб.

Қурёзов Улугбек — Хоразм вилояти Шовот шаҳри 120-мактаб-интернати.

Омонов Нурмуҳаммад — Андижон вилояти Балиқчи ноҳияси «Куйишев» жамоа хўжалиғи, 7-участка.

Қуйидаги ўқувчилар физика фанидан фаол иштирок этдилар: Намангандан Раҳимов Нуриддин, Боқиева Зебо, Андижондан Бакирова Дилдора, Маманазаров Шавкат, Қосимов Аваз, Қортиев Акром, Каримова Нилуфар, Холбоева Дилфуза, Фарғонадан Ҳожиёв Фарход, Акбаров Мўмин, Хоразмдан Хайитбоев Одилбек, Рўзметов Шокирбек, Сотимов Қахрамон, Қашқадарёдан Жабборов Амирмаҳамматлар.

Келгусида уларга ҳам омад тилаймиз!

КИМЕ БЎИИЧА

Абдуллаев Назиржон — Наманган вилояти Учқўрғон ноҳияси 20-мактаб, 11-синф.

Абдурасулов Фарход — Жиззах шаҳар 8-мактаб, 11-синф.

Шерқулов Илҳом — Сурхондарё вилояти Олтинсой ноҳияси К. Маркс номли мактаб, 11-синф.

Ҳайдаров Шухрат — Андижон вилояти Марҳамат ноҳияси 29-мактаб, 11-синф.

Абдуллаев Нормўмин — Қашқадарё вилояти Ғузур ноҳияси 27-мактаб, 11-синф.

Мардонов Маъруфжон — Бухоро вилояти Ғиждувон шаҳар 3-мактаб, 10-синф.

Сатторов Хуршид — Сурхондарё вилояти Бойсун ноҳияси 47-мактаб, 11-синф.

Каримов Комил — Тошкент вилояти Паркент ноҳияси, 11-синф.

Абдурасулова Наргиза — Андижон шаҳар 3-мактаб, 11-синф.

Нурматова Матлуба — Фарғона вилояти Тошлоқ ноҳияси 30-мактаб, 11-синф.

Сотимов Қахрамон — Хоразм вилояти Шовот шаҳар 120-мактаб-интернат, 11-синф.

Хайитбоев Одилбек — Хоразм вилояти Шовот ноҳияси «Ленинизм» жамоа хўжалиғи 8-бригада, 11-синф.

Ризаев Комилжон — Бухоро вилояти Ғиждувон ноҳияси 23-мактаб, 10-синф.

Элчиев Хайрулло — Тошкент шаҳар Чиланзор ноҳияси 111-мактаб-интернат, 10-синф.

Маматхонов Омил — Андижон вилояти Олтинкўл ноҳияси 1-мактаб, 11-синф.

Рустамов Илҳом — Бухоро вилояти Қизилтепа ноҳияси 9-мактаб, 11-синф.

Орзикулова Тожихон — Наманган вилояти Учқўрғон ноҳияси 20-мактаб, 11-синф.

Ҳожиаҳмедова Мавжуда — Наманган вилояти Учқўрғон ноҳияси 1-мактаб, 11-синф.

Зиёдуллаев Жамшид — Самарқанд вилояти Ургут шаҳри 3-мактаб, 9-синф.

Қуйидаги ўқувчилар кимё фани бўйича самарали ва мунтазам қатнашганлар. Уларга ҳам келгусида ғолиблар сафидан жой олишларига тилақдоримиз. Булар: сирдарёлик Хидиров Баҳодир, каттақўрғонлик Эргашев Нуралӣ, шаҳрисабзлик Раимова Гулнара, ленинбодлик Холматова Лобар, чироқчилик Тошназаров Равшанбек, шофирконлик Қўшинбоев Афзал, боготлик Бобониёзова Дилфуза, ургутлик Аҳмедов Эркинлардир.

Жюри раиси: Т. АЗЛАРОВ.

Жюри аъзолари: Б. РИХСИЕВ, А. АКМАЛОВ, Т. ҚЎРҒОНОВ, М. ҚҮРБОНОВ, А. МУФТАХОВ, М. ЗОКИРОВА, А. ДАМИНОВ («ЕШ КУЧ»).

БИЗГА ЖАВОБ

Болаларимга раҳмингиз келсин

деб ёзибди ўз хатида Бухоро вилояти Ульянов кўчасида яшовчи Махфират Бозорова. 1954 йили туғилганман. 4 ёшимда онам, кейинроқ отам вафот қилганлар. Етим ўсганман. 1973 йили синфдошим Н. Муродовга турмушга чиқдим. 3 ой яшаганимиздан сўнг у армияга кетиб қолди. Хизматдан қайтиб келгандан буён ҳозиргача ичгани, ишга бормагани туфайли иккаламиз келишолмадик. У мени кўп урарди. Лекин ўртамизда иккита фарзанд бўлганлиги учун ҳаммасига чидадим. Ўртага қариндошлар тушди. Лекин у феъл-атвори ни ўзгартирмади. Уйга келиб буюмларни сундириб, кийимларимни йиртиб, болалар либосларини олиб кетаверди. Охири 1991 йил 4 январь кўни суд бизни ажратди. У суддан сўнг ҳам менга тинчлик бермапти. Ҳеч ким менга ёрдам қилмаяпти. Худонинг берган кўни келиб жанжал қилади. Илтимос сизлардан, бир ҳолимни кўринглар. Мен лоақал болаларимни сизлар орқали дегдомга топширсам. Қариндошларимникида яшаш жонимга тегди. Лоақал иккита болам ҳурмати ёрдам беринглар.

Махфират БОЗОРОВА,
Бухоро шаҳри Ульянова кўчаси.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Оилавий келишмовчиликлар ҳақида ёзиб ёрдам сўраган бундай хатлар афсуски талайгина. Улардаги ҳуқуқий жиҳатларни ҳал қиладиган ташкилотлар мавжуд. Биз М. Бозорованинг арзини Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасига чора кўриш учун жўнатиб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Ёрдам берилди

Ўртоқ М. Бозорованинг «Еш куч» га ёрдам сўраб ёзган аризаси кўриб чиқилиб, ундаги далиллар қисман тасдиқланди.

Тегириш жараёнида шу нарса аниқландики, ҳақиқатдан Н. Муродов мунгазам равишда спиртли ичимликлар истеъмол қилади. Кўпинча уйда жанжал-тўполон бўлиши натижасида ўртоқ. М. Бозорова халқ судига никоҳни бекор қилиш ҳақида мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Бухоро шаҳар Тўқимачилик тумани халқ судининг 1991 йил 4 январдаги қарорига мувофиқ М. Бозорова ва Н. Муродов ўртасидаги никоҳ бекор қилинди. Айни шу суднинг 30 апрелидаги қарорига мувофиқ мол-мулкни ва ўйни бўлиш масаласи кўрилган. Суд ҳукмига мувофиқ фуқаро М. Бозоровага ва унинг икки боласига иккита хона, унинг эрига битта хона қолдирилган. Бироқ фуқаро М. Бозорова 1982 йилда мажкур ўйни ўз иш жойидан олганлигини кўрсатиб собиқ турмуш ўртоғи Н. Муродовдан ўйни тўлиқ унга қолдиришни талаб қилапти. Унга ва фуқаро Муродовга ўйни алмаштириш тартиблари тушунтирилди.

Фуқаро Н. Муродов томонидан тартиб-бузарлик қайта содир бўлмаслиги учун у билан профилактик характерда суҳбат ўтказилиб қаттиқ огоҳлантирилди. Бундан буён унинг хатти-ҳаракатлари устидан муайян назорат ўрнатилди.

Маълумот учун шуни билдирамизки, ўртоқ М. Бозорова ички ишлар органларига эрининг хатти-ҳаракатлари устидан илгари бирон марта мурожаат қилмаган.

Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасининг бошлиғи М. С. СОБИРОВ.

Қишлоғимизда чироқ йўқ

деб ёзган эди Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Чағам қишлоғида яшовчи Незмат Ҳасанов. Шикоят Денов ижроқўмига жўнатилган...

Қишлоққа чироқ келадиган бўлди

Халқ депутатлари Денов тумани ижроия қўмитаси Тожикистон давлат хўжалигида яшовчи Н. Ҳасановнинг Чағам қишлоғини электрлаштириш масаласида «Еш куч»га ёрдам сўраб ёзган хатги юзасидан текшириш ўтказиб қуйидагиларни хабар қилади:

Чағам қишлоғини электрлаштириш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Ҳужжатлар тайёр бўлгач қишлоқни электрлаштириш амалга оширилади.

Денов тумани ижроия қўмитасининг раиси
У. ҚОДИРОВ.

Талабнома

Советлар мамлакатига қайта куриш авжга чиққан бир пайтда оддий ишчи-деҳқонларнинг болалари ҳам олий мактабга кириб ўқиш орзуси ушаладиган бўлди.

1990 йил август ойида Самарқанд шаҳрида «Улугбек номидаги кўп қиррали олийгоҳ» деб аталадиган пулли ўқиш очилди. Болаларимиз давлат ҳисобига 1000 сўм топшириб, таниш-билшисиз, очикчасига кириб ўқий бошлаганларида беҳад хурсанд бўлгандик. 20 сентябрдан бошлаб болаларимизга олий маълумотли мутахассислар дарс ўта бошладилар. Бу олийгоҳда жуғрофия, биология, ҳуқуқшунослик, тарих, физкультура, автомобиль йўллари, математика, химия каби куллийтлар бўлиб, унга 1400 дан ортиқ ўқувчи қабул қилинган эди. Бироқ Самарқанддаги олий ўқув юрти бошлиқлари, вилоят раҳбарлари бунга қарши чиқишди. Гўё уларнинг даромади камайиб қолгандек, марказни ёпмоқчи бўлаяптилар. Биз камбағал ота-оналар бунга қаршимиз. Қанийди бу олийгоҳнинг давлатга ўтадиган даромадига халқ учун касалхона, боғчалар қурилса нур устига аъло нур бўларди, деб бир гуруҳ ота-оналар номидан

Нияшон ОЧИЛОВ.

Миш-мишларга ишонманг

ЎзССЖ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрт. Н. Очиловнинг «Еш куч»га йўллаган шикоятги билан синчиклаб танишиб қуйидагиларни маълум қилади.

Самарқандда ташкил этилган кооператив «Марказ» ҳеч қандай юридик ҳуқуқларга эга эмас. Шу туфайли ўқувчиларга синов дафтараҳиса ва талабалик паттаси берилгани

йўқ. Самарқанд «Марказ» ташкилотининг ишлари билан ҳозир тергов органлари шуғулланаяпти. «Марказ»нинг тақдири ҳақида ота-оналарга тергов натижаси асосида маълумот берилади.

ЎзССЖ Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги Олий ўқув юртлари бош бошқармаси бошлиғи
С. ҒУЛОМИДДИНОВ.

ТАҲРИРИЯТДАН: «Еш куч» бу қалтис мавзуга яна қайтади.

Мактабимизда компьютер йўқ

деб шикоят йўллашибди Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги Павлов номли мактаб ўқувчилари.


Мактаб яқинда компьютерлаштирилади

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани халқ таълими бўлими Павлов номли мактаб ўқувчиларининг мактабда компьютер йўқлигини кўрсатиб «Еш куч»га йўллаган мактуби юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Туманимиз ҳудудида 79 та мактаб бор. Бу мактабларни имкони борича компьютерлаштириш, техника воситалари билан таъминлаш тadbирлари бирин-кетин амалга оширилмоқда. Жумладан ўтган ўқув йилида туманимиздан 9 та мактаб тўлиқ компьютерлаштирилди.

Айни вақтда қолган мактабларни ҳам компьютер билан таъминлаш ҳаракатида юрибмиз. Бу борада вилоят халқ таълими бошқармасига талабнома билан чиқдик. Яқинда компьютерлар билан таъминлаш арафасида турибмиз. Олинган компьютерларнинг бири албатта ўқувчилари «Еш куч»га шикоят йўллаган Павлов номли мактабга ҳам ўрнатилади.

Шаҳрисабз тумани халқ таълими бўлими мудири
Б. СУЛТОНОВ.



ЙЎЛЛАЙДИЛАР

НУРАЛИ ҚОБУЛ: ҲАҚИҚАТ ДУСТЛИК ДАН, МУҲАББАТДАН—ДА УСТУН

Мадни худо ҳам, халойиқ ҳам суйди.
Амир ТЕМУР.


— Нурали ака, яқинда Ҳиндистон сафаридан қайтдингиз. Четдан нигоҳ ташлаганда халқимиз маънавий ҳаётидаги бугунги ўзгаришлар хусусида нима дея оласиз?

Тўқсонинчи йилларнинг бошларидаги ўзгаришлар нафақат қатор янги нашрлар, балким, халқимиз кўзга суртиб ўқиётган Қуръони карим, Ҳадислар, «Темурнома», Чўлпон ижоди каби маънавий қатағонга учраган қадриятларимизнинг қайта ёруғликка чиқиши билан белгиланади. Навоий ҳазратларининг таваллуд кунлари миллий байрамга айланганлиги, бу байрам йил бўйи давом этишини айтмайсизми! Навоий номидаги шеърят боғининг барпо этилишичи! Сўзсиз, бу тадбирлар халқимиз маънавиятида янги, ёрқин саҳифалар очади ва бундан буёғи қатор маънавий савобли ишларга дебоҳа бўлади. Халқимизни ҳаққа, имонга етакловчи, шу билан биргаликда меъморчилик санъатининг юксак намуналари сифатида қурилаётган масжиду мадрасаларни алоҳида таъкидламоқчиман.

Деҳли, Агра ва Фатҳпур, Секри кўчаларини айланарканман, ич-ичимдан тўлиб-тошиб келаётган ифтихор ва алам аралаш туйғуни гоҳида бўғзимда тутиб қололмайдим. Бу афсонавий заминда бир илоҳийлик бор. Бу тупроқдаги ҳар бир обид ва гиёҳ сизга буюк бобурийлар руҳи бўлиб, мозийга етаклайди. Жаҳон меъморчилигининг гавҳари бўлмиш Тож Маҳалга «Акбар» ва «Мумтоз» меҳмонхоналари, «Нусрат» ресторани ҳамда «Умар» савдо марказидан ўтиб, Шоҳжаҳон кўчасидан кириб борасиз. «Муғул Шератон» қўноқхонасига эса «Бобур дарвозаси» орқали қадам босиб, «Хумоюн йўлагидан» ўтасиз. Муҳташам меҳмонхонанинг ярқироқ кўрсаткичларига кўзингиз тушиб, вужудингизни сарҳуш бир ҳис қамрайди. «Акбар маҳал» ресторани, «Шоҳжаҳон маҳал» ва «Жаҳонгир маҳал» бўлимлари (меҳмонхонанинг корпуслари). Банкет — зиёфат зали «Девони хос» деб аталса, кафенинг номи «Боғи баҳор». Деҳли ва бошқа шаҳарлардаги сон-саноксиз Бобур, Хумоюн, Акбар, Жаҳонгир, Шоҳжаҳон, Аврангзоб, Муҳаммад Туглиқ ва бошқа бобурийлар номлари билан аталадиган бош кўчалар, маданият ва савдо марказлари, меҳмонхоналар.

— Бугунги мусоҳаба сайловчилар олдидаги ўзинга хос ҳисобот бўлиб қолади. Шу боис суҳбатни депутатлик фаолиятингиздан бошласак. Депутат сифатида мўлжал қилган мақсадларингиз ва сайловчиларга берган ваъдаларингиздан қай бири бажарилди-ю, қайсилари амалга ошмади? Яна қандай ниятларни мўлжаллаб турибсиз?

Қатор савобли ишлар қилинаётганлиги кўпчиликка маълум. Бу хусусда тўрт тарафга жар солишимиз ҳам андишадан эмас. Иқтисодий шароитимиз қанчалик оғир бўлмасин, Шарқнинг, Туркистоннинг қадри учун курашадиган кун келди. Бу курашнинг кечиккани бизнинг озодлигимиз, истиқлолимиз ва саодатли кунларимизнинг кечикканидир. Биз зиёдилар биринчи галда халқнинг ўзлигини топиб, ўз ҳаққи-хуқуқи учун ўз ақл-идроқи, салоҳияту фаросати билан курашишга тайёрламоғимиз керак. Ақдан ва маънан баркамол киши учун эса бир бурда нон топиш муаммо эмас. У ўз ҳақини истаган жойда топиб, керак бўлса талаб қилиб олади. Юқорида айтганим, Ҳиндистондаги гадою оч-яланғоч, кўчада туғилиб, дуч келган жойда ўладиган одамларни кўриб, худога шукр, биздаги ҳаёт



Абдул Ғани ЖУМА
суратга туширган

жаннат экан-ку, дейсан, ёқа ушлаб. Бироқ бу ҳаётни Европа мамлакатлари билан солиштирсангиз, кўз олдингизда яна нохуш манзара намён бўлади. Қандай йўл билан бўлмасин, халқнинг турмуш даражасини кўтариш керак. Бу нарса эса ўз-ўзидан омма онгини юксалтиради. Ҳасанқўрғонча қишлоғидаги учрашувда сайловчилар жамоа хўжалигига улғур бобомиз Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг табаррук номини беришга кўмагимни сўрадилар. Бошим осмонга етди. Сўнгра иқтисодий, хўжалик муаммоларини муҳокама қилдик. Эътибор бераётисизми, бизда маънавият иқтисодиётга яқинлашмоқда. Бир кун келиб эса у олдинга ўтади. Юқорида таъкидлаганимдек, маънавий баркамол миллат ва халқ учун эса қорин тўйгазиш ўнинчи даражали юмуш бўлиб қолади. Иншооллох, биз шу кунларга етамиз.

— Яқинда «шов-шув»лар билан ўтган «сармоялар ўйини» қишлоқларда жуда сокин кечди. Матбуотдаги расмий маълумотларга қараганда Иттифоқда 40 миллиард сўмлик йирик пул алмаштириш учун топширилибди. Жумҳуриятимиз «чекига» эса унинг қирқдан бир қисмигана тўғри келибди, холос. Буни қарангки, 15 минг аҳолиси бор бўлган Бувайда қишлоғида пул алмаштирган сармоядорларни санаш учун биргина кўлнинг бармоқлари кифоя қилди. Бир қисм кишилар «халис хизмат» юзасидан кассага келганлар. Алоқа бўлимларидан бирида хизмат қиладиган дўстимизнинг гувоҳлик беришича, нафақа ҳисобига кун кўраётган пенсионерлар бу ҳақда бош қотириб ҳам кўрганлари йўқ. Умуман Бувайда қишлоқ шўросидаги «давлатманд» кишиларнинг алмаштириш учун топширган сармояси миллионни ҳам қораламаганини билгач, ҳам-қишлоқларимизнинг қандай ҳолда рўзғор теб-ратаётганини тасаввур қилдим, ташвишга тушдим: бозор муносабатларининг беаёв синовларига қандай дош бераркинлар?!

«Сармоялар ўйини» деган атамангизга шуни қўшимча қилишим мумкинки, совет ҳукуматининг бу молиявий диверсиясини хурматли чув тушган пулдорларимиз кечирмайдилар ва йўқотган маблағлари ўрнини қоплаш учун давлатнинг кўзини янада боғлаб ва чуқур-чуқурга олиб беришга мажбур қилди. Охир-оқибатда оғирлик яна ўша — шўрига шўрва тўкилиб келган оддий, қўли калта халқнинг яғир бўлиб кетган елкасига тушади. Бизда бутун халқ хўжалиги ясама, тухматитрикчиликнинг устига қурилгани, одамларимизнинг виждон, имон, эътиқод, худодан кўрқиб, бандасидан уялишдек илоҳий туйғулар ҳақида ўйламай қўйганликлари ҳар қандай маънавий-маърифий ҳамда иқтисодий ислохотнинг муваффақиятли амалга ошишига тўсқинлик қилиши мумкин. Узимизда шундай олғир савдо-саноат доираларининг вакиллари борки, улар Ўзбекистон дея аталмиш жумҳуриятни ҳукумату парламенти би-

лан бирга қўшиб Бухоронинг қоракўл терисидек сотиб юборишлари мумкин.

Сиз ҳамқишлоқларингизнинг кам маблағ топширганидан ўқинибсиз. Масалага бошқа томондан ёндошсам, бор пулнинг қадри ҳам ҳаминқадар бўлиб қолдику? Энди пул ҳақида эмас, яхши маҳсулот етиштириш ҳақида ўйламоқ керак. Қобул кўчаларида болалар боғлам-боғлам алликталик ва юзталикларни ўйнаб юришибди. Уларга бу пулни эрмак учун бераётган дўкондор куйганига хафа эмас. Буни у номақбул ва гуноҳ ишлари, кофирлар билан олди-берди қилгани учун оллохнинг жазоси деб билади. Тан олиш керак, қори ишқамбалик руҳиятимизда анчагина бор. Қуруқ нон-чой ичиб ўтирган, витаминга (дармондори) зор боламизга икки кило анор ёки майиз олиб бериш ўрнига хотинни қақшатиб, пулни сандиққа босиб қўямиз. Ваҳоланки ҳаракатда бўлиб, фойда келтирмаган пул ўлик пулдир. Уни ишлатиш, керак бўлса бирини ўн қилиш даркор.

Деҳқонга онгли равишда эркин ҳаракат қилиш учун имконият яратилиши керак. Акс ҳолда у иши юришмагани учун ҳукуматдан домангир бўлаверади. Бунга эса асос бор. Бир пайтлар «Ипак йўли»нинг энг обод манзилларидан бири бўлган Туркистон замини кейинги юз эллик йилда мустамлакачилик ва колониал ўмарини сийсати туйфайли ташқи дунёдан ажралиб қолди. Ҳатто Мағриб ва Машриққа борадиган мавжуд карвон йўллари ҳам йўқ бўлиб кетди. Тўғри, жанубий Туркистон ва Афғонистонга йўл очилди. Бироқ бегуноҳ фарзандларимиз қонига бўялган бу йўлдан илк бор танқлар ўтди... Ташқи савдо учун замонавий имкониятлар яратилмагани учун қай бир маҳсулотни чет элга сотишга уринмайлик, фойдани йўлқирага тўлаб, чўнтагимиздан елвизак ўтиб тураверади. Шу боис, муболага қилиб айтганда, эҳса замбаракнинг ўқи ҳам кўкарадиган тупроғимизда, биринчи галда, халқимизнинг тўки эб-ичиши учун зарур бўлган зироатларни юмалоқ-ёстиқ қилиб эмас, қойилмақом қилиб етиштиришимиз керак. Унинг сифатини ва чиройли шакл-шамойилини кўрган сайёх, чўнтагидан доллар ёки фунт стерлинг чиқарганини сезмай қолсин. Токи, биз долларнинг орқасидан эмас, доллар бизнинг ортимиздан қувсин. Бугунги кунда дунёнинг барча халқлари каби биз учун ҳам бозордан бўлак йўл йўқлигини, уни юқоридан туриб бошқариш эмас, фақат эркин рақобат йўли билангина тараққий топтириш мумкинлигини барчамиз англаб етмоғимиз керак. Энг муҳими, кишиларимиз ҳеч қимдан нажот кутмай, мустақил деҳқончилик ва чорвачилик билан астойдил шуғулланишлари даркор.

Жумҳурият Вазирлар Кенгашининг собиқ раиси билан бир баҳсимизда ул киши, «пахтадан бошқа маҳсулотга бозор йўқ» дедилар. «Сиз шундай деб ҳукумат уйининг олтинчи қаватида ўтираверсангиз, яна егмиш йилдан сўнг ҳам бўлмаслиги аниқ», — дедим унга жавобан.

Юқори жумҳурият ташкилотлари Иттифоқ ҳудудида, чет элдами, қаерда бўлмасин, етишти-

рилган маҳсулотга қулай бозор излаши, топишлари керак. Шу ўринда саудиялик жигаримиз, буюк ватанпарвар инсон шайх Нуъмон Тошкандийнинг дил сўзларини сизга етказмоқчиман. «Мана шу, биз еб турган қовундан Арабистонга яхшилаб қутиларга солиб, бир тайёра жўнатсаларингиз, қутиларни тўлдириб олтин олиб қайтасизлар». Улуғ Шайхнинг фарзандлари ўн саккиз ёшли Салмон қоринин (Тошкандий) Тошкент ўналғасига бораётганда падарига болаларча соддалик ва афсус билан айтган сўзлари ҳамон қулоғим остида жарағлайди. «Ичар сувлар дарё бўлиб, шарқираб оқадиган, афсонавий ширин қовунлар сув текин сотиладиган Ватандан кетяпмиз-а, дадажон!» Бу саволга ҳеч ким жавоб қайтара олмади. Ҳали бери қайтара олмади керак...

— Бувайдаликлар депутатга ёлчиб қолдилар. Биров адолатсизликдан оғиз очса, яна бирови, «Буни Нурали Қобул билганми?» деб қизиқсинади, бошқа бир киши дардини айтса, суҳбатдоши: «Нуралига айтиш керак. Учрашмай чакки қилибсан, албатта учрашгин», дея йўриқ беради. Булар кунда бўлмаса-да, кунора эшитилиб, турган гаплар. Яна Тошкентда албатта топиб, айтишни тайинлаган илтимос талаблар қанча! Кўпинча, «шунча ташвиш бир кишига оғирлик қилмасмикин, депутатликнинг турган-битгани галвадан иборат экан-ку», деб ўйлаб қоламан. Аммо одамларга ҳам осон эмас-да. Ахир СССР халқ депутатидан умидларини узиб, аллақачон қўл силтаб қўйган бўлсалар, вилоят ноблиги мандатини кўлга киритган «райкатталар» ҳам, колхоз ва қишлоқ шўроси раҳбарлари ҳам хўжалик ишларидан «ортмасалар», бошқа депутатлар ё кўли калта, ё фаолиятсиз бўлса, яна қаерга ҳам борсинлар?!

Б иласизми, барчамиз ҳам бошимиз юмалоқ, бутимиз айри бандаларимиз. Орамизда фариштани топиб бўлмагандек, ўзингиз билан ёнма-ён юрганлар орасидан дабдурустан аблаҳ дея бирор кишини кўрсатиб ҳам беролмайсиз. Ҳар бир инсон ҳаётни ўз имконияти даражасида тушунади. Дейлик, маълум бир дақиқада у ёки бу ишни амалга ошириш мумкин эмаслигини, ҳар бир нарсанинг боболар айтгандек тағир белгилаган вақти-соати борлигини одамларга қонун-қондаси билан инсоний бир шаклда тушунтириб бермоқ учун менимча жуда катта ақл ва фовиллик керак бўлмайди. Лекин минг афсуски, жойларда халқ билан тушунарли тилда самимий, унинг кўнглига келажакка умид ва ишонч уруғини соладиган, зарур эзгу ишларга руҳлантирадиган оҳангда сиёсат юргизадиган элбошилар кўп эмас.

Депутат аслида жуда катта раҳбар ва арбоб бўлиши керак. Раҳбар бўлиши учун эса қуруқ тажриба ва кўникма камлик қилади, энг аввало ақл ҳамда қобилият керак. Раҳбарлик салоҳияти ҳам рассомлик ёки наққошлик иқтидори каби илоҳий бир нарсadır. Сиёсатда узоқни кўра билмаган, амалий донолиги, яъни зарур пайтда тез ва тўғри фикр қилиб, ҳукм чиқара олмайдиган кишилар ўзларини элбошиликка урмасликлари керак. Энг ёмони, халталаб пул кўтариб, ошангайнигарчиликни орага солиб, дуч келган лавозимга ўзини урувчиларга бунди тушунтириб бўлмайди ва улар бу ҳақда ўйламайдилар ҳам. Шу ўринда Чеховнинг зўр бир гапи эсимга келди. «Қобилиятсизларнинг энг характерли хусусияти шундаки, улар зўр руҳоний каби доимо гўдайиб юришади».

— Кишилар орасида оғиздан оғизга ўтиб юрган «Халқ учун қуймаган, қайишмаган, элдан ўзини юқори қўйган раҳбарнинг, у ким бўлмасин, ёқасидан оламан», деган иборангизни эслаб қўйгим келди. Ҳалиям шу фикрдамисиз ёки...

Х ақиқат — муҳаббат, дўстлик, ҳаттоки ота-болаликдан-да устундир. Унга хиёнат қилган одамнинг икки дунёси ҳам барбод бўлади. Халқда ҳаққа етган деган ибора бор. Бу худони таниган одам демакдир. Узлигини топган, англаган кишигина ўзгаларнинг қадрига етади ва ўзини халққа бағишлайди. Ҳақиқатни ҳар қандай шароитда ҳимоя қила олмайдиган инсон тўлақонли инсон эмас. Ҳақ ишга ҳатто истисно тарзида ҳам ёндошиб бўлмайди. Очиғини айтганда барча бўғиндаги раҳбарлар орасида имони борлари ҳам анчагина. Мен ҳам табиятан максималистман. Бироқ воқеа ва ҳодисаларга ҳодис кўз билан қараш керак. Отам узоқ йиллар колхозда ўнбоши, ҳисобчи, ферма мудири бўлиб ишлаган, очикқўнғил, керагидан ортиқ даражада самимий одам (бундай кишилар бир умр ана шу самимияти учун жазоланиб яшайдилар). Олтинчи синфда ўқир эдим. Кун ора отам раҳбарлик қиладиган ферманинг силосидан ярим халтани орқалаб, уйимизга олиб келишим керак эди. Ярим

халтадан силос мен билан бирга бригада бошлиғи, хўжалик раҳбарларининг болаларига ҳам бериларди. Менинг эса синфдошларим, дўстларим, оддий кишиларнинг фарзандлари олдида юзим шувит, бошим эгик эди. Охири чидай олмадим. «Жўраларимнинг кўз ўнгида ҳар кун колхознинг силосини олиб келавераманми? Уларгаям беришин! Бўлмаса бормайман!» Нохос қаттиқ тарсакидан учиб кетдим. Бир амаллаб ўрнидан турдим, йиғи аралаш шундай дедим: «(Тарсакидан қулоғим битиб қолган экан, бир неча кун гапимни ўзим чала эшитиб юрдим) «Шошмай тур, кўрасан ҳали!» Шунда қутилмаганда отам ҳам йиғлаб юбордилар. «Ўзгаларнинг калтагини еб, етим ўсган мендек одам нега қўл кўтардим», — дедилару елкалари силкинганча далага қараб кетдилар... Бир ҳафта уйга кирмай, кўрада тунаганман. Бу воқеани эсласак, ҳамон иккимизнинг кўзимизда ёш қалқийди.

...Бу гаплардан сўнг, сайловолди машмашалари ҳақида гапириш бақчанадек туюлади. Сени барча баробар қўллаб-қувватлагани ҳам яхшилик аломати эмас. Ҳар ҳолда сенга қарши кучларнинг бўлгани маъқул. Ўз фикрига эга бўлмаган оддий хайрихоҳдан кўра сени фикрлашга ундайдиган, курашга даъват этиб турадиган рақиб афзал. Худо ҳақки, мен ҳеч кимдан хафа эмасман. Одамларга қилган яхшилигимни ва ўзгаларнинг менга қилган ёмонликларини унутиб яшайман. Қўлимдан келганча буюк бобом Темурнинг, «Мардни худо ҳам, халойиқ ҳам суяди», деган сўзига амал қилишга интиламан.

— Олий Кенгаш қабул қилаётган қонунларнинг ва жумҳурият Президенти Фармонларининг ижроси, қутилган самараларга эришилмаётгани парламент аъзоси сифатида Сизни ҳам ташвишлантираётган бўлса керак. Айниқса, ер ва мулкчилик тўғрисидаги Қонунлар ҳамда аҳоли чорвасини емаҳақ билан таъминлаш хусусидаги Фармон кўнгидагидай ишламапти. Ижарадорлар, фермерлар сони ҳозиргача ҳам бармоқ билан санарли, шахсий чорвани сақлаш ҳамон мушкул, гўштининг баҳоси тобора юқорилаб кетяпти. Одамларга уй-жой қуришга ер ажратилди, яна берилляпти. Бирок, ҳамманинг ҳам иморатини битказишга қурби келаятгани йўқ. Териб-термачлаб тўпланган сармоёлар ўзин кам, нархи эса «олтин баҳоси» даражасига кўтарилган қурилиш материалларига урвоқ ҳам бўлмапти. Банкдан қарз олишдаги расмиятчиликлардан «безиллаб» қолганлар бунга кўнда ҳавасманд эмас. Бу борада сайловчиларга қай йўсинда кўмаклашмоқчисиз?

Ю қорида айтиб ўтганим — Ҳасанқўрғонча қишлоғида экин-тикин учун бор-йўғи етмиш гектар ер бор. Сизга маълумки, ернинг пешонасига пахта экиш учун деган тамға битилган. Ишловчи одам эса 150 нафар. Қанчалик юқори ҳосил олинмасин, даромаддан мушук офтобга чиқмайди. Демак, иқтисодиётнинг оддий қонун-қондасига биноан халқнинг қорнини тўйгазиш учун ҳам ўша етмиш гектар ернинг ҳеч бўлмаганда беш гектарига егулик ёки қимматбаҳороқ бирор экин экишга тўғри келади. Ҳозирча бошқа йўл йўқ. Биз хўжалик ва қишлоқ шўроси раҳбарлари билан бамаслаҳат бу ишга киришамиз. Иштихон районида жуда оз миқдордаги ерга туман аҳолисининг эҳтиёжига етгулик дондун экиб, ўнлаб сув тегирмонларини ишга солиб, ун танқислиги масаласини кун тартибидан олиб ташлашибди. Бувайда ва бошқа қатор туманларда эса аҳоли жон бошига мўлжалланган 250 грамм ун устида ота гўри — қозихона қилиб юришибди. Оёқ ва қўлнинг ишлагани жуда яхши. Бироқ, энг аввало каллани, ақлни ишлатмоқ, ҳисоб-китобни жойига қўймоқ керак. Акс ҳолда ишламаган бош ишлайдиган оёқни толдиради.

Халқимиз ўзига йўл кўрсатганларга асосан ишониб, эргашиб келган. Бу унинг буюк соддалиги ва оққўнғилигидан. Эндилек ҳам эл жумҳурият раҳбарияти ва парламентининг фаолиятига, дадилроқ бир қадамга кўз тикиб турибди. Камчилик ҳар бир ишда бўлиши мумкин. Бироқ бундан буён хато қилишга, хато сиёсат юргизишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Сайловчиларга бевосита моддий кўмак борасида шунга айтишим мумкинки, аҳоли ночор оилалардан бир нечасига навбатдан ташқари қарз олишни ташкил этдик. Бу масалада истаган кишига кўмак бериш мумкин. Кейинги пайтда Шўро Иттифоқида юз раётган бир ҳолатга эътибор бердингизми? Россияда халққа ер билан баробар эрк ҳам берилляпти. Бироқ астойдил ишлайдиган деҳқонлар йўқ ҳисоб. Бизда эса меҳнатлаб одам кўп, бироқ ер билан эрк давлат монополиясида. Ерга хусусий мулкни жорий қилайлик, десак, ер етмайди, жанжал бўлади, деймиз. Ер нисбатан сероб вилоятларда балки бу тadbирни қўллаб кўриш керакдир. Умуман ҳали бош қотирадиган муаммолар кўп.

— Ўзбекистоннинг эртасини қандай тасаввур қилаёсиз?

Б из билан мен истаймизми-йўқми, Иттифоқдаги барча жумҳуриятлар тўла мустақилликка олиб борадиган йўл бошида турибдилар. Сабаби — ўзга йўл йўқ. Орқага қайтиш эса фожиа демакдир. Москвадаги марказий ҳукумат, жумҳуриятлар ва миллатларнинг ана шу — истиқлол сари йўналган ҳаракатини тушуниб, хайрихоҳлик билдириб, қанчалик кўмак берса, шунчалик обрўсини сақлайди ва узоқроқ яшайди. Акс ҳолда, кундан-кун пугурдан кетаверади. Яна шунга таъкидлашни жоиз деб биламанки, агар Горбачев жумҳуриятлар билан яна «Литва тилида» гаплашмоқчи бўлса, у кўп ўтмай сиёсий саҳнадан кетади.

Мустақиллик деймиз, харитада кўзга илинмайдиган Люксембургга ҳам йигирма кун сарсон бўлиб, Москвадан сўраб (агар руҳсат берса) учамиз. Одамларимиз дунёни кўриб, ўша тарафдан туриб юргизаётган тирикчиликларига назар ташлаб ҳулоса чиқармас эканлар, ўз ёғимизга қовурилиб ётаверамиз. Шу ўринда келажакимиз учун ҳаёт-мамонт масаласи бўлган бир нарса устида тўхталмоқчиман. Биздаги мавжуд давлат тузуми конституцияга асосан бошқарилади. Йиллар ўтиши билан у такомиллашиб бориши мумкин. Бирок, одоб ва ахлоқнинг мезони сифатида нимани оламиз? Менимча ота-боболаримиз амал қилиб келган исломни. Ўзга халқларга тавсия бериш фикридан йироқману, христиан биродарларимиз ҳам Исо ғоясига қайтсалар керак. Сизга маълумки, Темур давлатни бошқариш учун Чингизхон ясоқларига, ахлоқ нормаси сифатида эса ислом ғоясига таянган. Бу ўринда бизга барча динларни тенг кўрган бобурийлар, айниқса Акбар фалсафаси қўл келиши мумкин.

— Утган йил охирида матбуотда қобилиятли ёшларни чет элга ўқишга юбориш, дунёни кўрсатиш муаммоларини кўтарган эдингиз. Қандай ўзгариш бўлди?

Б изда ҳали кўп механизмлар давр руҳига ҳамоҳанг ишлаб кетмаётир. Буни етук қодирлар (кадрлар) ва том маънодаги ватанпарварларнинг камлиги билан изоҳлаш мумкин. Дипломатия деган фандан йироқмиз. Чет элга бориб қарсиллатиб ўқиб кетадиган ёшлар ҳам биз ўйлаганчалик кўп эмас экан. Бироқ бу йўлда инқилоб ясаш керак. Фақат қодирларни танлашда янглишмаслик, яна қуда-андачиликка зўр бермасак бўлган. Бу борада «Ватан» жамаияти ўз зиммасига катта ватаний маъсулиятни олиши керак. Бироқ ўз ишида чинакам қайта қуришни амалга ошира олмаётган бу жамаият раҳбариятига бугунги кун талабига жавоб берадиган, илғор фикрли халқпарварларни жалб этиш керак.

— Депутатлик фаолияти ижодий ишга халал бераётгани йўқми? Сир бўлмаса ижодий лабораториянгиз билан таништирсангиз?

А дабиёт билан сиёсат бир-бирига нисбатан қарама-қарши кутбда жойлашган. Бирига ўзингни бахш этганда, иккинчиси тўхтаб туради. Лекин аслида сен сиёсий фаолият билан шугулланган, бўлажак асарингга пойдевор ясаётган бўласан. Одатда тепаликка чиққан одам қуйидаги ҳақ-ноҳақликларни бошқаларга нисбатан аниқроқ кўради. Масалага профессионал нуқтаи назардан ёндошганда дардинг, одамларга айтадиган гапинг бўлса, парламент биносида ўтирибсанми, Тоштурмада ўтирибсанми-фарқи йўқ. Гап фикрингиз элга ўзинг истагани ва омма қабул қила оладиган оҳангда етказа олишда. Одатда катта романлар беш-ўн йилда ёзилмайди. Беш-ўн йил ўйлаиб, керак бўлса бир неча ойда қозоғга тушиши мумкин. Энг муҳими, худо сени хотирадан ажратмаса, фикрлаш қобилиятдан маҳрум этмаса бўлгани. Ижодий ишлар хусусида Ғ. Ғулум наشريётида шу пайтгача чоп этилмаган қисса ва ҳикоялар «Унутилган соҳиллар» романи билан биргаликда шу йил босмадан чиқади. «Камалак» нашриётига воқеий ҳикоялар, эсселар, мақола ва қайдлар жамланган китоб қўлёзмасини топширдим. Насиб этса, мана шу суҳбатимиз ҳам ушбу китобдан жой олади.

— Анъанавий савол: ўқувчиларга қандай истақлар тилайсиз?

И лоҳим, барчамиз тезроқ Ватанни, эл-юртни танийлик, топайлик! Барчамизнинг қалбимизда Ватаний ахлоқ тезроқ шаклланиши ва камол топсин! Мана шу муқаддас она юртни, бул марварид тупроқни келгуси авлодларга озод ва бегубор топширайлик!

Суҳбатдош — Шароф ИҮЛДОШЕВ.

Ойномада ўн йилга озодликдан маҳрум қилинган собиқ милиция полковниги Қайнар Қаршибоевнинг хатини «Панжара ортидаги бегуноҳлар»ни ўқиб...» сарлавҳаси остида чоп этганимизга ролпа-роса бир йил бўлди. Эсингизда бўлса, ўшанда биз жумҳурият ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари-га мурожаат қилиб, Қ. Қаршибоев ишини яна бир бор адолат тарозисига солиб кўришни сўраган эдик.

Бу орада муҳарририятга Сирдарё вилоят судининг аъзоси, Қаршибоевларнинг суд мажлисига раислик қилган ўртоқ У. Д. Расуловнинг «Эътироз-ариза»си ва унга жавоб ҳамда журналхонлар мактублари «Қамоқда ётган полковник Қаршибоевнинг шикоят хати юзасидан мунозара» (1991 йил, 1-сон) умумий сарлавҳаси билан босилди.

Муҳарририятга Қ. Қаршибоев ва У. Д. Расуловларнинг хатлари бўйича мактублар тўхтовсиз келиб турибди. Уларнинг аксариятида Қ. Қаршибоевнинг тақдирига куйиниш, жонқуярлик уфуриб турадики, халқимизда меҳр-оқибат ҳамон устиворлигидан дил қувонади.

Шу билан бирга Қ. Қаршибоевнинг фаолияти самимийлигига шубҳа билдирилган, ҳатто уни очиқдан-очиқ қоралайдиган хатлар ҳам йўқ эмас. Биз бу хатларнинг муаллифларидан ҳам миннатдоримиз, чунки жамиятимизда қарор топаётган фикрлар хилма-хиллиги мана шундай нуқтан назар ҳам кераклигини тақозо қилмоқда.

Гарчи орадан бир йил ўтса-да, Қ. Қаршибоев иши ҳали ойдинлашмади. «Правда Востока» рўзномасининг 2 апрель сонидан У. Расулов «Суд ва қайта судловлар» деган мақола билан чиқиб, «Еш куч» шаънига яна таъна тошларини отган. Биз куйида У. Расуловнинг «Правда Востока»даги мақоласини ва унга адвокат В. Барабашнинг жавобини таржима қилиб, эътиборингизга ҳавола қилаемиз.

Демак, мунозара давом этади.

Суд ва қайта судловлар

«Еш куч» ойномасининг ўтган йилги саққизинчи сонидан мени судья вазифасини бажаришда ноинсофлик қилди деб айблашди. Асоссиз равишда айблашди: ойномадаги мақолада тилга олинган ҳукм ўзининг қонуний кучида эди ва ҳамон шундай турибди. Мен раддия билан ойнома муҳарририятга мурожаат қилдим. У ҳозиргача чоп этилгани йўқ. Мен ҳар бир шўро фуқароси каби ўзимнинг ҳақлигимни суд йўли билан ҳимоя қилишим мумкин эди. Лекин судьяни суд ҳимоя қилиб юрмасин деб бунини эстамадим.

Ҳуқуқий йўлдан воз кечиб, «Правда Востока»дек обрўли ва ўқишли рўзномадан менга минбар беришини сўрайман, бунда мутлақо ўзимнинг шахсий ўпка-гиналаримни баён қилмоқчи эмасман. «Еш куч» ходимлари жамоатчилик олдига амалдаги ҳукмнинг бўйсини тўқишга уринишган. Жиноий ишга онд мақолани тайёрлаётган ойнома ходимларидан биронтаси ишга кўз қири ҳам ташлаб кўйишгани ҳам йўқлиги бос мазкур ишнинг моҳияти ва характери ҳақида тўхтаб ўтишни мана мен лозим топдим.

«Еш куч» ойномаси ўз ҳимоясига олган собиқ милиция полковниги Қ. Қаршибоев порахўрлиги, ўз мавқеини сунистеъмоқ қилганлиги, содир этилган жиноятни яширганлиги учун ўн йилга озодликдан маҳрум қилинган. Қаршибоевнинг айби дастлабки тергов ва мустақил суд тергов даврида тўпланган далиллар мажмуаси билан исботланган.

Қаршибоев 1983 йил мартдан 1987 йил январга қадар Жиззах шаҳар милициясининг бошлиғи бўлиб ишлаган. Хизмат жараёнида ҳомийлик ва қўллаб-қувватлаб турганлиги учун кўл остидаги оператив ходимлардан пора олиб турган. Биринчи май, Янги йил байрамлари, шахсий ҳаётидаги воқеалар: туғилган кунлар, меҳмон кутиш, дам олишга кетиш ва ҳоказолардан пора олиш учун баҳона сифатида фойдаланган. Пора сифатида нақд пул, машинага эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, гўшт, мевалар, полиз маҳсулотлари, спиртли ичимликлар олган. Бунини тергов даврида ва судда шаҳар ИИБ тергов бўлимининг собиқ бошлиғи Ф. Разақулов, унинг ўринбосари А. Тишликов ва бошқа милиция ходимлари тасдиқлашди.

Қаршибоевнинг «раҳбарлик усуллари» ҳақида шаҳар ИИБнинг кўп ходимлари хабардор эди, лекин бу ҳақда лом-мим демаслигини афзал кўришарди. Фақатгина ДАИ инспектори И. Олимов таниш ва яқинлари билан суҳбатлашганда норози эканини очиқдан-очиқ айтарди. Узига маълум бўлган далиллар ҳақида юқоридаги бошлиқларга ёзаман дер эди.

Инспекторга пўписа қилиб кўйишга қарор қилинди. Бунинг йўли ва ижрочилири ҳам топилди.

Вилоят ижроқўми ИИБ ДАИ инспектори Ф. Камолов Олимовга шаҳар ташқарисидан, Сангзор дарёсининг қирғоғида дам олиб келишни таклиф қилди. Сафарга беозор машаат тусини бериш учун иккита аёл — М. Исоқова ва Г. Дониёровани ҳам таклиф этишди. Камолов Олимовни уйдан олиб кетди, йўлда егулик харид қилиниб, эсон-омон Сангзор бўйига етиб келишди.

Жой эса олдиндан белгилаб қўйилган эди. Дам олувчиларни И. Исоқов, О. Орипов ва О. Абдуазизовлар осонгина топишди. Уларнинг вазифаси Олимовга «руҳий таъзия» ўтказишдан иборат эди. Аммо Исоқовнинг автоинспектор билан ўз ҳисоб-китоби бор экан. Ленинободдан Жиззахга чайқовчиларни олиб келаётганда унинг машинасини Олимов тўсган, тўхтаган эди...

Исоқов Олимов билан бошлаган даҳанаки жангга Орипов нуқта қўйди. Инспекторни тепган эди, у йиқилди. «Операция» қатнашчилари бараварига унга ташлашди. Қалтаклаш борган сайин даҳшатли тус олар, Олимовнинг бошига, қорнига аямасдан урардилар. Исоқовга бу ҳам кам кўринди. Четга чиқиб, ердан бўш шиша олди-да тошга уриб синдириди, унинг ўткир қиррасини Олимовнинг бўйнига тиқиб юборди.

Шундан сўнг пичоғи билан Орипов билан биргаликда Олимовнинг бошини узиб олдилар. Олимовнинг танасини ва бошини ДАИ инспектори Камолов машинасининг юқонига солиб катта йўлга чиқарди. У ерда мурдани Ориповнинг уазигига юклашиб Самарқанд вилояти мавзегига олиб боришиб, каналга ташлаб юборишди.

Жиноят иштирокчилари изларни йўқотишиб Жиззахга қайтадилар. Эртасига Камолов Қаршибоевга юз берган воқеа ҳақида хабар берди. Милиция шаҳар бўлимининг бошлиғи қандай йўл тутди, деб ўйлашди? Хизмат вазифасига хилоф равишда у жиноий иш қўзғатмади, қотилларни тутиш учун чора-тадбир кўрмади. Аксинча, Олимов чўкиб кетди деб ҳамманг айтасан деб Камоловга топшириқ берди. Устига-устак шаҳар ИИБ шахсий таркиби ва шаҳар жамоатчилиги кучи билан гўёки чўкиб кетган ДАИ инспекторини каналдан қидиришни ташкил қилди, қидирув ва терговни тамомила нотўғри йўлга солиб юборди.

Олимовнинг мурдасини Чироқчи туманидан топишди. Қотилликнинг иштирокчилари жазодан қочиб қутула олмадилар. Иш судда синчиклаб ўрганиб чиқилди. Инкор қилиб бўлмайдиган жиноят белгиларигина ҳисобга олинди. Дарвоқе, милиция собиқ полковниги Қаршибоев — судда кўп айбларига икром бўлиб енгиллик қилишни сўради — ўн йилга озодликдан маҳрум қилинди. И. Исоқов ўн беш йилга, О. Орипов ўн тўрт йилга, А. Абдуазизов беш йилга, Ф. Камолов тўрт йилга, Г. Дониёрова икки йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Сирдарё вилоят судининг ҳукми ҳам жумҳурият, ҳам иттифоқ идораларидан ўтиб юқори малакали ҳуқуқшунослар томонидан кўп марта текширилди ва ўз кучида қолдирилди. Мана шундан кейин, суд ҳукми ҳақида тортишнинг қонуний имкониятлари тамом бўлганидан кейин ёшлар ойномаси ишга тушди. Ишнинг асл моҳияти билан на мақолани тайёрлаган муҳбир, на ойнома муҳаррири қизиқди. Бутунлай бошқача йўл танлаб олинди. Мақолага ҳеч қандай аниқ асослари бўлмасдада Узбекистонга «десант» қилиб юборилган, жумҳуриятимизда ёмон кўриниб қолган терговчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари бўлган Дидоренко, Гайданов, Лаптев ва бошқаларнинг номларини киритишган. Суд улардан кўрққан эмиш. Хўш, айтилган, бу жиноий ишга уларнинг қандай алоқаси бор? Суд Жиззах шаҳар ИИБда носоглом вазият яратган ва порахўрлик билан курашмоқчи бўлган ДАИ инспектори Олимовнинг ўлдирлишига алоқаси бор шахсларни юқори мартабали бўлишига қарамай айбдор деб топди ва жазо берди. Агар мана шундай ҳукмдан кейин кўрқиб керак бўлса, фақат бошқа томондан, масалан, бирдан «Еш куч» ойномасида ёмон отлик бўлишдан кўрқиб зарур. Кейин ойномадаги асоссиз мақолани «Жиззах ҳақиқати» вилоят газетаси кўчириб босди. Мақсад аниқ: ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг четдан жўнатилган раҳбарлари номи билан жамоатчиликни қизиқтириш ва Жиззахда юз берган қотиллик иштирокчиларини ҳимоя қилишга рағбатлантиришдир. Чиндан ҳам мана шундай мақолалардан сўнг юқори суд идораларига хатлар тушди. Хатларга ҳатто халқ депутатларининг имзолари қўйилган. «Муҳарририят ишга тушуниб етган» деб ўйлашган-да.

Аслида мен мақола юзасидан «Еш куч»га мурожаат қилганимдан сўнггина журналист Ш. Акбаров ишни кўриш учун биринчи марта(!) Гулистонга келди. Утирди, ишни варақлади ва жўнаб кетди. Журналхонларни ҳақиқий аҳвол билан таништиришга шошилмаяпти. Бунинг қанчалик зарурлигини эса ўзингиз кўриб турибсиз.

У. РАСУЛОВ,

Сирдарё вилоят судининг жиноий ишлар бўйича судлов коллегияси раиси.

[«Правда Востока» рўзномаси, 1991 йил 2 апрель].

ҚАЙНАР

ИШИ:

ҲАЛИ

МУНОЗАРА

Ҳурматли Сирдарё вилоят халқ судининг жиноий ишлар коллегияси раиси ўртоқ У. Д. Расулов!

Энг аввало, сизга иккинчи малакавий даражага эга судья унвони берилгани билан табриклайман.

Мен 1991 йил 2 апрелда «Правда Востока» рўзномасида босилган «Суд ва қайта судловлар» номли мақолангизни диққат билан ўқиб чиқдим.

Иккаламизнинг ишимиз бўйича яна «Человек и закон» ойномасининг 1989 йил 9-сонида мақола чоп қилинган, ҳатто «Ойнинг қоронғи томони» деган кинофильми суратга олишга, уни Марказий ойна-жаҳон орқали кўрсатишга улгуришган. Бошқа оммавий ахборот воситаларида ҳам мазкур жиноий иш бўйича чиқишлар бўлди.

Сиз «Правда Востока»даги мақолангизда суд ҳукми ҳақида тортишнинг барча қонуний имкониятлари тамом бўлганидан кейин баҳсга ёшлар ойномаси — «Еш куч» қўшилди, деб айтибсиз.

Мен эса аксинча, йўқ ҳали имкониятлар тамом бўлмаган, дейман. Шу сабабли ҳукмингизнинг қонуний ва беғаразлиги хусусида қаттиқ туриб изчиллик билан баҳслашавераман.

Сиз журналист Ш. Акбаров «ишнинг ҳақиқий аҳволи билан журналхонларни таништиришга шошилмаяпти» деб гина қилган экансиз.

Далилларга, сиз талаб қилганингиздек, журналхонларнинг ўзи баҳо берсин деб мен ушбу мақолани жиноят иши ҳужжатларига суяниб ёздим.

Жиноий ишнинг барча жилдлари билан мен танишиб чиққанман. Маълумингизким, иш билан дастлабки тергов тамом бўлган пайтдан то бугунги кунга қадар шўғулланиб келмоқдаман.

Сиз ўз мақолангизда ишни синчиклаб ўрганганман, деб айтгансиз. Ҳукмни Сиз чиқаргансиз, сизга кўпроқ аён.

Менимча, журналхонларни ҳақиқий аҳвол билан таништириш пайти келди. Судланувчилар нима билан айбланганларини такрорлаб ўтирмайман.

Жиззах — Рашидовнинг ватани. Шунинг учун ҳам бу ерда шов-шув бўладиган иш қилиш керак эди. ДАИ инспектори Олимовнинг ғойиб бўлиш воқеасидан полковник Қаршибоев ва унинг атрофидаги одамларни йўқ қилиш, сўнг улар орқали бошқа юқори мартабали кишилар устидан жиноий иш қўзғаш учун фойдаланишга қарор қилишди.

Улмас Дониёрович, ўрни келиб қолгани учун мақолангизнинг бир жиҳатига тўхталиб ўтмоқчиман. Сиз Дидоренко, Гайданов, Лаптевларнинг бу ишга мутлақо алоқаси йўқ, деб айтганлигингиз мени тонг қолдирди. Ахир, ишнинг 254-бетидан шу иш юзасидан махсус тергов гуруҳи тузиш ҳақида фармойиш тикилган бўлиб, уни Гайданов билан Дидоренко имзолаган-ку?!

Жиноий иш ҳужжатларида ўлдирилган (аслида бедарак йўқолган) ДАИ инспектори Исоқ Олимов,

ҚАРШИБОЕВЛАР

ҚАРШИБОВ

ҲАҚИҚАТ

ОЙДИНЛАШГАН ИҶҚ. ДАВОМ ЭТАДИ.

Собиқ милиция полковниги Қ. Қаршибов ва бошқаларнинг жиноий иши юзасидан тергов ишлари юзаки ва бир ёқлама ўтганлиги ва суд жараёни шошма-шошарлик ва юзаки борганлиги хусусида ойнома ўз саҳифаларида бир йилдан буён судланувчи ва гувоҳларнинг, журналист ва муштарийларнинг фикр-мулоҳазалари, ҳамда эътирозларини ёритиб келмоқда, Афсуски, масъул ўртоқлар тилга олинаётган жиноий иш юзасидан қониқарли жавоб бермаётирлар. Ушбу жиноий ишни шахсан ўз назоратингизга олишингизни ва ҳақиқат тантана қилишида ёрдам беришингизни олтиюзминглик муштарийлар номидан илтимос қиламиз.

Таҳририят.

унинг дўсти ДАИ инспектори Фафур Камолов, таксичилар: Ориф Абдуазизов, Икром Исоқов ҳамда УАЗ—452 машинасининг шофери Омон Орипов, Мавлуда Исоқова, Гулзода Дониёрова, Тишликов, Абдурахимов ва Олимовдан ўч олишнинг «ташкilotчи»си полковник Қаршибовларнинг номлари қайд қилинган.

Одам ўлдиришда ва бунга алоқадорлиги учун олти киши — Исоқов, Орипов, Абдуазизов, Камолов, Қаршибов, Дониёровлар судланганлар.

Бутун айбнома ва чиқарилган ҳукм терговда айбланувчилардан ноқонуний усуллар билан олинган, бир-бирига зид, ноизчил кўргазмаларга ҳамда суд нима учундир «сезмаган», тергов томонидан қалбакилаштирилган процессуал ҳужжатлар асосига қурилган.

Фафур Камолов

Фафур Камолов иш бўйича воқеанинг асосий иштирокчиларидан бири. Унинг кўргазмалари ҳукмда муҳим рол ўйнаган. Жумладан, ҳукмнинг 18,20-бетларида «ҳаммамизни Қашқадарё вилоятига олиб келгач, дўстим учун воқеа қандай бўлса шундай гапириб бера бошладим ва ишдаги кўргазмаларимни тўла равишда тасдиқлайман» деган гаплари келтирилган.

Хўш, энди Камоловнинг «тўғри» кўргазмаларини тадқиқ қиламиз.

1986 йил 6, 7 августда бўлган сўроқда у индамаган, гапирмаган, юқори идоралардан одамлар келишини кутганми?..

1986 йил 9 августда уларни Қашқадарё вилоятига олиб кетишди ва у ерда ҳаммасини «ўз ихтиёри билан гапириб берди...»

«Ҳозир нима деган бўлсам, кейин ҳам шундай дейман».

Камоловни сўроқ қилиш протоколдан (2-жилд, 120-варақ.)

«Биз томонга икки киши келаётганини кўрдим... Шу икки кишидан бири Ориф (Абдуазизов) эди. Иккинчиси баланд бўйли, у ҳам такси минади, исми Икром (Исоқов). Исоқ (Олимов) билан гаплашиб олишимиз керак, дейишди улар...»

Шу ерда гаплашаверинлар десам кўнишмади. Икром (Исоқов) Исоқ (Олимов)нинг олдида кетди. Ориф (Абдуазизов) менга, жойиндан қимирлама деди ва машинага қараб юрди. Машинанинг олдида у нима қилди — билмайман. Ориф (Абдуазизов)нинг юзида ниқоб бор эди.

Икром (Исоқов) Исоқ (Олимов)ни машинадан четга олиб чиқди. Ориф (Абдуазизов) орқасидан борди. Икром (Исоқов)нинг қўлида ип кўрдим.

Мен «вой» деган товушни эшитдим. Товушни эшитишим билан улар турган томонга қараб чопдим,

Ориф (Абдуазизов), қўлида пичоқ, йўлимни тўсиб чиқди ва агар ўрнингдан қимирласанг сўйиб ташлайман деди.

Бу пайтда Исоқ билан Икром ерда ётарди. Мен товушни эшитган пайтда Икром (Исоқов) Исоқ (Олимов)нинг орқасидан бориб, ип билан бўға бошлаганини кўрдим...

Мен ўзимни йўқотиб қўйдим, кўрпача ва Исоқ (Олимов)нинг кийимларини олдим.

Орадан бирмунча вақт ўтгач, машинанинг юқдонига ниманидир солишганини сездим. Мен машинани «Тошкент—Самарқанд» йўли бўйлаб Жиззах томонга ҳайдаб кетдим.

Жиззах ёқдан номерсиз ВАЗ—2106 автомашина етиб келди ва мен тўхтаган жойда машинанинг ортида тўхтади. Ориф (Абдуазизов) калитларни олди ва юқдондан ниманидир олишди.

Энди Камоловнинг қўидаги баёнот ва кўргазмаларига эътибор берамиз (2-жилд, 127-203(210) варақлар):

«Биз томонга икки киши келарди, уларнинг бири Ориф (Абдуазизов), иккинчиси барвастан келган...»

Кўрқувдан ўзимни йўқотиб қўйдим. Улар юқдонга нимадир солишди. Иккаласи машинага ўтиришди. Машинани мен ҳайдаб кетдим. Катта йўлда тўхтадим. Юқдондан ниманидир олишиб, бошқа машинага юклашди, у машина Самарқанд томонга жўнаб кетди».

20 метрча нарида икки киши бизга қараб келарди.

Улардан бири Исоқ (Олимов)ни кўрсатиб «Мана у» деди. Уни овоздан танидим — Ориф (Абдуазизов) эди. Юзида аёлларнинг пайпоғига ўхшаган нимадир бор эди. У билан келган ўрта бўйли кишининг юзида ҳам худди шундай нарса тўсилганди. Мен уни танидим... Ориф (Абдуазизов) пичоқ чиқарди ва сўяман деди. Кўрқанишдан ўзимни йўқотиб қўйдим.

Тўсатдан иккинчи нотаниш киши Исоқ (Олимов)ни ип билан бўғаётганини кўриб қолдим, иккаласи ерга йиқилди.

Мен нарсаларни жойлаётганимда нотаниш одамни таксичи Икром (Исоқов)га ўхшатдим. У олишаётганда юзи очилиб қолди. Бу ўша қонхўр Икром (Исоқов) эди...

Ориф (Абдуазизов) менга калитларни берди ва машинани ҳайда деди. Уларнинг иккаласи ҳам ниқобда эди. Мен машинани Жиззах — Самарқанд йўлигача ҳайдаб бордим ва Жиззах томонга қараб кетдик. Номерсиз, сарғиш рангли Ваз—2106 «Жигули» машинаси пайдо бўлди. Мен тўхтадим, у машина орқасига келиб тўхтади. Ориф (Абдуазизов) мендан калитларни олди. Мен кейин нима бўлганини билмайман, чунки мен машина рулида эдим».

Камоловнинг 1986 йил 3 сентябрда берган кўр-

газмасидан (2-жилд, 256-варақ):

«Икки киши келди. Уларнинг бири Ориф (Абдуазизов), иккинчиси — Икром (Исоқов) Олимовни бўға бошлади...»

...Ориф Абдуазизов Исоқнинг нарсаларини кўтар деди. Мен нарсаларни олаётганимда Икром Исоқ билан олишаётган эди. Шу пайтда Икромнинг юзи очилиб қолди...

...Менинг машинам ортидан ВАЗ—2106 «Жигули» машинаси тўхтади... Менинг машинадан Ориф билан Икром чиқишди. Мен Икром Исоқни қандай бўғаётганини кўрдим, аммо жасадни машина юқдонига юклаганини кўрганим йўқ. Ориф (Абдуазизов) калитларни сўраган эди, бердим. Кейин юқдонини очишди ва мен юқдонга қандайдир оғир юкни юклаганини сездим, сабаби машина силкиниб, орқа қисми чўкиб қолди.

Мен Исоқ (Олимов)нинг жасадини Ориф (Абдуазизов) билан Икром (Исоқов) юқдонга юклаганини пайқадим. Улардан бошқа ҳеч ким йўқ эди... Икром қўйнидан арқон олди».

Қадрли журналхон, Камолов ўзининг «ҳаққоний» кўргазмаларида воқеа жойида фақат Абдуазизов ва Исоқов бўлганини, улардан бошқа ҳеч ким бўлмаганини тўғрисида гапирганига алоҳида диққат қилишингизни сўрайман.

Терговнинг бошдан-охиригача Икром Исоқов иқдор бўлувчи кўргазма бермаган ва ўзига қўйилган айбни қаттиқ туриб инкор қилган.

Ориф Абдуазизов

Камоловнинг кўргазмалари бўйича Ориф Абдуазизов қотилликнинг иккинчи қатнашчиси. Хўш, у қандай кўргазма ва баёнотлар берган? Ишнинг 2-жилд, 245-, 239-варақларида ўқиймиз:

«Мен, Ориф Абдуазизов 1986 йил 1 сентябрдаги кўргазмамни тасдиқлайман. Исоқ (Олимов)ни мен ўзим шахсан пичоқ уриб ўлдирдим. Мен Фафур Камоловга топшириқ бажарилганини айтдим».

Азиз журналхон, иш ҳужжатларидаги «ҳаққоний» кўргазмаларда қотилликнинг икки қатнашчиси — такси минувчилар: Абдуазизов билан Исоқовнинг номлари тилга олинганини ҳамда жасад номерсиз 2106 сарғиш рангли «Жигули»га юклаганини эслаб қолдингизми?

Ҳозирча синиқ шиша — у билан гўё Исоқ Олимовнинг бўйни кесилган — ҳақида ҳеч гап йўқ. УАЗ—452 63—84 ДДВ номерли машинанинг ҳайдовчиси Омон Орипов ва машинанинг ўзи ҳам йўқ.

Жиноий иш бўйича тергов воқеалари бундан кейин қандай давом этди? Буни ҳозир кўраемиз. Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими бошлиги милиция полковниги Қаршибов қотилликни ташкил қилган деган шубҳа билан қамоққа олинди.

1987 йил 7 майда Қаршибов сўроқ пайтида қотил-

ИШИ БОШДАН-ОЁҚ ТЎҚИБ ЧИҚАРИЛГАН

(«Суд ва қайта судловлар» мақоласининг муаллифига жавоб)

ҚАЙНАР ҚАРШИБОВЕВ

ИШИ: ҲАКИКАТ ҲАЛИ

ОЙДИНЛАШГАНИ ЙҮҚ.

МУНОЗАРА ДАВОМ ЭТАДИ.

ликнинг ташкилотчиси Абдурахимов деб айтиди. (13-жилд, 158-варақ).

Яна Абдуазизовнинг кўргазмаларига қайтайлик: «Таксининг ёнида эдим, орадан ярим соатча ўтди. Омон Орипов мени чақирди, мен борганимда, у Икром Исоқов билан оқ рангли А—02-55 ДД номерли машина ёнига келди.

Унинг қўлида қоп бор эди, қонни кўрдим» (3-жилд, 7, 89, 95, 96-варақлар).

Мана энди, журналхон, кўргазмаларда Орипов ва жиноий қидирув бўлимининг ходими Бурҳон Абдурахимов, сал кейинроқ эса катта терговчи Тишликов пайдо бўлади.

Абдуазизов: «Орипов менга пичоқ қадади. Икром ҳам қўлида пичоқ билан келди: мен: «нима қилмоқчисизлар», деб сўрадим Орқамдан Ғафур Камолов, қўлида монтировка, келди, сўқди ва «буюринган ишни қил!» деди. Орипов, бир қўлида пичоқ, иккинчи қўли билан яна бир пичоқ олди ва сен биринчи бўлиб қорнига пичоқ урасан деди. Мен «Кимга!» деб сўрадим. Исоқов, деб жавоб беришди. Агар пичоқ урасанг, биз сенинг ўзини ўлдириб, ўлигини сувга ташлаб юборамиз деди Икром Исоқов. Қўрқанимдан турган жойимда туриб қолдим, мени Ғафур Камолов шошилтирди. Қўрқанимдан мен Олимовнинг қорнига пичоқ уришга мажбур бўлдим. Пичоқни ерга ташлаб юбордим».

Абдуазизов: «Одам ўлдиришга Орипов мажбур қилди ва менга кнопкали пичоқ берди, ўзи бошқасини олди». (3-жилд, иш варағининг 95, 96-бетлари).

Хукмдан кўчирма (24-бет): «Орипов ва Абдуазизов ўзларининг айбига иқдор бўлиши уёқда турсин... жавобгарликдан қочмоқчи, судни чалғитмоқчи бўлишди... Орипов ва Абдуазизов дастлабки терговда берган кўргазмаларидан қайтишди... Дастлабки тергов чоғида Орипов ва Абдуазизов Олимовни қандай қилиб ўлдирилганлигини батафсил баён қилишган ҳамда ўз қўллари билан ёзиб беришган».

Абдуазизовнинг кўргазмаларидан маълумки, у Олимовнинг қорнига биринчи бўлиб пичоқ урган ва Ориповнинг пичоғи билан уни ўлдириган. Лекин экспертизанинг хулосасига кўра мурданинг қорнида ҳеч қандай пичоқ яраси ва бошқа яралар ёки шикастланишлар бўлмаган. Абдуазизов Олимовнинг қорнига пичоқ уриб қотиллик содир қилганига иқдор бўлапти, хукмда эса у 6 йил озодликдан маҳрум қилинган? Бунинг устига Абдуазизов ўз айбини бутунлай инкор қилапти. Бунисига нима дейсиз, ўртоқ Расулов?

Бурҳон Абдурахимов ёки унинг сарғиш машинаси

Энди жиноий ишнинг янги иштирокчиси Бурҳон Абдурахимовга кулоқ тутайлик. (5-жилд, 11, 13, 14, 32-варақлари):

— «Мен сой бўйига келиб Исоқ [Олимов]нинг ётганини кўрдим. Боши йўқми — билмайман. Мурдани менинг машинамага юклашди. Икром Исоқов Олимовнинг бошини Қаршибоев буюрганидек машинанинг юқдонига жойлаганини айтиди.

Селофан халтага солинган бош юқдонда ётганини кўриб мен Қаршибоевларникига жўнадим, у уйдан чиқди, мен унга бўлган ишни гапириб бердим. Қаршибоев Олимовнинг бошини биронта қабристонга кўмиб ташлашни буюрди. Тишликов, катта терговчи, Олимовнинг бошини қандайдир қабристонга кўмиб юборганлигини айтиди».

Терговчининг саволига шундай жавоб беради: «Мен ўйлаб, аниқ эсладим, Ғафур (Камолов)нинг машинаси олдига келганимда Исоқнинг мурдасини кўрдим, боши бор эди. Менинг машинама 25 метр нарида эди, бош, эҳтимол Самарқанд атрофларида кесилган бўлса керак». (3-жилд, 5-варақ).

Ишда нима учун кутилмаганда Тишликов пайдо бўлди. Уни Камолов «тортди», сабаби воқеани янада ривожлантириш учун 2106 номерсиз «Жигули» зарур эди-да. Тишликов билан Бурҳон Абдурахимов иккаласи дўст, «Жигули»дан бирга фойдаланишар эди.

Камоловнинг «изчил», «ҳаққоний» кўргазмаларидан яна бири: «Орипов Олимовнинг бошини кеса бошлади, лекин охирига етказмай пичоқни Исоқовга берди, сўнг Орипов бошни селофан халтага солиб, тепаликда пайдо бўлган Бурҳон Абдурахимовга берди. Бурҳонни товўшига қараб танидим, чунки у «тезроқ» деб бақирди». (3-жилд, иш варағининг 4-бети).

Яна Ғафур Камолов: «Олимовнинг бошини Ори-

пов, сўнг Икром Исоқов кесди, Орипов бошни селофан халтага солиб, тепаликда пайдо бўлган Бурҳон Абдурахимовга берди. (Воқеа содир бўлган жойни текшириш протоколи, 1987 йил 5 март, 5-жилд, 278-варақ).

Тергов шу тариқа силлиқина давом этаяпти гўё, Камолов, Абдуазизов, Абдурахимов, Қаршибоевлардан иқдорлик кўргазмалари олинди.

Мурдани Камоловнинг машинасидан олиб номерсиз 2106 «Жигули»га юклашганлиги ҳақида юқорида ўқидингиз-а? Бироқ айна шу номерсиз 2106 «Жигули»га келганда тергов бир жойда депсиниб туриб қолди. Сабаби Абдурахимов ўз кўргазмасидан қайтди. Тишликовдан «пичоққа илинадиган» гап чиқмади. Буям майли-я, буни қарангки, иккаласи миниб юридиган ва гўё Олимовнинг мурдаси юкланган «Жигули»нинг ўзи аслида йўқ эканлиги маълум бўлиб қолди. Жиноий ишда «Жигули» ўша пайтларда техник хизмат кўрсатиш станциясида бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжат тикланган. Б. Абдурахимов, маълумки, иқдорлик кўргазмасини бериши, ундан қайтиши, яна иқдор бўлиши ва ўз кўргазмаларини рад этиши мумкин. Тергов учун бундай муаммолар чўт эмас. Аммо Абдурахимовни Қаршибоев, Икром Исоқов, Абдуазизов, Камолов, Тишликов ва бошқалар билан боғлаш имкониятини берадиган «Жигули»га терговнинг тиши ўтмай қолди.

Мана шу ерга келганда ишда Ориповнинг УАЗ—452 машинасига зарурат туғилди. Ёдингизда бўлса, Камолов ўзининг дастлабки «ҳаққоний» кўргазмаларида Ориповнинг машинаси ҳақида лом-мим демаган эди. Аммо «Жигули» борасида тергов боши берк кўчага кириб қолгандан сўнг Камолов дарҳол тергов учун зарур кўргазмалар берди, аммо, улар унинг илгариги «ҳаққоний» кўргазмаларига зид эди.

Мана, Камоловнинг 1987 йил 20 августдаги кўргазмаси: «Исоқов кўрпачада ўтирган Олимовнинг олдига бориб унинг қўлларини орқасига қайирди. Орипов бўлса Олимовнинг човига уриб, уни ерга йиқитди».

Кейин нима бўлганини Камолов эс-эс билади, афтидан Орипов Олимовнинг бошини кеса бошлаган, кейин пичоқни Исоқовга берган.

«Мен [Камолов] Олимовнинг кийимларини олиб машинамага кўйдим, УАЗ—452 машинасини Орипов ҳайдаб келди ва мурдани унинг машинасига ортишди...»

Шундайми? Ориф Абдуазизов буни инкор қилади. (5-жилд, иш варағининг 71-бети): атрофга аланглаб Олимовнинг бошини Ғафур Камоловнинг қўлида кўрдим, у бошни машинасининг юқдонига жойларди. Энди Ориповнинг иқдорлик баёнотини ўқиймиз (1986 йил 3 ноябрь):

«Машинами тўхтатиб, унинг чироғи ёруғида Икром Исоқов Олимовнинг бўйнига нимадир ташлаб бўғаётганлигини кўрдим. (3-жилд, 102-бети). Мен уларни ажратмоқчи бўлганимда Исоқов унинг бошини кесиб бўлган эди.»

Орипов ўзининг бу кўргазмаларидан кейин қайтади. Терговда ҳам, судда ҳам айбига иқдор бўлмади.

Орипов, Абдуазизов ва бошқалар нима учун айбига иқдор бўлиб, кўргазма беришди-ю, кейин ундан қайтишди? Бунинг сабаби қуйида маълум бўлади.

Мавлуда ИСОҚОВА

Мавлуда Исоқова ва Гулзода Дониёрова дастлабки терговда ва суд терговда ноизчил, бир-бирига зид кўргазмалар берадики, уларнинг гаплари самимий эканлиги қишда шубҳа уйғотади.

«Абдуазизов қаердандир латтага ўхшаган нарса олиб келиб, унга кесилган бошни ўраб Камоловга берди. Камолов юқдонни очди, Олимовнинг жасадини кўрпачага қўйишди». (3-жилд, 138, 176, 180-варақлар).

«Омон Орипов шисани синдириб, у билан Олимовнинг бўйнига урди».

Журналхон, бундан буёғига ип ва арқонга дуч келмайсиз, энди ишда шиса пайдо бўлади.

«Олдинига Икром Исоқов, кейин Орипов бошни кесибди, Орипов қон оқиб турган бошни кўрпача устига ташлади» (5-жилд, 82, 243-варақлар), 1987 йил 5 мартдаги кўргазмаларида эса Исоқова бунинг аксини гапирган, яъни Олимовнинг бошини Орипов кеса бошлади, деб айтганди.

Мавлуда Исоқова ўзининг кўргазмаларида ва Қаршибоев билан юзлаштиришганда шисанинг синган қисми билан Олимовнинг бўйнига Орипов эмас, Икром Исоқов урган деб айтиди. (5-жилд, 243-варақ).

Мавлуда Исоқова 1987 йил 16 сентябрда (13-жилд, 243-варақ) 1987 йил 8 сентябрда, 1987 йил 16 сентябрда (232, 243-варақ), 1987 йил 10 апрелдаги (6-жилд, 275-варақ) ҳам айна шундай кўргазмалар берган.

Гулзода ДОНИЁРОВА

Дониёрованинг кўргазмаларида бунинг аксини кўрамай, яъни Икром Исоқов шисани синдириб Исоқовнинг бўйнига урган, Орипов Олимовнинг

қонли бошини сочларидан ушлаб турганлигини кўрган. Қон отилиб чиқаётганда у тескари қараб олган, бир минутдан кейин Орипов бошни ушлаб турганини кўрган.

Олимовнинг нарсаларини машинага Камолов эмас, унинг ўзи жойлаган. (13-жилд, 228, 259-варақлар).

1986 йил 24 декабрдаги сўроқда Олимовнинг бошини кесиб қўйганда пичоқни у кимнинг қўлида кўрган эдингиз, деган саволга: «Мен пичоқни фақат Абдуазизовнинг қўлида кўрдим, бошқаларга эътибор бермадим» деди. (3-жилд, 321-варақ). У шу сўроқнинг ўзида Абдуазизов латтага ўхшаган ниманидир олиб, Олимовнинг оғзига тикди, деб жавоб беради.

Сўнг, бундан деди: «Ғафур Камолов Исоқ Олимовнинг оёқларидан ушлаб турди, Олимовнинг бошини Орипов қопга солди. Жасадни Ғафур, Омон, Икром Ориповлар Камоловнинг машинасига юклашди».

Дониёрова 1986 йил 30 декабрда Абдуазизов, мен ва Мавлуда Исоқованинг олдига келиб, қора сопли пичоғини ўқталиб кўрқитди, шисанинг синганини эшитиб, тескари ўгирилиб олдим деб кўргазма берган эди (5-жилд, 56-варақ).

Қаранг, у тескари ўгирилиб олибди ва ҳеч нарсани кўрмабди. Бироқ Олимовнинг бошини пичоқ билан қандай кесганини кўрибди. Унинг кўргазмалари шу тариқа ўзгариб беради.

Кейин қотиллик пайтида Абдуазизов Олимовнинг қўлларини (5-жилд, 239-варақ) ушлаб ёрдам берган, қон менинг ва Мавлуда Исоқованинг кўйлагига ҳам теккан деб кўргазма беради.

Қуйидаги кўргазмаси эса (тескари ўгирилиб, ҳеч нарсани кўрмаганидан кейин) бундан ҳам батафсилроқ: «Исоқов Олимовнинг бошини охирига кесмай, пичоқни Ориповга берди, у бошни кесиб олди».

Дониёрованинг 6-жилд, 277, 279-варақларидаги кўргазмалари ҳам шундай мазмунда берилган.

Хукмдан кўчирма (17, 20, 23-бетлар):

«Суд мажлиси давомида Камолов Ғафур... 1986 йил 9 августда Қашқадарё вилоятига олиб кетишди, деб кўргазма беради. Дониёрова Гулзода УзССЖ ЖК 169-моддасининг 2-қисми бўйича ўзини айбдор деб ҳисоблайман, деди...»

Ғаллаорол туманидаги Багар станциясида яшовчи ота-оналаримникига кетдик. Ҳеч кимга ҳеч нарса демадик ва хабар бермадик. 1986 йил 7 августда Исоқова билан Жиззахга келдик. Сангзордан ўтаётган жуда кўп милиция ходимларини кўрдик. Кечқурун бизни Бурҳон тўхтатиб ва Қаршибоевнинг кабинетига олиб кирди... Терговчи Файзуллаев келди, бизни ўзи билан олиб кетди, сўроқ қилди. Олимовнинг чўкиб кетгани ҳақида гапирди... 1986 йил 9 августда вилоят прокуратурасида конвой остида юрган Камоловни кўрдик. Ундан энди нима бўлади, деб сўрадик. У, йиғламанлар, Сизларни тезда қўйиб юборади, деди. Уша куни Исоқова у билан эрталабгача бирга бўлди, улар нима ҳақда гаплашди, билмайман».

Қадрли журналхон, мана биз Дониёрова, Мавлуда Исоқовларнинг Абдуазизов, Орипов, Икром Исоқовларга нисбатан берган кўргазмалари қаёқдан келди деган саволнинг ечимига бориб етдик.

Дониёрова ва Мавлуда Исоқова Олимовнинг ўлдирилиши тўғрисидаги кўргазмаларини қамоққа олиган Камолов билан эрталабгача бирга бўлгандан сўнг беришган. Уларни бирга бўлишига йўл қўйиш эса УзССЖ ЖК 127, 135-моддаларига хилофдир.

Ҳақиқатан ҳам тергов пайтида айбланувчилар бир-бирдан ажратилмаган, уларнинг ўзаро келишиб олиши учун тўла имконият берилган.

Хукмнинг 23-бетида Мавлуда Исоқованинг қўлга олинган Камолов билан эрталабгача бирга бўлганлиги очиқ-ойдин акс этган. Уларнинг одам ўлдирилиши тахминий фикри бўйича ва сўроқ пайтида ўзини қандай тутиш тўғрисида келишиб олишлари учун етарли вақтлари бўлган. Шунинг учун ҳам улар бир-биригагина эмас, ҳар бири ўз-ўзига ҳам зид гапиришган.

Ахир хукмда Исоқова ва Дониёрова кўргазмалари ўртасидаги қарама-қаршиликни майда деб қандай айтиш мумкин; бири Олимовнинг жасадини Камоловнинг машинасига қопда солишган деса, иккинчиси кўрпачада дейдики, бу қарама-қаршилик ҳатто суд терговда ҳам бартараф қилинмаган.

Ахир Мавлуда Исоқова Орипов кесиб олинган бошни кўрпачага ташлади деган-ку! (5-жилд, 82-варақ).

Қотиллик Камолов, Дониёрова, М. Исоқова баён қилганидек юз берган бўлса, у ҳолда кўрпача қон бўлиши керак эди. Лекин Мирзаев ва Жўраев каби гувоҳлар суд мажлисида кўрпача тоза, ювилмаган, асл ҳолда қайтарилганлигини айтдилар.

Экспертизанинг хулосасига кўра (№ 44-МД-АР) кўрпачада қорамол доғи бўлган, одам қони топилмаган.

Суд мажлиси давомида Камолов бир-бирига зид кўргазмалар берди. Унинг айтишича, воқеа юз берганда у кийимсиз бўлган, Икром Исоқов ип ёки арқон билан Олимовни бўғганлигини эслай олмайди, ҳеч қанақа ниқоб бўлмаган.

Суд мажлисида оқловчилар ёрдамида Камоловда «Макаров» пистолети патронлари билан мўъжаз рация бўлганлиги аниқланди, ўша пайтда уларни қаерга қўйганлигини эслаш олмаслигини, пистолетни қини билан юкдонга солганлигини айтди.

Тергов эса унинг қуроли ва рацияси борлигини яширган. Нега?

Адвокатнинг нима учун қуролини ишга солмадигиз, рациядан фойдаланмадигиз, деган саволига «мен пистолет ва рациядан фойдаланмаганимнинг сабаби шуки, жиноятчиларга жиноят ҳақида ҳозирча оғиз очмайман деб сўз берган эдим» деб жавоб берди.

Кассация шикоятда Камолов ўзининг судда ва терговда берган барча кўргазмаларидан бутунлай қайтди. Эҳтимол, қўлга олинган биринчи кундан бошлаб оғзига нима келса шуни айтиб бевурд бўлиб қолганини тушуниб етгандир-да?

Мавлуда Исоқова суд мажлисида Камоловнинг милиция либосида бўлганини, Олимовнинг кийимларини Камолов эмас, Дониёрова жойлаганини, Олимовнинг жасадни кўрпачага солиб кўтарганда, унинг оёқлари кўрпадан чиқиб турганлигини айтди. Дониёрова 1987 йил 24-25 сентябрларда ўтган суд мажлисида Исоқов-Олимовнинг бошини қандай кесганини кўрмадим деди.

Ориповнинг Камоловга дўқ-пўписа қилганини ҳам кўрмаган.

Камолов қопни олиб келишга ҳеч қандай дўқ-пўписаларсиз, ўз ихтиёри билан кетган. Камолов қочиб кетишга урингани йўқ. Жасадни кўрпачага қўйишди, бошни қандайдир қорамтир халтага солишди. Камолов милиция либосида эди.

Дониёрова кейин қуйдагиларни айтди: Орипов бошни қандай кесганини кўрганим йўқ, бўйни, танаси кўрпача четига эди. Икром Исоқов шижани синдириб Олимовнинг бўйинини кесаётганини кўрганман. Абдуазизов ва Орипов унинг ёнида турган, Камолов 20 метрча нарида, машинасининг олдида эди.

Камолов жиноят содир бўлаётган жойдан 20 метрча нарида туриб пистолети борлигини унутиб қўйганлигини қаранг.

Бу ҳолат ҳукмда ўз аксини топмаганлиги кишини ажаблантиради.

Ҳукмнинг 25-бетида «Ориповнинг қотиллик ҳақидаги кўргазмалари Қаршибоевнинг кўргазмалари тафсилотларига мос келади, Орипов терговдаги кўргазмаларидан қайтганда текшириб кўрилди ва рад қилинди», дейилган.

Кўргазмаларнинг тафсилотлари қандай мос келишини юқорида келтирилган мисоллардан кўрдик. Зиддиятлар ҳукмнинг ўзида акс этганидан кейин тафсилотлар мос келганлиги ҳақида қандай гап бўлиши мумкин.

Ҳукмнинг 22-бетида Исоқов шижани синдирди ва Олимовнинг бўйинини кесди, деб айтади, шу ернинг ўзида Ориповнинг зарбидан сўнг Дониёрова тескари қараб олди, дейилган.

Суд УЗССЖ Прокуратураси алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси 2-даражали ҳуқуқшунос С. Ёқубов 1987 йил 24 сентябрда чиқарган қарорнинг батафсил тадқиқ қилиб чиққан. Унинг 2-бетида Олимовнинг бўйнига синиқ шиша билан Исоқов эмас, О. Орипов урганлиги кўрсатилган.

Мана сизга, азиз журналхон, майда-чуйда нарсалар.

Хўш, шундай қилиб шиша билан ким урди? Мавлуда Исоқова 1987 йил 1 декабрда суд мажлисида Орипов бошни аста кўрпачага қўйди деган, демак, кўрпача қон бўлиши лозим. Ҳолбуки, тоза бўлиб чиқди, 1987 йил 2 декабрда — эртасига Исоқова Олимовни шиша билан ким ўлдирганлигини билмайман деди. Яна қандай кўргазманинг мос келиши тўғрисида гап бўлиши мумкин?

«ИҚРОР»ЛИК Кўргазмалари қандай дунёга келди?

Орипов, Абдуазизов, Абдурахимов, Қаршибоевлардан энди биз терговда «икрор»лик кўргазмалари қандай олинганини таҳлил қилишга киришамиз.

Уларнинг ҳаммаси суд терговда қотиллик ҳақида ҳеч нарса билмасликларини, бу ишда қатнашмаганликларини, камерадошларининг жисмоний ва руҳий таъйиқи остида икрорлик кўргазмасини беришга мажбур бўлишганини айтишди.

Орипов тергов давридаёқ (6-жилд, 303-варақ) менинг собиқ милиция ходими эканлигим Холматов ва камерадошларимга маълум бўлса-да, Т. Холматовнинг кўрсатмасига биноан мени ашаддий жиноятчилар билан бир камерага қамашди. Абдурахимов, жиноий қидирув ходими, ҳам «икрор»лик кўргазмалари мана шу усул билан олинганлигини судда гапириб берди.

Абдуазизовга ҳам таъйиқ ўтказилган. 1987 йил 27 ноябрда суд мажлисида у «икрорлик» кўргазмаларини беришга камерадошларим Бадалов, Романов, Фозилловлар мажбур қилишди, ҳеч нарсани кўрганим йўқ ва ҳеч нарсани билмайман. Фозилловнинг ўзи айтиб турди. Қамоқхонада ўтирганимда Камолов билан суҳбатлашдим, бунинг учун мени жарима камерасига жўнатишди, деб кўргазма берган.

1986 йилда тергов изоляторидида бир иш бўйича қандай ҳушёрлик кўрсатишгани-ю, бир иш билан айбланувчиларни айри-айри сақлаш тартибини қандай бузишганини кўрдигизми? Маъмуриятнинг ўзи жиноий иш бўйича айбланувчиларни айри-айри сақламаган ва бунинг учун фақат Абдуазизов жабр кўрган, Камолов бўлса йўқ. Чунки Абдуазизовни эзиш, унга таъйиқ ўтказиш лозим эди.

Абдуазизов: «1986 йил 11 декабрда Фозиллов, Романовлар мени калтакладилар. 1986 йил 16 декабрда мени касалхонага ётқизишди. Фозиллов, мен йиқилиб тушдим ва сўрига урилиб кетдим, деб ёзасан деб айтди.

Бунгача ҳам калтаклашган, икрор бўлиб кўргазма беришга мажбур қилишган».

Абдуазизовнинг айтишича, Фозиллов ва Александр Романовга Ориповнинг милиция ходими бўлганлиги маълум экан, уларни кейин Исоқов билан бир камерага қўйишди.

Икром Исоқов изчиллик билан охиригача ўзининг айбдор эканлигини инкор қилиб келди ва унга ҳам қўлга олинган кундан бошлаб, ҳатто суд пайтида ҳам таъйиқ ўтказилганлигини айтиб берди.

1-тергов изоляторининг оператив вакили Шоди Нурдуллаев 1987 йил 18 декабрда, 1-тергов изоляторининг бошлиғи Пупков эса 22 декабрда суд мажлисида сўзга чиқиб собиқ милиция ходимларини, шунингдек, тергов изоляторига биринчи бор тушаётганларни рецидивчилар билан бир камерада сақлаш мумкин эмас деб айтдилар. Оқловчиларнинг милиция ходимларини бошқа судланганлар ёки айбланувчилар билан бирга сақлаш ҳоллари бўлиб туради, деган саволига бўлиб туради деб жавоб беришди.

Бундай қоидага хилоф ишлар 1-тергов изолятори ҳисобчи ходимларнинг айби билан рўй берар экан.

Аслида мумкин эмас, аммо ҳисобчи ходимлар айби билан хато ўтаркан-да.

Қаранг-а, Исоқов, Орипов, Абдуазизов, Абдурахимов, Камолов, Қаршибоев ва бошқаларга жисмоний ҳамда руҳий таъйиқ — яна қандай таъйиқ денг — фақат ҳисобчи ходимлар хатоси билан ўтибди эмиш.

Қотилликнинг сабаби борми?

«Суд ва қайта судловлар» мақоласида И. Исоқов Абдуазизов, Ориповлар Олимовга руҳий таъйиқ ўтказмоқчи бўлишган. Лекин Олимов бир пайтлар Исоқовнинг машинасини тўхтатгани учун Исоқов Олимовдан ўчини олган, деган фикр бор. Сўнг И. Исоқов билан Олимовнинг ораси бузуқлигини қотилликнинг бош сабаби деб тақдим қилади.

Мақолада келтирилган Олимов Исоқовнинг машинасини тўхтатгани учун ораси бузилган деган сабабга келсак, у иш ҳужжатлари ва ҳукмга сира мос келмайди.

Уртоқ Расулов! Узингиз чиқарган ҳукмнинг 57-бети, 1-қисм, 7-сўз бошисига бир қаранг-а, ўша ерда сиз жиноят сабабини рад қилиш далилларини Икром Исоқов шубҳа остига олмасликлари учун ўзи тўқиб чиққан деб кўрсатгансиз.

Бироқ ишнинг 13-жилди, 199-варағида Исоқов содир этган жиноятнинг сабаби борлиги ҳақидаги Сизнинг далилларингизни инкор қиладиган ҳужжатлар мавжуд.

У ерда Исоқовда жиноятни содир этиш учун сабаб йўқлиги рўй-рост айтилган.

Энди ўз-ўзидан савол туғилади: Абдуазизов ва Ориповларда жиноят содир этиш учун қандай сабаблар бор эди?

Тергов ва суд қўлида жиноят сабаблари ҳақида далил йўқ эди ва уни аниқламадилар ҳам.

Олимов ДАИ ходими сифатида уларни ҳеч қачон тўхтатган эмас, улар билан сўкишмаган, шунинг учун ҳам Сиз, ўртоқ Расулов, Абдуазизов ва Ориповларнинг жиноят сабабларини кўрсатиб бера олмагансиз. Сиз бу масала ҳақида сўз очишни лозим ҳам кўрмагансиз.

Воқеа жойи неча марта текширилган?

Мана энди бутун эътиборни воқеа жойига қаратиб 1986 йил 26 сентябрдаги воқеа жойини текширишда қалбакичиликка йўл қўйилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Зеро, жиноий ишга доир бутун айбнома айтиш шу 26 сентябрдаги текшириш негизида барпо қилинган.

Воқеа содир бўлган жой, суд мажлисларида аниқланишича бир неча марта текширилган. Уларнинг ҳаммаси ҳукмда акс этган. Ҳар бир саводли одам билмадики, воқеа жойи неча марта текширилган бўлса шунча марта процессуал ҳужжатлар — протоколлар тузилади.

Биринчи марта воқеа жойи 1986 йил 6 августда текширилиб, ҳукмнинг 20, 45, 42-бетларида ҳам қайд қилинган, Шамигулов, Шанаев ҳамда Камоловларнинг гувоҳлиги билан тасдиқланган.

Лекин шуниси таажжубланарлики, 1986 йил 6 ав-

густдаги воқеа жойининг процессуал ҳужжати — протоколи йўқ. Унинг қаёққа қойиб бўлганлиги номаълум.

1986 йил 7 августда жой такроран текширилган, протокол тузилган, «Русская водка» шишаси, «пепси-кола» шишаси, 4 бўлакка бўлинган ликоб, яшил рангли, икки қисмга бўлинган ўзбек миллий рўмоли ва қизил рангли иккига бўлинган яна битта рўмол, «РОВ» сўзлари ёзилган қоғоз парчаси олинади ва расмга туширилган.

Лекин олинган нарсалар тадқиқ қилинмаган ва уларнинг қаердалиги ҳозиргача маълум эмас.

Терговчи Файзуллаев 1987 йил 14 декабрдаги суд мажлисида уларни Рауповга бердим деди. Раупов 1987 йил 17 декабрда Файзуллаев томонидан олинган нарсалар жиноий иш ҳужжатлари билан бирга берилганини эслаш олмади ва УЗССЖ прокуратураси терговчиси С. Ёқубов билишганини айтди, у суд мажлисида: ҳа, нарсалар олинган, бироқ уларни тадқиқ қилишга зарурат туғилмади, уларнинг қаердалигини билмайман, деб рўйи рост айтди. С. Ёқубов яна ашъвий далилларнинг йўқолганлиги юзасидан хизмат текшируви ўтказилмаганлигини маълум қилди.

Қисқа ва лўнда жавоб, нима дедигиз?

УЗССЖ прокуратураси менинг назорат тартибига юборган шикоятимга ҳам юқоридаги мазмунда жавоб юборди. (№ 12/432—88 1989 йил 11 январь). Мен ўша жавобнинг матнини айнан келтираман: «1986 йил 7 августда воқеа жойини текширишда олинган нарсалар текширилмаган, чунки уларда жиноят излари топилгани йўқ».

Бунисига нима дейсиз? Худди ўша 1934-37 йилларга ўхшайди: истасам — текшираман, истасам — йўқ.

Фақат бир савол туғилади: излар топилмагани қаёқдан маълум бўлди?

Гувоҳ Файзуллаев 1986 йил 8 августдаги протокол иш қўзғатгани, воқеа жойига боргани, протокол тузилгани, суратга олингани ҳақида кўргазма берган.

Бу — ҳукмнинг 41-бетида ҳам айтилган.

Дастлабки тергов ниҳоясига етганда жиноий иш ҳужжатлари орасида 1986 йил 8 августдаги протокол йўқ эди, демак, уни ва 1986 йил 6 августдаги протоколни киши билмас олиб қўйишган.

Хайриятки, 1986 йил 7 августдаги воқеа жойини текшириш протоколини олиб қўйишнинг урдасидан чиқиша олмабди.

Энди бу ёғини эшитинг. 1986 йил 26 сентябрда, яъни орадан 2 ой ўтгач, аянам аниқроғи 55 кундан сўнг воқеа жойи тўртинчи марта текширишдан ўтказилади.

1987 йил 14 ва 15 декабрда терговчи Файзуллаев ва прокурор Шанаев суд мажлисида воқеа жойини синчиклаб ўрганганларини, ҳеч қандай қон излари ёки шубҳали ҳеч нарса топмаганликларини айтиб кўргазма берганлар.

Файзуллаев ва Шанаев менинг саволимга жавоб беришиб, «Аниқ айтишим мумкин, қон излари бўлмаган», дедилар.

Кейин улар ва бошқа гувоҳлар текширув ўтказилган жой дам олиш маскани эканлигини, 1986 йил 2 августдан 26 сентябргача жуда кўп одамлар, ҳатто ўзлари ҳам дам олишганини маълум қилишди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, 1986 йил 6, 8 августларда тузилган протоколлар иш ҳужжатлари орасида йўқ. 7 августдаги текширишнинг протоколи бор, олинган нарсалар йўқ. Улар мажбурий равишда тадқиқ этилиши ҳамда қарор билан жиноий иш ҳужжатларига тиркалиши лозим эди.

Модомики шундай қилинмаган экан, қуйдаги фаразларини илгари сурамиз.

1. Воқеа жойини текшириш протоколи билан олинган нарсаларни кимлардир ёмон ният билан ўғирлаб қўйган ёки терговчи Раупов, Ёқубов, Гайданов, Дидоренко, Лаптев сейфга яшириб қўйган, бу ишни Гдяня ва Иванов тергов гуруҳи ўзлари учун номақбул бўлган изларни яшириш учун қилган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

2. Нарсалар текшириб кўрилган, излар топилган, лекин одамларни қамоққа олиб қўйишган, изларнинг эса қамалганлар иши билан сира алоқаси йўқ. Айблов эса текширилган жойда ҳеч бўлмаганда қон бўлишини тақозо қилади. Қандай бўлса ҳам қон изи бўлса бўлди.

Учинчи фараз ҳам бор.

Бошсиз мурда Қашқадарё вилоятидан чиқди. Мурданинг боши ҳалигача топилгани йўқ, топилгача уринишмади ҳам. Бу мурдани таниб олишни маълум даражада қийинлаштириши турган гап.

ДАИ сержанти Олимовдан ўч олиш учун «мафия» — Олимовни гўё «мафия» ўлдирган — ташкил қилишда айбланиб кўп кишилар қамоққа олинди.

Иш кенг жамоатчилик орасида овоза бўлиб кетди.

ҚАЙНАР ҚАРШИБОВЕВ ИШИ: ҲАКИКАТ ҲАЛИ ОЙДИНЛАШГАНИ ЙЎҚ. МУНОЗАРА ДАВОМ ЭТАДИ.

Суд тиббий экспертиза хулосасига кўра, бошсиз мурданинг бўйи ва қон гуруҳи Олимовнинг бўйи ва қон гуруҳига тўғри келмайди.

Терговчилар мурданинг бошини топа олмади, ким билади, балки атайлаб топишмагандир. Антика иш!

Буни қарангки, суд-тиббий экспертизанинг хулосалари мазкур мурда бўйи ва қон гуруҳи бутунлай бошқа одам — Тошкент шаҳридаги 56-автобазанинг шофёри Қайсар Абдуллаев-никига тўғри келмоқда.

Олимов билан Тошкент шаҳридаги 56-автобазанинг шофёри, 1951 йилда туғилган, илгари Сирдарё вилояти Ворошилов туманидаги 10-АТПда ишлаган Қайсар Абдуллаев бир кунда, қарийб бир жойда бедарак йўқолган.

3 августда канал бўйида унинг машинасини ва кийимларини топишди.

Шундай бўлгач, терговчилар Ғафуров, Раупов, Лаптевлар Чироқчи туманидан топилган бошсиз мурдани таниб олишга Олимовнинг ота-оналари ва яқинларининг эмас, Абдуллаевнинг ота-оналари ва яқинларини ҳам қақришлари лозим эди. Лозимлигини жуда яхши билардилар. Билардилару, лекин уларнинг олди-га қўйилган мақсад бошқа — Рашидовнинг юртида донғи оламга кетадиган навбатдаги «Ўзбек иши» қилиш эди. Шунинг учун ҳам улар терговнинг муҳим талабидан чекинмади. Нега! Ким билади, балки Абдуллаевнинг қариндош-уруғлари мурдани таниб қолса, тергов ишлари чипакка чиқади деб қўрқидимикин!

Биз энди тўқиб чиқарилган энг асосий ҳужжатни

кўриб чиқамиз. Айблов шунинг негизига қурилган ва ҳукм бўйича беғуноҳ одамларни гуноҳкор деб судланганлар. Мен 1986 йил 26 сентябрдаги воқеа жойини текшириш протоколини кўзда тутаяпман.

Воқеа жойи терговчиларга беш қўлдек аён.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, у ер бир неча марта текширилган. 6 август — воқеа жойини текшириш протоколи йўқ, 7 август — протокол бор, ашёвий далиллар хуфя яширилган, қаерда, кимда, кимнинг кўрсатмасига бинон яширилган — номаълум, яъни йўқ; 10... 12... 15... 30 август; 1 сентябрь — текшириш гуёки ўтказилмаган, лекин, айтиб ўтганимиздек, жой яхши маълум, 2... 10... 20... 25 сентябрь — ҳеч нарса йўқ.

Ниҳоят, 1986 йил 26 сентябрь келди ва омад ахйри кулиб боқди.

Кимларнингдир зиёфатидан кейин меҳнаткашларнинг дам олиш масканида, худди ўша жойда тошлар, дарахт шохчалари ва асосий жиноят белгиси — одам қони ва маний (одамникими ёки ҳайвонники — аниқ эмас) аралашмаси бўлган чит латта топишади.

Суд тиббий экспертлар суд мажлисида экспертиза — ҳукмда кўрсатилганидек — ўтказилганини тасдиқлашди, лекин улар латтадаги қон Олимовнинг қони деб айтишдан бош тортишди.

СУД

Иш Тошкент шаҳар суди залида икки ой кўрилди. Унинг атрофида шов-шув кўтариш, аҳамиятини ошириш зарур эди. Бунинг уддасидан чиқишди. Суд залининг ён-верлари, бино олди бошидан-охиригача формадаги ва фуқаро кийимидеги милиция ходимлари, шунингдек ДХҚ ва прокуратура ходимларига тўлиб турди.

Суд очик ўтказилди, шунга қарамасдан залга адвокатлар ҳужжатларини кўриб ўтказишди.

Шахсан мени залга киришда икки марта текширишди, бир марта фуқаро кийимидеги менга нота-ниш бўлган бир шахс фамилиямни ёзиб олди.

Ҳимояни виждонан олиб борганим, гувоҳлар ва айбланувчилар, терговчиларга ёқмайдиган саволлар берганим учун танаффусларнинг бирида менга ружий тазйиқ ва дўқ-пўписа қилишди. Устингдан СССР ИИБ вазирига давлат сирини очиб қўйганлигинг учун ишдан ҳайдаш масаласини қўйиб рапорт ёзамиз дейишди.

Шундай муҳофаза уюштирилганки, гуё кимлардир

судга ҳужум қилиб, икки таксичи, бир шофёр, Камолов ва «мафия» бошлиғи Қаршибоевни чиқариб олишга уринган. Йўқ, гап бошқа ёқда. Тўқиб чиқарилган воқеа бўйича салкам генерал Қаршибоев бошчилигида навбатдаги «Ўзбек мафия»си фош қилинган ҳақида жамоат фикрини вужудга келтириш кимгадир зарур бўлган.

Мен судда Икром Исоқовни қотиллик эпизоди бўйича ҳимоя қилганман. Лекин шундай бўлсада, Қаршибоев ҳақида ўз фикримни айтиб ўтмоқчиман. Ҳукмда (52-бет) Қаршибоев суриштурувчи орган бошлиғи сифатида хизмат манфаатларига «хилоф» равишда жиноий иш кўзгамаган, дейилган. Қачондан буён шаҳар милиция бўлимининг бошлиғига милиция ходимининг ғойиб бўлиши ёки ўлдирилиши юзасидан жиноий иш кўзгаш ҳуқуқи берилган. Бундай вазифа прокуратура терговчилари зиммасига юклатилган-ку!

Қаршибоев 12850 сўм пора олганликда айбланган, лекин уни 5340 сўм учун судландилар, 7510 сўм билан боғлиқ бир қатор эпизодлар тасдиқланмаганлиги учун айбномадан чиқариб юборилган, бироқ ҳукмнинг ҳеч қаеридан пора олиш бўйича қайси эпизодлар ва қанча сўми аниқланганлиги, қайсилари исботланмаганлиги учун айбномадан чиқариб юборилганлиги ва бунинг сабаблари кўрсатилмаган.

Ҳукмнинг 14-бетида Исоқ Олимов сержант ДАИ йўл-патрул хизмати инспектори сифатида оператив ишларга жалб қилинган, ИИБ оператив ишлари усуллари унга маълум қилинган дейилади.

Йўқ, бу нотўғри.

Оператив ишларга ҳатто ИИБ ДАИ офицерларига ҳам изн берилмаган.

Азиз журналхон, мамлакатимиздаги айрим қонуниятларга бир эътибор беринг. Олдинга қамайдилар, сўнг оқлайдилар, кимдир ҳаётлигида, кимдир ўлимидан сўнг.

Ҳўш, Қаршибоев бошчилигидаги навбатдаги «Ўзбек мафия»си неча йилдан кейин оқланади?

Менинг фикримча, қачон оқлашаркин, деб кутиб ўтирмасдан, қонундан келиб чиқиб, ўйлаб топилган Қаршибоев ва унинг «тўда»си ишини ҳолис кўриб чиқиш лозим.

Жумҳурият Олий Суди Раиси ва ЎзССЖ прокурори тўқиб чиқарилган иш юзасидан тегишли хулосалар чиқаради деб умид қиламан.

Владимир БАРАБАШ,
Тошкент вилояти
адвокатлар коллегиясининг аъзоси.

Сиз қуйида танишадиган хат Ўзбекистон ССЖ президенти ўртоқ И. А. Каримов номига жўнатилган. Сал олдиноқ муҳарририятга ҳам улардан айни шу мазмундаги хат келган эди. Мақтуб билан танишиб чиққач, уни ҳам ойномада босишга қарор қилдик.

ЎзССЖ президенти ўртоқ И. А. Каримовга!
«Еш куч» ойномасининг бош муҳаррири Худойберди Тўхтабоевга!

Қайнар Қаршибоев ва у билан судланганларнинг ишини кўришда биз маслаҳатчи бўлиб қатнашганмиз. Сизнинг (Х. Тўхтабоев — таҳр.), оқловчи Баҳодиржон Ғофуровнинг «Еш куч» ойномасининг биринчи сони 18-21-бетида босилган мақолаларинингизни ўқиб ҳайрон қолдик. Наҳотки, қайта куриш ва демократия даврида баъзи бир журналистларимиз оқни оқ, қорани қора демасдан ҳар нарсани бир нарса деб ёзишаверсалар. Ўзини билимли, қолганларни қоронғи кеча деб ўйласалар.

Бу ерда кўп ҳавоия гаплар ёзилганлиги бизда ҳаяжон уйғотди. Айниқса, Х. Тўхтабоев, Акбаров ва Б. Ғофуровнинг ҳаводан олиб ёзган гапларига ҳайрон қолдик. 6 нафар судланганларга 120 дан ортқ гувоҳлар гувоҳлик беришди. Бу ерда Б. Ғофуров бўлиб, суд жараёнида гувоҳлар берган гувоҳликни эшитганда эди; 17 жилдлик иш ичидаги кўргазмага Б. Ғофуровнинг ёзганлари сира тўғри келмайди. У жиноий иш билан танишиб сўнг, ёзишга ўтирса бўлар эди. Маслаҳатчи сифатида мақоладаги тескари ёзилган жумлаларни жиноий ишга даҳли йўқ деб ҳисоблаймиз. Айниқса, оқловчи Б. Ғофуров ишнинг кўриш жараёнида қатнашмаган бўлса, иш билан танишмай 20-бетдаги тескари жумлаларни қаердан олдикин?

Оқловчилар Тожиев, Раҳматов, Барабаш ва иккита рус аёли эди-ку? Б. Ғофуров сиз йўқ эдингиз-ку? ДАИ ходими Исоқ Олимов Сангзор дарёси ёқасида ўлдирилиб, унинг бошсиз жасади топилди. Боши қани экан? Буни гувоҳлар исботлаб беришди-ку ахир? Қаршибоев айбига иқдор бўлди, суддан енгиллик сўради. Сизлар ҳимоя йўлини қаердан олдиларингиз. Менинг фикримча, бунақа ноўрин ёзувлар билан халқ фикрини чалғитманлар. Халқ ўртасида шов-шув гапларнинг кераги йўқ. Ислом Абдуғаниевичдан илтимос қиламизки, шундай шов-шув гап тарқатувчи муҳаррир ёки журналистлар тартибга чақирилса. Қарангки, Тўхтабоев савол бермоқда

Б. Ғофуров жавоб бераётир. Узок давом этган суд жараёнида Б. Ғофуров бўлмаган-ку, 17 жилдли жиноий иш билан танишмаган-ку. Бу гапларни қаердан олиб ёзди экан-а? Халқни чалғитиб нима қилади?

Хурматли президентимиз И. Абдуғаниевич, «Еш куч» ойномасининг 1991 йил, 1-сон 18-21-бетларини ўқиб, таажжубга тушасиз. Президентимиздан ўтиниб сўраймизки, бундай дув-дув, шов-шув гапларни тарқатувчи журналистлар халқимиз бошини чалғитмас, ҳар хил ёзувларга чек қўйишса, керак эмас нарсаларни ёзишмас. Халқимизнинг тинч-тову, иноқ яшаш йўллари ахтаришса бўлармиди?!

Т. БЕКБЎТАЕВ,
Д. УРМОНОВ,
Сирдарё вилоят суди халқ маслаҳатчилари.

ТАҲРИРИЯТДАН: Адвокат Б. Ғофуров ҳақиқатдан ҳам суд мажлисларида Қ. Қаршибоевнинг манфаатларини ҳимоя қилгани йўқ. Лекин шунини айтиш керакки, Қ. Қаршибоевнинг суд ҳукмидан норози бўлган қариндошлари қонун талабидан келиб чиқиб, адвокат Б. Ғофуров билан битим тузишган ва у шу битимга асосан Қ. Қаршибоевга тааллуқли жиноий ишни тўлиқ ўрганиб чиққан. Қ. Қаршибоевга нисбатан чиқарилган суд ҳукми етарли асосланмаган, уни назорат тартибда кўриб чиқиш керак деб жумҳурият олий судига расман мурожаат қилган. Шундай бўлгач, Б. Ғофуровни Қ. Қаршибоевнинг жиноий иши билан танишмаганликда айблаш ноўрин.

ОЧИҚ ХАТ

Сирдарё вилояти судининг жиноий ишлар судлов коллегияси раиси
Ўлмас РАСУЛОВГА

Сизнинг «Еш куч» журналидаги аризангизни ўқиб чиқдим. Сизнинг обрўйингизни тўққан одамларга нисбатан чора кўришни илтимос қилибсиз, судга бераман деб пўписа қилибсиз. Қўрқман, обрўйингиз тўқилмайди. Кўр-кўрона судлаб юборган Қаршибоевнинг аҳволига ачинаман, чунки мен уни яхши танирдим. Ҳалол ва меҳнат-каш одам эди.

Мениям бошимга Сизга ўхшаган қози — Липатов етган, унинг ҳисоби бўйича мен 1998 йилда озодликка чиқишим керак эди. Мени Гдлян-Иванов 1984 йилда ноҳақ қамаган эдилар, худого минг маротаба шукрим учинчи йил озодликдаман, 5 йилу 7 ой 13 кун партия билетим билан қамоқда «прессингларни» кўрдим, суду ҳакамларнинг найрангу фирибларини бошимдан кечирдим. Мен ҳам 2 йил ДХҚ камерасида ётиб ҳамма қўйилган қалбаки жиноятга ялли «икрор» бўлдим, шу иш билан хотин, ака-укаларимни қамоқдан сақлаб қолдим. Судга бориб Гдлян-Ивановнинг жиноятларини фош қилдим, лекин судья Липатов менинг ва кўпчилик гувоҳларнинг кўргазмаларини назару эътиборга олмади, мени «терговда ўзи иқрор бўлди» деб 14 йилга қаматиб юборди. Эвазига Липатов мансаби ошиб, Тошкент вилояти судининг раиси даражасига кўтарилди, мени эса давлатга 29 йил қилган меҳнатим барбод бўлди. 5 та болам, 87 ёшли онам хору зор бўлди, ҳалол меҳнат ва пешона тери билан ишлаб топган нарсаларим мусодара этилди.

Ҳозирги вақтда Липатов чиқарган ноҳақ ҳукм бир неча маротаба бузилди ва бузилиб-кемирилди. Ноҳақ ҳукм чиқарган судья истеъфога кишиши керак, буни Липатов ва Сиз тушунмайсизлар.

Қаршибоев етган лагерда, мен кўп прокурору вилоят суди аъзолари бўлган қозиларни кўрдим, кимларнинг буйруги билан ноҳақ ҳукм чиқарганларини айтганлар. Агар сиз ҳам менга ўхшаб, Қаршибоевга ва бошқа одамлардай камераларда, этапларда, лагерларда ётганингизда кўзингиз мошдай очиларди. Афсус, ҳозиргача сиз очикда, тиш-тирноғингиз билан амал курсисига ёпишиб олгансиз, Липатовга ўхшаган дўстлар — ҳамтовоқларингиз ёнига боринг, Сизни оқлаб, Тўхтабоев ва Акбаровларни қоралаб, хусусий ажрим чиқариб берадилар. Чунки сизга ўхшаганлар ҳалиям мансабда, халқимизнинг бошларига кўп қора кунларни соласизлар!

Агар мард бўлсангиз Тўхтабоевлару Акбаровлардан кечирим сўранг, Қаршибоевнинг иши бўйича йўл қўйилган хатоларни бартариф қилишга киришинг, унинг оила-

Ўзбекистон ССЖ прокуратурасидан:

Қ. Қаршибоевнинг асосиз судланганлиги ҳақидаги хати кўриб чиқилди.

Сирдарё вилоят судининг 1988 йил 13 январдаги ҳукмига биноан [Ўзбекистон ССЖ Олий судининг жиноий ишлар судлов коллегияси бу ҳукмини ўзгартиришсиз қолдирган] Қ. Қаршибоев УЗССЖ ЖК 149-моддасининг 2-қисми, 152-модданинг 2-, 3-қисмлари, 169-моддасининг 2-қисми бўйича жиноятлар содир қилганлиги учун 10 йилга озодликдан маҳрум этилган, мол-мулки мусодара қилинган.

Қаршибоевнинг ўз қўл остида ишловчиларга ҳомийлик қилганлиги, хизмат бўйича қўллаб-қувватлаш ва хизмат фаолиятида назоратсизлик муҳитини яратиб берганлиги учун, хизмат мавқеини суиистеъмол қилганлиги ҳамда Олимов И.нинг ўлдирилишини яширганлиги ҳақидаги айби шу иш бўйича судланган Дониёрова Г., Камолов, Разақулов, Ҳамроев ва бошқаларнинг кўргазмалари, шунингдек, юзлаштириш протоколлари ва ишдаги бошқа материаллар билан исботланган.

Суд Қ. Қаршибоевнинг пора олиши бўйича тўпланган далилларга баҳо бериб, 8299 сўм пора олганлиги ҳақидаги унга қўйилган айбдан 4299 сўми исботланди, 4560 сўм пора олган деган айбдан эса 1050 сўми исботланди деган хулосага келди ва қолган суммалар ўз тасдиғини топмади деб айблов фикридан чиқариб юборди.

Юқоридаги ҳолатларда суд тергови тўла ва объектив ўтказилганлигини таъкидлаш лозим.

Қаршибоевнинг хатти-ҳаракатиغا тўғри баҳо берилган ва жазо унинг қилмишига яраша белгиланган.

Қаршибоевнинг унга ва бошқа судланувчиларга нисбатан ман қилинган усулда тергов олиб боришди, деган вазлари суд мажлиси жараёнида текшириб кўрилди ва тасдиқланмади.

Қаршибоев Ўзбекистон ССЖ тергов изоляторидан ётган пайтда камерадошлари томонидан тазйиқ ўтказилганлиги тўғрисида ундан шикоят ва аризалар тушгани йўқ. Ўзбекистон ССЖ прокуратураси раҳбарлари томонидан Қ. Қаршибоев тўғри судланган деб топилди. Ишни назорат тартибда қайта кўриш учун асос йўқ.

Б. К. СЕМКИН,

жиноий ишларни судларда кўришни назорат қилиш бўлимининг бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси.

Ўзбекистон ССЖ Олий судидан:

Ўзбекистон ССР Олий суди Сизларнинг хатингизга асосан Қаршибоев Қ. Орипов О. ва бошқалар ҳақидаги жиноят ишни назорат тартибда текшириб кўриш

ганда қуйидагилар аниқланди.

Сирдарё вилоят судининг 1988 йил 13 январдаги ҳукмига кўра, Қаршибоев Қ. Жиззах шаҳар ички ишлар бўлимида бошлиқ бўлиб ишлаб, мансабини суиистеъмол қилиш йўли билан ўз ходимларидан пора олиб келган. Қаршибоев 1983-1986 йиллар давомида тергов бўлинимасининг бошлиғи Разақулов Ф., терговчи Тишликов А. ва ГАИ ходими Камоловлардан пора сифатида жамми 5349 сўмлик нақд пул, озиқ-овқат маҳсулотлари [гўшт, мева, спиртли ичимликлар], 300 дона шифер, 2 дона автошина каби нарсаларни олиб, УЗССЖИ ЖКнинг 152-моддасининг 2- ва 3-қисмларида кўзда тутилган жиноятларни содир этган.

Бундан ташқари Қаршибоев ўз қўли остида ишловчи ходим, судланган Камолов Ф. дан 1986 йил 2 август куни Исоқов И., Орипов О., ва Абдуазизов О.лар томонидан милиция ходими Олимов И.ни қасддан ваҳшийларча ўлдирилганини [Олимов Исоқовнинг савдогарчилик фаолиятини фош этгани сабабли] эшитиб, лекин қилган Исоқов милициянинг агенти бўлгани учун Қаршибоев уни жиноий жавобгарликка тортилишидан кўрқиб, қотиллик жиноятини яшириш мақсадида судланган Камолов билан ўзаро келишган ҳолда Олимов сувга қўкиб ўлган деб тергов ҳаракатларини чалғитиб, УЗССР ЖК нинг 149 м. 11 қ. ва 169 м. П қисмларида кўзда тутилган жиноятларни содир этиб, жиноятлар йиғиндиси бўйича 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга судланган.

Шу ҳукм билан судланган Орипов О. ўз шериклари Исоқов ва Абдуазизовлар билан биргаликда милиция ходими Олимов О.ни қасддан раҳмсизлик билан ўлдирилганлиги учун УЗССР ЖКнинг 194 прим моддаси билан 14 йил муддатга, Исоқов 15 йил муддатга ва Абдуазизов 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилганлар.

Судланганлар Камолов Ф. ва Дониёрова Г. воқеа жойида бўлиб, Исоқов ва унинг шериклари томонидан Олимовни ўлдирилганини кўра-била туриб бу оғир жиноятни яширганликлари учун УЗССР ЖКнинг 169 м. П қ. билан бири 4 йилга, иккинчиси 2 йилга озодликдан маҳрум этилганлар.

Ўзбекистон ССР Олий судининг коллегияси 1988 йил 13 май куни жиноят ишини судланганларнинг шикоятларига асосан кассация тартибда текшириб кўриб суднинг ҳукмини ўзгартиришсиз кучида қолдирган.

Қаршибоев «Еш куч» журнаliga йўллаган хатида ва депутат орқали юборилган хатларида ноҳақ тўхмат билан судланганлиги кўрсатилган.

Орипов О. ҳам Ўзбекистон радиоси орқали юборган хатида ноҳақ судланганлигини баён этган.

Судланганлар Қаршибоев ва Ориповнинг вазлари билан келишиб бўлмайди, чунки уларнинг айби иш

бўйича тўпланган далиллар билан исботланган. Суднинг ҳукмида уларнинг айбини тасдиқловчи етарли далиллар келтирилган.

Милиция ходимлари Разақулов, Тишликов ва Камолов ўз кўргазмаларида Қаршибоевнинг талабига кўра унга пора сифатида нақд пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа керакли нарсаларни бепул бериб келганликларини кўрсатганлар. Қаршибоев ҳам ўз кўргазмаларида улар кўрсатган нарсаларни олганлигини асосан инкор этмаган.

Тергов ходимлари ғайриқонуний йўллар билан юқорида номлари кўрсатилган милиция ходимларидан Қаршибоевга қарши кўргазмалар олишган деб ҳисоблаш учун ишда ҳеч қандай асос йўқ. Улар билан Қаршибоевнинг ўртасида шахсий адоват бўлмаган.

Суд Қаршибоевнинг пора олиш ҳаракатларини объектив равишда синчиклаб текшириб кўриб суд мажлисида ўз исботини топмаган айрим эпизодларни унинг айбдан чиқариб ташлаган.

Судланганлар Қаршибоев билан Камолов ўз кўргазмаларида, Исоқов ва бошқалар милиция ходими Олимовни қасддан ўлдирилганликларини билганлари ҳолда, уни сувга қўкиб ўлди деб тергов органини чалғитганликларини инкор этмаганлар. Уларнинг бу айби воқеани кўрган Дониёрова Г. ва гувоҳ Исоқов ва М. ва бошқаларнинг кўргазмалари билан тасдиқланган.

Суд Ориповнинг ва унинг шерикларининг суд мажлисида «биз воқеа жойида бўлмаганмиз ва Олимовни ўлдирмаганмиз» деган вазларини аτροφлича текшириб кўриб, асосиз эканлигини аниқлаган, чунки Орипов билан Абдуазизов дастлабки терговдаги кўргазмаларида, ҳақиқатан ҳам улар Исоқовнинг далолати ва бошчилигида Олимовни қасддан ўлдирилганликларига иқдор бўлганлар. Уларнинг иқдорлик кўргазмалари воқеанинг тепасида бўлган судланганлар Камолов ва Дониёрова ҳамда гувоҳ Исоқовларнинг кўргазмалари билан тасдиқланган.

«Еш куч» журнаliga номлари кўрсатилган милиция ходимлари Бондин В. А. ва Торбин В. П.ларни судланган Қаршибоевнинг зиммасида қолган айбларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ва улар бу айблар бўйича гувоҳ бўлиб ўтмаганлар.

Судланганлар Қаршибоев, Орипов ва бошқаларга нисбатан чиқарилган суд қарорларини бекор қилиш ва жиноят ишини ётқириш ҳақида назорат тартибда протест келтиришга асос бўлмагани сабабли хатлар ва шикоятлар оқибатсиз қолдирилди.

Ўзбекистон ССР Олий суди раисининг вазифасини бажарувчи **А. А. ПОЛВОНЗОДА.**

сига қайтишига ёрдам беринг. Сизнинг бу ишингиз учун обрўйингиз тўқилмади, аксинча кўтарилади. Мен бу гапларни чин виждондан айтаялман. Сизгаям, бу одамларгаям ҳамқишлоқ эмасман!

Агар каттик гапирган бўлсам узр. Салом билан

Шамси РАҲИМОВ,
истеъфодаги милиция полковниги,
1961 йилдан КПСС аъзоси,
Бухоро шаҳри.

Биз бирга ишлаганмиз

Қайнар ака 1970-1975 йилларда Зомин ноҳиясида ИИБ бошлиғи бўлиб ишлади. Мен бирга ишлаганман. Қайнар аканинг пора олишини ўйламай кўяқолай, ҳатто бозорини ҳам ўзи турмуш ўртоғи билан қилар эди. Одамгарчилиги бор, инсонларни тушунадиган халқпарвар одам эди, бу кишига қарши тўпланган ҳужжатлар бўхтон деб ҳисоблайман ва Қайнар акани яқин кунлар ичида озод бўлишини истайман.

А. ИБРАГИМОВ,
истеъфодаги милиция майори.

Шахсан мен Қаршибоевнинг бегуноҳлигига ишонаман ва унинг турмадан озод қилинишини сўрайман.

Дидоренко, Гайданов, Лаптевлар ҳозир қаерларда жавлон уриб ишлаётган экан!

Рустам ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Амударё ноҳияси.

Мен «Еш куч» ойномасини билмас эканман. Яқин кунларда, худо хоҳласа, 60 ёшга тўлиб пенсияга чиқаман. Ҳўжалигимда бу журналга обуна бўлган ўғлимнинг илтимоси билан «Еш куч»нинг 1991 йил, 1-сонига босилган мунозарани ўқиб ўзимни тутолмай кўзимдан дув-дув ёш келганини билмай қолибман.

Хулосам шуки, истеъфодаги ички хизмат майори Ҳ. Ашуралиевнинг «Биз Қаршибоевни билмас» мақоласини Ўзбекистондаги қамалганларнинг ишини текшираётган комиссия раиси ҳамда аъзолари ўқиб чиқишларини сўра қоламан.

В. АБДУЛЛАЕВ,
Фаргона вилояти, Тўқай тепа қишлоғи.

Ҳурматли Худойберди Тўхтабоевич!

Мен бутун ҳаётимни ўзбек халқи билан боғлаганман, Тошкентда туғилганман, Ўзбекистонни ўзимнинг ватаним деб ҳисоблайман. Менинг оилам ва уч фарзандим бор, ҳозирги пайтда ҳуқуқий маслаҳатчи бўлиб ишляпман. 1979 йилдан Бухорода яшайман. Опа-сингилларим ва бошқа қариндошларим Тошкентда ва Тошкент вилоятида истиқомат қилишади.

«Қамоқда ётган полковник Қаршибоевнинг шикоят хати юзасидан мунозара» деган мақолани мен диққат-эътибор билан ўқиб чиқдим. Унинг фожиаси ҳақида ўтган йили ҳам мақола чоп этилган эди.

Қайнар Қаршибоевни шахсан танийман. Олмаотадаги колонияда биргаликда жазо ўтаганмиз. Бизнинг тақдиримиз ва фожиамиз жуда ўхшаш.

Мен учун қамоқхона эшиклари 1989 йил июнда очилган. Гдлян ва Иванов тўқиб чиқарган иш бўйича мен ёнимда партия билетим билан қарийб 6 йил жиноятчи ва қотиллар орасида бўлдим, Иттифоқдаги кўп турмаларни кўрдим, тергов, суд органларининг ўтаётган қонуни ва ўзбошимчаликларнинг гувоҳидан. Бошимдан ўтган хўрликлар, ҳақорат ва таҳқирланишларни қаламга олиш, ҳикоя қилиш мен учун ниҳоятда оғир. Едимга тушса томир-томирларим музлаб қолгандай бўлади. Менинг оилам, парти кетиб шарт қолган ота-оналарим ҳам шундай азобларга дучор қилиндилар. Мени икки йилдан зиёд ДХҚси жумхурият қамоқхоналарида саклашди, бу вақт ичида онам ғам-андуҳларга дош бера олмай вафот этди. Гдлян ва Ивановлар бу ҳақда менга ҳатто хабар беришни ҳам лозим топшмади.

Судья Липатов менинг ҳамкасбим Шамси Раҳимовга, ДАИ бошлиғи Тўра Очиловга, ИИБ бошлиғи Дўстовларга ноқонуний ва айбимизни исботламасдан 12-15 йилга судлаб, кўр-кўрона ҳукм чиқариб юборди. Ҳукмга «барча судланувчилар тергов пайтида ўз айбига иқдор бўлдилар» деган фикр асос қилиб олинди. Судда эса биз қандай фашистик методлар билан «иқдор бўлганлигимиз»ни айтиб бердик. Липатов бизнинг гапларимизни ва Гдлян тергов ғуруҳининг қийноқлари ҳақида гапирган гувоҳларнинг кўргазмаларини инобатга олмади ва адолатсиз ҳукм чиқарди. Бунинг учун у муқофотланди. Тошкент вилоят суди раислигига кўтарилди.

1988 йилдан судья Липатовнинг ҳукми сован кўпиги сингари ёрилиб кета бошлади. Очилов тўла оқланди,

унинг ҳукмида пора бериш ва олиш бўйича 45 та эпизод бор эди, юқорида номлари тилга олинган бошқа судланганлардан жиноят воқеаси бўлмаган деб кўп эпизодлар олиб ташланади. Лекин шу кунга қадар менга, Дўстов ва Раҳимовга оқлов ҳукми чиқариш учун Олий судда журъат етишмаяпти. Чунки бизга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилса Липатовни ноқонуний ҳукм учун жавобгарликка тортиш ҳамда ноқонуний қамалганмиз учун тоvon тўланиши лозим-да. «Мундир шарафи» устунлик қилаяпти, Қ. Қаршибоевга адолатсиз ҳукм чиқарган У. Д. Расуловнинг уни ҳимоя қилган журналистларга қора бўёқ чап-лаш бежиз эмас. У. Д. Расуловнинг мақсади аниқ. Агар Қаршибоев оқланадиган бўлса Расулов адолатсиз ҳукм чиқарган бошқа ишларни ҳам қайта кўриб чиқишни талаб қилувчи шикоятлар оқими кескин кўпайиб кетади. Мана шунинг учун ҳам у Қаршибоевнинг оқланмаслиги учун жон-жаҳди билан уринмоқда.

Башарти У. Д. Расулов Қаршибоевнинг, менинг, Раҳимов ва бошқаларнинг аҳолига тушиб қолгудай бўлса, билмадим, у қанча факт бўйича жиноят «содир» қилганлигига иқдор бўларкин ва ҳукм адолатсиз бўлди деб қанча шикоят жўнатаркин!

Мен, албатта биз ўзимиз тушиб чиққан ва поклигига мен шубҳа қилмайдиган Қаршибоев азоб чекиб ётган дўзахга Расулов ҳам тушишини сира-сира истайман.

Расулов суд хатосига йўл қўйганлигини эл олдида айтиши, Қаршибоевдан, унинг оиласи ва қариндош-уруғларидан кечирим сўраши зарур. Бу ҳалол, муносиб иш бўлади. Лекин у бунга журъат этиш учун ўзида етарли куч ва мотонат топа олармикан?

Менинг қўлимда ўзимнинг айбисиз эканлигимни исботловчи кўп ҳужжатлар бор. Лекин қайси эшикни тақиллатиб боришни билмайман. Ҳозирча у эшиклар ёпиқ, чунки бу эшиклар ортида Липатов ва Расуловга ўхшаганлар ҳам борки, улар учун оқлаш деган сўз бегона, одамлар тақдир хас-хашак билан баробар.

Мен Сизнинг ойномангиз ёрдамига, менинг, Қаршибоевнинг, Ш. Раҳимовнинг ишларини қайта кўриб чиқишига ва ниҳоят адолат тантана қилишига ишонаман.

Владимир МУЛИН Васильевич,
1942 йил туғилган, эҳтиётдаги подполковник,
Бухоро вилояти иқроқўми
Ички ишлар бошқармаси
бошлигининг собиқ муовини.
Бухоро шаҳри.

ҚАЙНАР ҚАРШИБОВ

ИШИ: ҲАҚИҚАТ ҲАЛИ ОЙДИНЛАШГАНИ ЙЎҚ. МУНОЗАРА ДАВОМ ЭТАДИ.

Ўзбекистон ССЖ ички ишлар вазири генерал-майор В. Камоловга.

Хурматли ўртоқ В. Камолов, ҳозир сиз жумҳуриятимиз ички ишлар вазири вазифасида ишлаб турган экансиз, Қ. Қаршибоев сингари ноҳақ қамалганларни оқлаш сизнинг ҳизмат бурчингиз, инсоний виждонингиз деб ҳисоблайман. Чунки жуда кўп ички хизмат офицерлари ноҳақ қамалгани ёки ишдан бўшатиб юборилгани бизга равшан. Ички хизматимиз вазирилиги бўлиналаридадан тажрибали кишиларни четлаштирилиши кўпга жиноий ишларнинг очилмай қолишига, милициянинг обрўйи пасайишига олиб келмоқда.

Мен сизга «Еш куч» ойнамасининг 1991 йил, 1-сонида эълон қилинган истеъфодаги ички хизмат майори Ҳ. Ашураевнинг «Биз Қаршибоевни биламиз» мақоласини икки қайта ўқиб чиқиб, мулоҳаза қилишингизни таклиф қиламан. Ишончим комилки, сизнинг ҳам виждонингиз қийналади. Биласизми, ҳаттоки ўлиб кетган, бироқ ички хизмат вазифасида ишлаётганда ноҳақ жазоланган ёки вазифасидан бўшатиб Сатторов сингари кишиларнинг ҳам номларини оқлаш керак. Бу ички хизматнинг, милициянинг обрўйини оширадиган ишлардан биридир.

Чунки бу масала айрим одамлар ўйлаётгандек кичик, бепарво турадиган масала эмас. Бу сўз моҳиятига кўра гоёт жиддий ишдир. Бунга сиз қанча лозим бўлса шунча куч сарфлашингиз ва буни муқаддас иш деб билмолингиз керак. Мен ноҳақ жазоланган милиция офицерларини оқлаш учун ички хизмат вазирилиги ҳузурида тажрибали назир ишлайдиган ёки истеъфода чиққан юқори мартабали офицерлардан иборат комиссия тузишни таклиф қиламан. Улар ССЖ ва Ўзбекистон ССЖ олий кенгашлари мажлисларидаги, матбуотдаги материалларни, жамоатчилик фикрини, тергов ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ноҳақ жазоланганларни оқлаш юзасидан Ўзбекистон ССЖ Олий суди олдида таллономалар кўйсин.

Уйлайманки, бунда сиз ўзингиз ҳам ишда тўплаган тажрибангизни, айниқса Давлат хавфсизлиги қўмитасида ишлаган пайтдаги тўплаган билимингиз, малаканигиз ва барча имкониятларингиздан фойдаланишингиз зарур. Менимча, бу сизнинг бутун иш фаолиятингиздаги энг эзгу, хайрли ва кутлуғ ишларингиздан бири бўлиб қолади.

Менинг мухтасар фикрим

Мен «Еш куч» ойнамасининг 1990 йил, 8-сонида эълон қилинган, «Панжара ортидаги бегуноҳларни ўқиб» сарлавҳаси остида босилган полковник Қайнар Қаршибоевнинг хатини диққат билан ўқиган эдим. Шу сабабли ойнаманинг 1991 йил, 1-сонида босилган У. Д. Расуловнинг «Эътироз-аризаси» ҳақида муносабат билдиришни бурчим деб ҳисобладим. Шунингдек, муҳаррир Х. Тўхтабоевнинг «Қамоқда ётган полковник Қаршибоевнинг шикоят хати юзасидан мунозара» сарлавҳали очик хати юзасидан ҳам мухтасар фикримни айтмоқчиман.

«Еш куч» ойнамаси 1990 йил, 8-сонида милиция полковниги Қайнар Қаршибоевнинг хатини эълон қилиб, гоёт тўғри иш қилган. Чунки бу дадил ҳаракат умуминсоний кадрлардан келиб чиқиб қилинган дейишга ҳамма асос бор. Сирдарё вилоят судининг жиноий ишлар судлов коллегияси раиси У. Д. Расулов полковник Қ. Қаршибоевни тўғри жазоланган, у чиндан ҳам жиноятчи дейди. «Эътироз ариза»сига қараганда ҳали ўз фикрида турибди. Унинг фикри асоссизлигини судда гувоҳлик берган кишиларнинг фикри инobatга олинмагани кўрсатиб бераётди. Айниқса гувоҳларнинг мажбурий ҳолатда, зўрлик натижасида кўргазма берганларини айтаётганликлари Қ. Қаршибоевни ноҳақ қамалганлигига ҳеч шубҳа қолдирмайди. Аксинча, бу ҳолат У. Д. Расуловнинг ўзи уларни эътиборсиз қолдириб, одил ҳақамлик қила олмагани, инсоний бурчини, вазифасини ҳалол бажармагани учун тўла айбдор қилади. Лекин биз бу ҳақда тўхталмоқчи эмасмиз. Бу масалани ваколатли комиссия кўриб чиқар. Бироқ биз Улмас аканинг эътиборини бошқа муҳим масалага қаратмоқчимиз. Чунки унинг ўзи ҳам жумҳуриятимиз ички ишлар вазирилиги раҳбарлари билан амалда нима бўлганлигини ўйлаб кўрмаган, тушулмаган бўлиши мумкин. Шунинг учун унга шундай савол бермоқчимиз:

— Улмас Дониёрович, сиз Гдлян ва Иванов гуруҳининг Ўзбекистон милициясидаги юқори мартабали кишиларга — полковниклар ва генералларга нима учун ҳужум қилганликларини атофлича ўйлаб кўрганмисиз? Қани айтингчи, милиция полковниги кичкина одамми? Оддий сафдаги милиционер полковник даражасига етиб боргунча қандай оғир йўлни босиб ўтганини биласизми? Аввало сизга шунини айтиб қўяй, унвонидан қатъи назар пора олган ходимлар бўлган. Мен буни инкор қилмайман. Бундай одамлар мамлакатнинг истаган жойидан топилиши мумкин. Генерал полковник Чурбанов ҳам қамоқда ётди.

Аммо нима учун Ўзбекистондаги ақсарият полковник ва генераллар жиноятчига айланади қолди! Мен шахсан кўпчилик полковник ва генералларимиз қасддан, тўхмат билан қамалди, деб ҳисоблайман. Марказдан келган терговчиларнинг асл мақсади жиноятчиларни очиб бўлмаган. Уларнинг мақсади ўзларининг конунсиз ҳаракатлари, бедодликлари, зўравонликлари, турли-туман курақда турмайдиган, асоссиз ва бемаъни тергов усулларига жиддий тус бериш, уларнинг фош бўлиб қолмаслиги

учун милициямиздаги малакали кишиларни биринчи навбатда йўқ қилишга уриндилар. Шундай қилдилар ҳам. Негаки полковник ва генераллар ўз тажрибаси ва тутган ўрнига кўра, ишлаб турган бўлганларида марказдан келган терговчилар бебошлигини тўхтатишлари мумкин эди.

Ўзи саноқли генералларимиз бор эди. Полковниклар эса генераллик унвонига бир қадам қолган кишилардир. Мен жумҳуриятимиздаги полковник ва генераллар билан фахрланаман. Уларни ҳарбий, ҳуқуқ тарбиотини саклаш даражасида халқимизнинг таянчлари деб биламан. Аслида ҳам шундай. Шунинг учун уларни асраш, авайлаш, рағбатлантириб туриш лозим деб ҳисоблайман. Уларга шундай шароит яратиб бериш лозимки, токи уларнинг майда-чуйда нарсаларга эҳтиёжи қолмасин. Ўз вақтларини кўпроқ катта ишларга сарфлашсин. Уларнинг таъминотини ҳар томонлама яхшилаш керак. Токи ана шу таъминот билан боғлиқ уларга қилиниши мумкин бўлган тўхмат ва майда-чуйда иғво гапларга ўрин қолмасин. Москва йўлланмаси билан жумҳуриятимизга келган Гайданов, Дидоренко, Гдлян, Иванов сингари шахслар аксинча иш қилдилар. Ўзбек халқини биринчи навбатда ўз таянчларидан, ҳимоя қилиш имконига эга бўлган кишилардан жудо қилишга ошиқдилар. Чунки сийсий, ҳарбий, ҳуқуқий етакчилардан айрилган халқни эзши, босини эгши осон бўлади.

Улмас ака, сиз қайси халққа мансуб эканлигингизни, унинг тарихини чуқурроқ биласизми? Бизнинг халқимиз бир вақтлар бир миллионли мунтазам қудратли армияга эга бўлган, юзлаб генераллар, улў саркардалари, ҳатто жаҳонгир Темурни етиштирган халқдир. Темур назариясини эса ҳозирги замон ҳарбий фани ҳам ўрганмоқда. Уни жаҳон тани олган. Қарангки, шундай халқнинг бугунги кунда маршали туғул бирорта генерал-полковник ҳам йўқ. Энди ўсиб келаётганларини дарров қаллақлашади. Ёки ўсишга имкон бермайди.

Х. Тўхтабоевнинг очик хати ҳақида. Мен очик хатни диққат билан ўқиб чиқдим. Ундаги фикрларга тўла қўшиламан. Очик хатда Н. Норкулов, А. Қодиров, Ғ. Камолов, О. Орипов фикрларини жуда ўринли келтирган. Очик хатда муҳаррир томонидан қўйилган иккита саволга У. Р. Дониёров жавоб бериши керак. Мен Улмас акани суд раиси сифатида онгли ҳолатда бепарволик қилган, деб ҳисоблайман. Агар у мардлик билан полковник Қ. Қаршибоевни оқлашга киришса, ўз камчилигини тан олса уни тушуниш керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, «Еш куч» ойнамаси мана шундай мунозарали ва баҳсли хат ва мақолаларни изчил бериб бориши мақсадага мувофиқдир. Чунки биз бу билан ёшларнинг ҳуқуқий билимларини мустақамлашмиш. Уларни катта ҳаётга ўзини ҳимоя қила биладиган курашчан кишилар қилиб тайёрлаймиш. Ушбу мунозара бўйича ўқувчилар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини истардим.

Абдулла ЖАЛИЛ,
Ўзбекистон ССЖ ёзувчилар уюшмаси
Наманган вилояти бўлимининг маслаҳатчиси.
ССЖИ журналистлар уюшмасининг аъзоси, шоир.

«Панжара ортидаги бегуноҳларни ўқиб»... ни ўқиб

«Одил суднинг энг хатарли душмани — олдиндан ўйлаб қўйилган нотўғри мулоҳазадир».

Ж. Ж. РУССО.

«Еш куч» ойнамасининг 1991 йил, 1-сонида Қайнар Қаршибоев ҳақидаги мақолаларни ўқиб жуда ҳам ҳаяжонландим. Айниқса, судья У. Д. Расуловнинг ва адиб Х. Тўхтабоевнинг фикрлари мени ўйлантириб қўйди. Уртоқ У. Д. Расуловнинг ёзган мақоласи мени ҳайратга солди ва «Кўроқ олдин мушт кўтарайди» деган халқ мақолини эслатди. Мақолада одамларни менсимаслик, ҳокимият меники, мен конунининг эгасиман, мен нима десам шу бўлади, мен инсонларнинг тақдирини ҳал қилишга қодирман, қабилдаги таҳдид ҳужирман.

Уртоқ Расулов, Қаршибоев Қайнар 17 жилдан иборат қилган жиноятчи учун қамалдики? Йўқ, у адолатсизлик қурбони бўлди. Лекин сиз кулоқ солмадингиз, сизга ҳам қийин эди. Агар сизнинг ўринингизда мен бўлганимда, мен ҳам шундай жазо қўллаган бўлардим. Чунки одамлар сизни ҳам ўз ҳолингизга қўйган эмас. Қ. Қаршибоев ақинда келади, унинг қалбида ҳам ҳали 17 жилдик фарёди бор.

Уртоқ Расулов, сиз «Суд мажлисида Қаршибоев йиқилди, кечирим сўради, ўзи содир этган жиноятларига иқроор бўлди» — деб ёзибсиз. Қаршибоев, албатта, бундай вазиятда қилмаган жиноятларини қилди деб иқроор бўлади-да. Минг қатла шукри, ошқоралик бўлиб ҳамма нарсалар ойдинлашди. Халқнинг минглаб асл фарзандларига қанчадан-қанча азоб берилди. Милиция ходимларини ашаддий жиноятчилар билан қўшиб қамедилар. Жиноятчилар гуноҳсиз кишиларни урдилар, сўқдилар, ҳўрладилар. Булар ҳам озлик қилгандек, ҳатто оила аъзоларига, фарзандларига ҳам азоб бердилар. «Уртоқ Қаршибоев, сенга 2 та йўл бор: биринчиси — ўлим, иккинчиси — ҳаёт» деб турган бир пайтда, ким ўлимни истайдими, албатта ҳар бир инсон оз бўлса ҳам яшаб қолишни истайдими ва «жिनотни» содир қилдими, мени кечиринглар — деб адолатнинг йўқлигидан йиғлайди-да.

Наҳотки, Қаршибоев Қайнарнинг ноҳақдан қамалганини, амал курсисининг қурбони бўлганини ўзингиз яхши билмайсиз? Наҳотки, 1984 йилдан бошлаб жумҳуриятимизнинг энг яхши, ҳалол, ишчан кадрлари бошига қора кунлар тушганлигининг гувоҳи эмассиз. Агар сиз Қаршибоев Қайнарни 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилма-

ганингизда бошингизга қандай кунлар тушишини ўзингиз ҳам хаёлингизга келтира олмайсиз. Сизни ҳар кун ДХҚ раҳбарлари, Гайданов, Дидоренко, Лаптевлар икки оёгингизни бир этикка тикканлигини, оқангиздан пойлоқчи қўйганлигини нега яхширасиз. Нега юрагингизга қарши гаплар қилаяпсиз? Нега? Сиз Қайнар Қаршибоевни мендан яхши биласиз. Сирдарё вилояти ДАИ си бошлигининг ўринбосари бўлиб ишлади, виждонан ишлаб, пок ном қолдирди. Жиззах вилояти ажралиб чиққанидан сўнг шаҳар ИИБга бошлиқ бўлиб ишлади, Фалларол туманида ишлади. Унинг ташкилотчи, принципал раҳбар, меҳнатқашларга ғамхўр посбон эканлигини англаган раҳбарларимиз яна Жиззах шаҳри ИИБга бошлиқ этиб тайинладилар. Ҳамма жойда яхши ном қолдирди. Шаҳарда ҳам жуда яхши ишларни амалга оширди. Тартиб-интизом қаттиқ назорат остига олинди. Шундай қилиб, Баҳмал ноҳиясининг чекка қишлоғида туғилиб, бутун кучини халқнинг осойишталигига сарф қилган Қайнар Қаршибоевни Жиззах вилояти ИИБ бошлиғи лавозимига тавсия қилдилар. Ана энди ўйлаб кўринг...

Аслида эса Жиззах вилояти ИИБ бошлиғи вазифасига рус кишиси юборилаётган эди. У киши обком ва обкомполкомдан ўта олмади. Вилоят раҳбарлари Қайнар Қаршибоевнинг номзодини кўрсатдилар. Жумҳуриятимизнинг юзлаб полковниклари қатагон қилинаётган бир пайтда полковник Қайнар Қаршибоев ким бўлибди. Адолат букилди, Қаршибоев Қайнарнинг қўлига темир кишан солинди, собик полковникка айлантирилди.

Бу воқеанинг ҳаммасини муҳтарам судьямиз билар эдингиз, лекин қўлингиздан ҳеч нарса келмас эди. Ўзингизни Худойберди Тўхтабоевнинг мақоласида адолат, ҳокисорлик, самимийлик, саводхонлик, айниқса, камтарлик хидлари уфуриб турибди. «Нотаниш «Еш куч» журналининг муҳаррири Тўхтабоев Худойберди» аввало-омбор нотаниш эмас, ойнама юзага келгандан бошлаб ўзининг долзарб масалаларга бағишлаб ёзилаётган ҳаётини мақолалари билан мамлакатимиз муштарийлари қалбидан катта ўрин олмоқда.

Х. Тўхтабоев муштарийларнинг сонини 600 минг деб ёзибди. Лекин «Еш куч» ойнамаси қўлдан-қўлга ўтиб, обуна бўлганлардан ташқари яна қанчадан-қанча одамлар ўқийди. Менинг наздимда «Еш куч»нинг муштарийлари 6 млн.дан ҳам кўпроқдир.

Худойберди Тўхтабоев Мўғоллик эмас. Қани энди ўртоқ Расуловнинг бу гаплари рост бўлиб чиқса «Бизнинг мўғолдан ҳам шундай истеъодли, камтар ёзувчи чиқди» — деб фахрлилик юрардик, бошимиз осмонга етарди.

Уртоқ Тўхтабоев, мўғолликлар ажойиб одамлар: мард, оддий, камтар, ҳалол, самимий, номусли, меҳмондўст одамлар. «Тоғ-тоғ билан учрашмайди, одам-одам билан учрашади» — деган халқимизнинг ажойиб нақли бор.

Агар учрашиб қолса, юқоридаги фикрмининг гувоҳи бўласиз. Сиз мўғоллик бўлмасангиз ҳам ўртоқ Расулов баҳонасида мўғолликларнинг «Фахрий фуқаро»си бўлдингиз.

«Совет Ўзбекистони» рўзномасида фидойи инсон О. Г. Чайковскаянинг «Номус» мақоласи эълон қилинди. Унда халқимизнинг бошига тушган қанчадан-қанча фожиаларни ўқиб, адолатнинг эгилиши мумкин, лекин синмаслигига яна бир ишонч ҳосил қилдим. Инсон тақдирига лоқайд қарамаслигимиз керак. Адолатни барқарор қилишда хурматли Худойберди Тўхтабоев ва укамиз Ш. Акбаровлар жасорат кўрсатишларингизга ишонамиз.

М. УСАРОВ,
А. Қодирий номли 45-ўрта мактаб директори,
ССЖИ Халқ маорифи аълочиси, Баҳмал ноҳия ва
Мўғол қишлоқ шўроси депутати.

Менга ҳам осон эмас, лекин...

Хурматли «Еш куч»!

Оиламда ўзим, умр йўлдошим ва 8 нафар фарзандим бор. 9—11-синфларда ўқийдиган фарзандларим ҳар йили «Еш куч»га обуна бўладилар. Шу сабабдан «Еш куч»нинг ҳар бир сонини албатта бир марта кўздан кечираман, чунки «Еш куч»да берилиб борадиган турли мавзудаги мақолалар мени ҳам қизиқтиради. Айниқса, шу йилнинг 1991 йил, 1-сонидаги «Қамоқда ётган полковник Қаршибоевнинг шикоят хати юзасидан мунозара»ни ўқиб мен жудаям ҳаяжонланиб кетдим. Оиламдаги 10 жонни едиршиш, кийдириш ҳаммаси менинг бўйнимда. Шароитимиз унча яхши эмас, мошим 60-70 сўм. Болаларнинг 4 тасига давлат ёрдам пулидан 48 сўм оламан, умр йўлдошим ишламайди. Аҳволим шунча қийин бўлишига қарамай, ўртоқ Қаршибоевнинг ташвиши ва унинг ноўрини 1986 йилдан бири фуқаролик ҳуқуқидан озод этилганлиги, назаримда менга ўхшаб нон топса, мой тополмаган, қанд топса, болалар устига 4 метр лас ёки чит қўйлак тополмаган қамбағал ишчиларнинг ташвишидан 10 баробар ошаб тушибди.

Хурматли «Еш куч», агар мактубим журналга чоп қилинишга арзиса илтимос, менинг адресимни тўлиқ ёзмамлар, ўзинг биласан-ку, тожикистонлик деб номим ва фамилиям ёзилса кифоя.

Абдунаби ҲАМИДОВ,
тожикистонлик.

Мунозарага қўшилиб...

Жумҳуриятимизда борлиқ ҳаётни борлигича ҳадиксирамай ёритиб бораётган «Еш куч» ойномасининг муҳлисиман.

«Еш куч» ойномасининг шу йил 1-сонининг 18-бетига босилган Сирдарё вилоят судининг жиноий ишлар судлов коллегияси раиси ўртоқ Улмас Дониёрович Расуловнинг «Эътироз-ариза»си диққатимни ўзига тортди. Инсон тақдирига бефарқ қаровчилардан таажубландим.

Бу тасаввур менга ойноманинг 1990 йил, 8-сонига журналист ўртоқ Акбаровнинг босмага тайёрлаб «Панжара остидаги бегуноҳлар»ни ўқиб» сарлаҳаси остида берилган, суд ҳукми билан 10 йил озодликдан маҳрум этилган Жиззах шаҳар ички ишлар бўлимининг собиқ бошлиғи Қайнар Қаршибоевнинг юрак нидоси битилган мактубини ўқиганимдан бошланган эди.

Мана шу мантиқдан бир-бирига қарама-қарши фикрлар оддий ихлосманд инсон сифатида «Очиқ хат» мунозарасига қатнашмоққа дебват килди.

Биринчидан, тарихимизга бир назар ташласак, ақл ва тафаккур чироғи билан илм-фан ва маданиятни ёритган ўзбек бобоқалонларимиз сиймосига таъзим бажо келтирмоқ ҳам қарз, ҳам фарз.

Мана шу илм-фан уюқларимизни ўзбек миллий ғуруримиз, анъаналаримизни оёқ ости қилиб жумҳуриятимизнинг баъзи ҳақамлари ҳамма соҳага ўзга жумҳуриятлардан илм-фан, сийсий ва иқтисодий ҳамда социалистик қонуничилик соҳаларини «юқори поғонага кўтарувчи»лар чакиртирилди.

Улар жумҳуриятимиздаги муносиб ўринларни эгаллаб олганларидан кейин ўзбекларнинг азал-азалдан бирига ҳамдард ва ҳамнафас бўлиб, ўзининг меҳнатсеварлиги билан топган, оила даромадидан ёзган тўй дастурхонлари, меҳмондўстлиги, бемалол ўз-ўзини бошқариш мумкинлигини кўрсатувчи теран тафаккури уларга ёқмади.

Улар ҳамма соҳага қармоқ ташлаб уddaбурун, ишбилармон одамларга тўхмат тоши отдилар. Қайнар Қаршибоев ҳам келгиндилар тузоғига тушган минглардан бири бўлган. Гайданов, Дидоренко, Лаптевларнинг ноғорасига рақсга тушувчи Қаршибоевнинг ҳамкасблари совет қонуничилигидан олган билимлари, ҳаётий сабоқлари, имон ва дёнётлари кунгабоқар мисоли бўлмаганларида тергов қонуний олиб борилган бўларди-ку!

Яна улар суд даврида сўзларидан қайтиб, фалончилар тазийқи билан нотўғри кўргазма бердим деб, бемалол айтишган.

Қани улардаги имон!

Меҳмон отангдан улуг дейди доно халқимиз. Мабодо, Қаршибоевнинг уйига меҳмон келганда, ўзи меҳмон билан бўлиб, кўнгилга яқин тутган кишига бозор қилишни буюрган бўлса, бу халис хизматни бу қадар зид олдирмай халқимизнинг ҳисобли дўст ажралмас, деган нақлига амал қилиб Қаршибоевнинг ўзига сизда шунча оғишта пулим бор деса, ўша вақт, менимча; Қаршибоев берар эди-ку!

Иккинчидан, ўртоқ Расулов ўз арзномасида «Наҳотки қайта куриш ва демократия даври ниқоби остида баъзи бир журналистлар оқни оқ, қорани қора демасдан, виждон амрига итоат эмасдан, пала-партиш, бўлар-бўлмасларни ёзиб, ўзини қаҳрамон, қолганларни нодону кўр-қоқ деб ўйласалар!», деб ёзганлар.

Менимча, ўртоқ Расулов бу ажойиб жумлаларни фақат ўзгалар учун ундалма қилиб фойдалансалар керак. Кошқийди, ўртоқ Расулов ўзлари зикр қилган «қайта куриш ва ошқораликка» ҳаётда амал қилиб, гувоҳларнинг ўзгарган фикри асосида терговни қонуничи ўтказилганини кўрсатиб, одил ҳукм чиқарсалар эди, ўшанда Қаршибоевнинг ўзи, оила аъзолари, қавму қариндошларининг фигони фалакка етмаган бўларди. Уртоқ Расуловнинг «Панжара остидаги» бетоб касбдошининг қонли мактуби битилмаган, журналистлар асосида тазийқ этилмаган бўлардилар.

Уртоқ Расулов ўз хатларига «Уртоқ Тўхтабоев, менга айтишларига кўра, Сиз Қаршибоев билан бир қишлоқдан, шу ростми?», деганлар.

Жумҳуриятимиз президенти ўртоқ Исроил Абдуғаниевич ўзининг ҳар бир маърузасида, қишлоқдошлик, ҳамшаҳарлик, маҳалладошлик кадр-оқибатини эъзозлайлик, меҳр-оқибатли бўлайлик деб барча қарию ёшга хитоб, илтимос қилиб турган бир пайтда, мабодо, ўртоқ Тўхтабоев Қаршибоевнинг қишлоқдоши бўлган бўлса, Қаршибоевнинг барча феъл-атворини яхши билиб, уни ноҳақ жазоланганидан виждони қийналиб, ҳақиқат йўлида унга кўмак бермоқчи бўлган бўлса бунинг нимаси гуноҳ?

«Еш куч» ойномасининг ўтган йил 8-сонига босилган мактубда ўртоқ Расуловнинг кадр-қиймати озор етказилмаган эди. Ўз кадр-қиймати ва обрўсини ниҳоятда эҳтиётлайдиган ўртоқ Расулов ўзгалар кадр-қиймати, обрў-эътибори, фарзандлар келажаги деган тушунчаларни зийрак тафаккуридан дариг тутмаганида Гайданов, Дидоренко, Лаптевлар амрининг қули бўлмай одил ҳукм чиқарарди.

Ушанда эл-юрт олқишига сазовор бўларди. Уртоқ Расулов ўз хатларида, мен Қаршибоевга нисбатан атайлаб ҳукм чиқарганим йўқ. Қаршибоев йўл қўйган жиноятлари учун, панжара орқасида ҳукм чиққанган ҳозиргача тўғри ўтирибди, деганлар.

Инсон хато қилади, хатони фақат панжара тузатади деб ўртоқ Расулов воқеага бир томонлама қараб ўзларини одил қонуничи қилиб таърифлаганлар.

Менимча, ҳаёт катта мактаб. Олийҳиммат Ҳазрати инсон асосий борлиқ эканини ўртоқ Расулов мутлақо унутмасалар яхши бўларди.

Уртоқ Расулов судлов жараёнини бошқараётганларида рўпарасида касбдошларининг топталган кадр-қиймати, саросимада қолган оиласи, тарбиясига путур етётган жавдираб турган фарзандлари тақдирдан қалғитувчи гувоҳларнинг «30 сўм», «100 сўм» деган пора балосини устун қўйганлар.

Зайнаб ДУСТЕРОВА,
Косон шаҳар халқ таълими бўлимининг мудираси.

«Еш куч» журнали муҳаррири
Худойберди Тўхтабоевга

ОЧИҚ ХАТ

Мени журналингизнинг 1-сонига босилган «Қамоқда ётган полковник Қаршибоевнинг шикоят хати юзасидан мунозара... ва шу мавзуга оид мақолалар туркуми ларзага солди.

Чунки Қаршибоев ўзини фаришта, покиза қилиб кўрсатган бу мақолада уйдирмалар кўп. 1986 йилда бўлиб ўтган ваҳшийлик оқибатида мен ўғлимни йўқотдим. Ўғлим Қаршибоев уюштирган жиноятнинг қурбони бўлди. 6 норасида болалари, 17 йилдан бери ноғирон онаси 77 ёшга кирганимда мени ҳам чиқиратиб кетди. Эндигина кўника бошлаганимда ярам қаттиқ тирналиб, кўнглимдаги дард яна юзага чиқди. Қаршибоевни ҳимоя қилиб ёзган хатингиз мени гоят ранжитди. Чунки суд давомида айбини олган Қаршибоев вақт ўтгандан кейин тасомилга тескари гапларни айтмоқда. Қилган жиноятга тавба қилиш ўрнига яна одамларни қалғитмоқчи бўляпти. Суднинг бошидан охиригача иштирок этганман. Қаршибоев нималар дегани, саволларга қай тариқа жавоб берганини ёзиб олганман, ҳаммаси хотирамда бор. Журналда эса — менга тўхмат қилганлар, бир полковник бўлиб оддий ДАИ ходими билан шу ишларни қилардимми? — деган мазмунда ёзибди. Судда ўз оғзи билан мен Исоков билан Олимовни яраштириб қўймоқчи бўлиб учрашув ташкиллаштирган эдим деб айтганди. Буни Камолов, бузуқ аёллар ҳам исботлашган эди. Бундан ташқари, раҳматли ўғлим ўлдирилганлигини билса ҳам ҳеч кимга сир бой бермай юрди. Бунинг оқибатида 100лаб қариндошлар Сангзор дарёсини тўхтатиб ҳўб текширдилар, натижаси бўлмади. Улар ишдан қолиб оворай сарсон бўлдилар. Дарё суви тўхтагач, қишлоқ хўжалигига қанча зарар етказилди, буни ҳеч ким ҳисобга олмади!

Боламнинг жасадини Чироқчи ноҳия ички ишлар бошқармаси топгандан кейин бориб кўрдик, танидик ва олиб келиб дафн этдик. Қаршибоев эса буни инкор этган ва қабрни яна бир маротаба очдириб кўргандан кейингина унинг жинояти очилиб қолганлигини сизди. Унинг кирди-қорларини ёзаверса тугамайди.

Энди Камолов Гофурнинг гапига эътибор беринг. Ушбу ҳукм қонуничи ва ноҳақ, чунки менинг суд даврида келтирган ваҳшийликни инобатга олмади, яъни менинг ҳеч қандай айбим йўқлигини, ундан ташқари... тўхмат қилишга мажбур бўлдим деб ёзибди. Ахир ўғлимни уйдан олиб чиқиб кетган Гофурнинг ўзи-ку. Судда ҳам бўлиб ўтган қотилликни қандай содир этилганлигини айтиб берган эди, ҳеч ким уни зўрлаган эмас, у қандай ваҳшларни кўзда тутаяпти, ўзи. Хўп, тўхмат қилди дейлик. Лекин бу иш ҳали тугагани йўқ. Энди у жавоб берсин нима бўлганлигига? Авваллари Дидоренко, Гайдановлар томонидан асосиз қамалган, ҳуқуқлари поймол бўлган инсонлар тўғрисида газета ва журналлардан ўқиб, уларга кўп ачинган, Дидоренко, Гдлян, Ивановларга нафратимиз ошган эди. Лекин Қаршибоев ва унинг ҳамтовоқларини асосиз қамалиб, виждонлари қийналган инсонлар қаторига сира-сира яқинлаштириб бўлмайди. Мен жиноят бошида Қаршибоев турганлигига заррача шубҳа қилмайман. Шу ўринда сиздан муҳаррир сифатида 1988 йилнинг март ойида «Еш ленинчи» газетасида Саминжон Султоновнинг «Боши берк кўчага кирганлар», мақоласини журналда қайта чоп этишингизни сўрайман, чунки ўртоқ Султонов судда қатнашиб, ўзлари эшитиб, кўриб ёзганлар мақолани. Баъзи бир сохта обрў ортирмоқчи бўлган ноинсоф мухбирлар эса орқаворотдан, бўлган жиноятни бўлмадиға чиқариб қариллавердилар. Қаршибоев ўз мақоласида Торбин, Бондинлар билан бўлган келишмовчиликларни ёзибди. Бўлса бўлгандир, лекин уларнинг судга нима даҳли бор! Ахир у порахўрлиги ва қотилликка алоқадор бўлгани учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Сиз ёзганингиздек, бизда ҳам демократия ва ошқоралик бўлсин, тантана қилсин, ноҳақ қамалганлар озод қилинсин, лекин Қаршибоевга ва унга ўйшаган виждонини, имонини ютиб юборган ифлослар эмас. Авваламбор суд материаллари, протоколлари билан танишиб чиқинглар, ўртоқ Муҳаррир. Ахир ўзингиз ҳам Ҳошимжон обрўда қаллобликларга қарши курашгансиз. Халққа текшириб кўрилган, адолатли ҳал қилиниши керак бўлган материаллар керак, бунақа уйдирма ва халқ фикрини қалғитадиган сафсаталар эмас!

Бу гўрсўхта Қаршибоевни Жиззах халқидан сўранг қимлигини. Унга иши тушганлардан сўранг! Журналда оқловчи билан суҳбат ҳам эълон қилинбди. Назаримда оқловчи ақли заифлардан баттар фикр юритибди. Масалан: 2 август куни Исоқ Олимов Сангзор каналига оқиб кетган, буни учала шахс тасдиқлаган, бу бир бахтсиз ҳодиса деб ҳисоблайди. Эс-хуши жойида бўлган одам қаердан олди учала шахс тасдиқлаган сўзини, судда бу тўғрида гап бўлгани йўқ, қолаверса Сангзорга оққан одам қандай қилиб Чироқчи районидеги «Москва» каналига бориб қолади? Яна сўзининг охирида «мен буларнинг оқлашишига ишонаман» дебди. Бундай мантиқсиз, ахмоқона сўзларни босиб чиқарганингизга ҳеч тушуна олмаман.

Мени ажаблантирган, ўйлантирган яна бир томони менинг уйимга муҳбир Муҳаммад Луқмоновман деб ўзини таништирган йигит келди. Газетадан тополмадим уни. Кейин билсам боламнинг уйига борган экан ва ўзини Муҳаммад Луқмонов «Еш куч» журналиданман деб таништирибди. Энди эса Ш. Акбаров чиқиб қолди. Ишқилиб, ниятларинг Қаршибоевни озод қилиш бўлса, майли, ҳаракат қилаверинглар, бирон нима униб қолар. Менинг ҳам кўпдан кўп саволларим жавобсиз қолган эди. Улардан энг асосийи ўғлимнинг боши қаерда? — Бунга албатта жавоб топишим керак.

Иброҳим ОЛИМЖОНОВ,
2-гурӯҳ ноғирони,
Жиззах шаҳри.

Мен Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманига қарашли «ВЛКСМ 50 йиллиги» давлат хўжалигининг Хўжаулкан қишлоғида оддий ишчи бўлиб хизмат қиламан. Хурматли «Еш куч» журнали, мен сенинг 1991 йил, 1-сонинг босилган Сирдарё вилоят судининг жиноий ишлар судлов коллегияси раиси Расулов У. Д.нинг «Еш куч» журнаliga йўллаган хатини ўқиб, наҳотки ҳозирги қайта куриш, ўзлигимизни ҳимоя қилишда президентимиз Қаримовнинг чиқараётган халқпарвар қонунлари ҳали ҳам Расуловдек раҳбарларга бориб етмаган бўлса деб ўйладим. Хурматли «Еш куч» журнаliga, севимли ёзувчимиз Худойберди Тўхтабоевга истагим шуки, ҳеч қачон ҳақиқат турганда ҳақсизлик йўлига ўтман.

Райим МУСТАЕВ,

34 ёшга кириб биринчи марта сизга хат ёзишим. Камчилик бўлса кечиринг.

Мен «Еш куч»нинг 1990 йил, 8-сонигаги Қ. Қаршибоевнинг «Панжара ортидаги бегуноҳларни ўқиб...» мақоласини ўқиб жуда ҳам ҳаяжонланиб, эзилиб кетдим. Мен шунчалик хўрликка, зулм-ноҳақликка чидаб келаётганлиги учун хурматли Қайнар Қаршибоевга айтмоқчиман — «Ҳақиқат эғилади, букилади, лекин синмайди», ёруғ кунларга оз қолди, худо сизга куч-қувват берсин.

Мусалламхон ЙҮЛДОШЕВА,
Фаргона вилояти Киров тумани.

Таҳририятдан:

Молнинг шохига урсанг туёғи зирқиди,

райди, деган ҳикмат бор. Бир кишига

қилинган ноҳақлик ва адолатсизлик бу-

тун жумҳурият фуқаросининг қалбини

изтиробга солиши турган гап. Гдлян-Ива-

нов концепцияси Олий кенгашимиз де-

путатлари томонидан қораланиб, жум-

ҳурият бошига тушган қора кунлар деб

баҳооланди. Юзлаб ноҳақлик қурбонла-

ри озодликка чиқарилди. Афсуски, ҳа-

қиқат тантанаси ҳали охирига етгани

йўқ. Қ. Қаршибоев тақдир орқали бу

ноҳақлик, ҳақсизлик қурбони бўлган

минглаб жабрдийдалар ҳақида баҳс юри-

таяпмиз. Тўғри, — Гдлян-Ивановлар тў-

даси Олий раҳбарларимиз айтганидек,

«Чиққан жойига кириб кетишди», аммо

улар туфайли жабр ва зулм кўрганлар

Ҳақиқат ва Адолат тантана қилишини

тоқатлари тоқ бўлиб, бетоқат кутмоқда-

лар. Шу Адолат ва ҳақиқатни Жумҳу-

рият прокуратураси, Олий Суди ва энг

Олий ҳакам — жамоатчиликдан кут-

моқдалар.

قواعد فقهية

ҚАВОИДИ ФИҚҲИЯ

(Давоми, бошланиши ўтган сонда)

Масалаларнинг бири диний эркинликка зоҳирани хилоф бўлган муртадни (диндан қайтувчини) қатл этиш масаласидир. Яна бири шахсий эркинликка тамоман муҳолиф бўлган асорат (асрга) олиш масаласидир.

Ҳадис ва фикҳ китобларида баён қилинишича муртад-да қатл қилинур. Эрларда шу масала ижмоиядир (яқдиллик билан), хотинларда жумҳуриядир. (кўпчилик овоз билан қабул қилинган).

Шу масалада фақиҳларнинг далиллари:

1. Ибни Аббосдан ривоят қилиндики, Расуллиллоҳ дедилар: «Кимки динни ўзгартирса уни қатл этинглар». (Имом Бухорий ривояти.)

2. Муоз ибн Жабалдан ривоят қилиндики, «Исломига кириб сўнг яхудийликни қабул қилган кимса ҳақида сўралганда «Аллоҳ ва унинг росулининг ҳукми уни ўлдирмагунча у билан ўлтирмайман». (Муттафақ ривоятур).

3. Қуръондан: «Кимки исломдан бошқа динни истаса бас унинг ўша дини ҳеч қачон қабул қилинмайди», яъни у шу ҳолда қолдирилмайди, балки тавба қилдирилади, тавба қилса қилди, — қилмаса — ўлдирилади.

Фақиҳлар бундай далилларга суюниб, эр ё хотин бўлсин — қатл этарлар. Динга ҳам диннинг интизомига ҳалал бермаслик учун эмиш. Зеро бу, динни ва бирликни сиёсат назарида, давлатни, маданиятни муҳофаза қилиш бобида энг яхши йўл шу эмиш. Муртаднинг ўлдирилиши бу диннинг ҳурмати ва унинг бирлигини сақлаш (ҳимоя қилиш) учун бир чорадир. Чунки дин ва унинг бирлиги маданий низомнинг негизидир (цивилизация) демиш фақиҳлар. Қатли муртад масаласида ислом фақиҳларининг далиллари шудир.

Аммо бизнинг хусусий фикримизга кўра, Қуръони каримда муртаднинг ўлдирилишига далолат қиладиган оят ё бир сўз йўқдир. «Фалай йўқбал минху» каби жумлаларни даъвога мувофиқ тарзда тафсир қилинганлиги сабаби ила Қуръони каримнинг мўжиз назми каримида далил бўла олишлиги лозим эмас. Кимки исломдан бошқа динни истаса (қидирса) бас, унинг ўша дини ҳеч қачон қабул қилинмайди, яъни у унга ҳақиқий дин бўла олмайди, чунки унинг бу дини Аллоҳ олдида ўтмайди маъносида келган ояти карими муртаднинг қатлига йўйиш назми каримнинг (чучур маъносига) муносиб бўладиган даражада кенг ва моҳиятини англатувчи тафсир эмасдир.

Қуръони каримда иртидод — диндан қайтиш (диндан тойиш) масаласи бир неча бор зикр қилиниб, жазоси ўлим эканлиги ҳеч бир даъвога зикр қилинмаган.

Табиат тақозоси билан ҳамда мутлақ ҳурриятдан юзага келган тафовут инсонлараро бор экан ва бўлишлиги лозим экан «барча инсонлар ҳуқуқ ва вазибаларда баробардурлар» демоқдан мақсад надур?

Ҳақиқатни янада гўзал англамоқ учун сўзни бир қадар узайтмоқ муносиб бўлса керак.

«Улар (кофирлар) кўллари билан келса то диннигиздан қайтаргуларича сиз билан урушаверадилар. Сизлардан ким ўз динидан қайтиб, динсиз ҳолда ўлса, ундай кимсаларнинг қилган амаллари дунёо охиратда беҳуда

кетеди. Улар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажақлар». (Сураи Бақара, 217-оят.)

«Эй мўминлар, сизларнинг орангиздан кимда-ким динидан қайтса, Аллоҳ бошқа бир қавми келтирурки, Аллоҳ уларни яхши кўрур, улар Аллоҳни яхши кўрурлар. Улар мўминларга раҳмдил, динсизларга эса қаттиққўл бирон маломатгўйнинг маломатидан қўрқмай Аллоҳ йўлида курашадиган кишилардир». (Моидда сураси, 56-оят.)

Бунинг каби оятларда жазо баён этилар экан қатдан сукут этилганлиги бизнинг даъвомизга бир қадр шохид бўла олади. (Муаллиф муртадни қатл этиш-этмаслик баҳсида кўпгина далиллар келтиради — тарж.)

Исломининг аввалида муртадлар жазоланишининг иккинчи сабаби: мунофиқ ё кўрқиб ёхуд юзаки, тутуруқсиз тарзда исломиятни қабул қилишдан бошқа миллатларни оголантириш эди. Яъни, исломни қабул қиладиган бўлсалар ҳақиқий учунгина қабул қилсинлар. Онгсизларча (кўр-кўрона), далилсиз, ёлғиз исломнинг шавкатидан кўрқиб қабул қилишлик соҳиб шариат назарида эътибори йўқ. Шу ваз исломиятда зўрликнинг йўқлигига алоҳида бир далил бўлаолади. Шариат — бир гараз билан исломни қабул этганларнинг қабулларини ҳисобга олмайдиган бўлса, қилич кучи билан даъват этадиган сўзни албатта ҳисобга олмайди, у сўз ботил қолур! Муртадликка жазо бериш масаласида буюқ фақиҳларнинг ижмоъларига (бир овоздан қабул қилинган ҳукм) муҳолиф фикр айтмоққа журъат этдик, зеро, қилич инсонни зоҳирий нарсаларга зўрлай олса-да, инсоннинг эътиқодига, виждонига зараралик таъсир ўтказоолмас. Инсоннинг қалбига йўл тополмаган эътиқод ва иймон шариат назарида эътибори йўқдир.

Ёлғиз тилда айтилган иймоннинг ҳам, куфрнинг ҳам ҳукми йўқдир. Муртадни жазолашдан мақсад қалбан иймонга келтирмоқ бўлса, жазо билан ундай иймонни ҳосил қилмоқлик мумкин эмасдир. Иймони — зоҳирий бўлса, ундай иймон шаъран ҳисобга олинмайди. Тақдирнинг тақозоси билан муртадларнинг жазолашдан маъқул бир мақсаднинг бўлиши мумкин эмас. Аммо буюқ бир зарари бор: қалбан исломдан қайтган, ёлғизгина кўрқоқлигидан қиличдан кўрқиб, ислом либосига бурканиб олган пасткаш хабисдорларни уммати муҳаммадия аззоси деб санамоқлик зарар. Жамиятда ундай аззоларнинг бўлишлиги ҳар жиҳатдан зарарлидир исломиянинг улурлигига ҳам бир қадр зиддир. Ҳар миллатда сиёсий фасодларнинг (бузулишларнинг) аксари ана шундай фосид (мунофиқ) аззоларнинг таъсири билан бўлиб келмаганми? Улуғ фақиҳларнинг ижмоъларига бизнинг раъйимиз қарама-қарши бўлса-да, мулоҳазаларимиз Қуръони каримнинг бир қанча оятларига таянадир. Чунончи, «Динга зўрлаб киритиш йўқ, (чунки) ҳақ ботилдан ажраб бўлди».

...Бир илмий масалада муҳолиф ёки мувофиқ сўз сўзламоқ улуг фақиҳларнинг шанларига, ҳурматларига тажовуз бўлмай балки, у буюқларга иқтидо (эрғашш) бўлур. Буюқларга иқтидо қилиш — фикрлаш қувватини бекор ташлаб қўйиб (қотириб) қўйиш бўлмай балки илмий масалаларда у

буюқлар каби ҳаркат қилиб, ҳақиқатни талаб этмоқдир.

3. Шариати исломиядаги мўътабар зарурий мақсадларнинг учинчиси — ақлнинг ҳимояси деган эдик. Инсоннинг инсонлиги унинг ақли билан, саодати-да ақлнинг камоли биландир. Бунга кўра ақлни ҳимоя қилмоқ, ақлнинг камолатига саъю-ҳаракат қилмоқ — ислом шариатида мўътабар рукнларнинг бири қилинмишдир.

Ақлнинг ҳимояси икки жиҳатдан бўлур: бири — ижобий жиҳат, яна бири — салбий жиҳатдир.

Салбий жиҳатдан ҳимоя қилмоқ — инсоннинг ақлига зарар бера билур ёки қочирадиган нарсалардан ақлни сақламоқдир. Қайфлантирувчи, маст қилувчи ва шунга ўхшаган нарсаларнинг умумий тарзда ҳаром қилиниши шу мақсадга асослангандир. Ақлнинг ижобий жиҳатдан ҳимояси — таълим, тарбия, тафаккур ва ижтиҳод билан бўлади. Ақлнинг инсоннинг руҳига нисбати ҳаётнинг баданга нисбати кабилдир. Ҳаётнинг баҳоси ва баданнинг ўсиши (ривожланиши) учун тарбия нақадар зарур бўлса, ақлнинг давомийлиги ҳам, ўсиши учун ҳам таълим ва тарбия шунчалик зарур ва лозимдир.

Қуръони каримда тарбия ва таълимнинг аҳамиятига далолат қилувчи бир қанча оятлар бордир. Бир қанча туғул, балки тамоми Қуръони карим — тарбия, таълим, тафаккур ҳамда ижтиҳоднинг (ўйлаб бирор хулосага келиш) аҳамиятини, заруриятини англатувчи кўрсатмадир.

Энг аввал нозил бўлмиш «Икра» сураси: «Яратган парвардигорнинг номи ила ўқи! Инсонни куюқ қондан яратди. Уқигил ва сенинг парвардигоринг ҳаммадан зиёда қарамликдирки, инсонга қалам ила илми ўргатди, инсонга танитди билмаганларин!»

Ушбу ояти карималари — Қуръони каримнинг ҳамда исломиянинг ўқиш, ёзиш ва илмларга (билимлар) асосланажagini очиб баён қилмишдир. Энг олижаноб Аллоҳу карим тарафидан берилажак эҳсонларнинг энг қатъаси ўқимоқ, ёзмоқ ва илм ўрганмоқ бўлмаса эди, Қуръони каримнинг энг биринчи оятларида шу уч эҳсон — яъни, ўқимоқ, ёзмоқ ва илм ўрганмоқ зикр қилинмасдан балки янада буюқроқ эҳсонлар зикр қилинур эди. (Юқоридаги ояти каримада Аллоҳ таоло ўзининг энг олижаноб зот эканлигини ўша уч буюқ неъмат билан таърифлапти — Тарж.) Исломининг ўқимоқ, ёзмоқ ва илм ўрганмоқдан ҳам муҳимроқ асослари бўлганда эди, Қуръони каримнинг энг аввалги оятларида ўшал асослар зикр қилинган бўлур эди.

Нубувватнинг (пайғамбарликнинг) биринчи йилларида «Фотиҳа» сурасидан сўнг энган «Нувн, қасамдур қаламга ва ул нарсаларгаки, аҳли қалам ёзурлар» ояти каримаси ислом назарида қаламнинг ва қалам ила ёзиладиган илмларнинг ҳар нарсдан аҳамиятига далолат этадиган бир далилдир. Зеро, аҳамияти қалам билан илмнинг аҳамиятларидан каттароқ бир мақсаднинг бўлишлиги мумкин бўлса эди Аллоҳ ҳазратлари энг аввалги қасамда ўша мақсаднинг аҳамияти ва буюқлиги сабабли қасам этар эди, Қуръони каримнинг энг аввалги (биринчи) сураларида қалам билан билимнинг аҳамияти зикр қилинган экан, исломиятнинг қалам билан илм асосларига қурилиши энг очик суратда баён қилинган бўлади.

Ақл тарбияси икки йўл билан бўлади: бири — мактаб, мадрасаларда ва муаллимлар, ҳақимлар ҳузурнда ёхуд ота-она кўлида ё бўлмаса жамиятда инсонларга аралашини орқали бўлади. Ушбу тарбия бировнинг таъсирида ҳосил бўладиган тарбиядир. Ҳар инсон учун, айниқса ёшлар учун энг муҳим тарбия шу тарбиядир. Инсоният (инсон) жавҳарида яди эҳсон (эҳсон қилувчи қудрат билан) «экилган» (битилган) қобилиятларнинг тўғри ё бузуқ бўлиши ҳам шу

тарбиянинг яхши-ёмонлигига бўйсунди. Шориъ акбар алайҳиссаломнинг (Муҳаммад алайҳиссаломнинг) «ҳар ким туғилганда беғуноҳ туғулди» деган сўзлари шунга ишорадир. Файласуф Абул — Аъло шу маънони баён йўлида демишки; (Маъноси) отанинг тарбиясига қараб, бола катта бўлади. Боланинг ота-онаси ва қариндошлари хоҳласалар уни мусулмон ё мажусий этадилар.

Инсонларнинг келажагида бахтли ё бахтсиз бўлиши тарбиясининг натижаси бўлса, тарбиянинг аҳамияти нақадар буюқ бўлади.

Ақлнинг тарбиясидаги иккинчи йўл: тафаккур, ижтиҳод йўлидир. Таълим-тарбия баракиси ила ақлга қувват, истеъдод ва рушд олган инсон — таҳсил қилган билимларнинг, маълумотнинг кўмагида тафаккур ҳам ижтиҳод қиладиган бўлса, у инсоннинг ақли ҳам малумоти тўхтовсиз тараққий этади. Бир инсоннинг биринчи тарбияси жуда яхши бўлса-да ақли ишсиз, фикри бекор қоладиган бўлса, у инсоннинг ақли аввалги ҳолига қайтади.

Шу икки нави тарбиянинг ҳар бири — ақлнинг тараққийети ва саломатлиги учун гоят муҳимдир.

Инсоннинг ҳаётда саодати, илм ва саноатнинг бунчалик тараққийети Аллоҳнинг халифаси сифатида ер юзида инсоннинг ҳуқумдорлиги (бўла олишлиги), умуман инсон ҳаётида аҳамиятли нарсаларнинг ҳар бири ақлнинг тарбияси баракиси билан ҳосил бўла олдандир.

Файласуф Абул Аъло ҳазратлари «Ал-Лузумийоот» да демиш: Фикр — энг йироқ, энг яширин (сирли) нарсаларни кашф этувчи нуридир. Ақл битмас-туганмас ва нақадар олунур эса-да қуримас, бир баҳри муҳитдур (океан). Ақл ҳамма ҳайратнинг (яхшиликнинг) манъбаидир.

Инсон ақлининг шу қадр аҳамиятига кўра, ислом шариати Қуръони каримнинг жуда кўп оятлари билан инсонларни тафаккур, тазақкур, таъаққул (ўйлаш, фикрлаш), тадаббур (ўйлаб, ақл билан иш юритиш), тафаққуҳ (билиш, тушуниш) этишга энг ҳақимона услублар билан доимо даъват этади. Энг катта фаразлардан ҳисобланган рўза Қуръони каримда ёлғиз бир-икки дафъа зикр қилинмиш, лекин ақл юритишга бўлган инсонларни даъват Қуръони каримнинг, муболагасиз, ҳар бир ояти каримасида бордир.

Қуръони карим инсонларни борлик оламнинг, яъни кўқларнинг, ерларнинг, унсурларнинг (элемент), моддаларнинг ажиб сирларини ва мавжудлик аломатларини мутоала этишга таъсири сўз услубларининг барчаси билан даъват этмаюрми? (Муаллиф ўз фикрини тасдиқловчи қатор оятлар келтиради — Тарж.)

Қуръони каримда нақл қилинган қиссаларнинг ҳар бири ижтимоий қонунлардан намуна сифатида нақл қилиниб инсонларни ижтимоий ҳаёт қонунларидан баҳс этиб туришга одатлантириш йўлида нақл қилинган. Қуръони каримда зикр қилинган қиссаларни диққат билан мутоала эта олган инсон — ижтимоий ҳаёт асосларини ё ҳеч бўлмаганда ўшал асосларнинг алифболарини у қиссалардан албатта ола билур.

Ақлнинг эркинлиги ислом шариатининг мўътабар энг муҳим рукнларидан биридир. Инсоннинг саодати-га, ҳамма тараққийети-га манба — ёлғиз инсоннинг ақлидир. Инсоннинг ақли ҳам нуру, ҳам оби ҳаётдир. Қуёшнинг нуридан фойдаланишга ҳар инсоннинг қанчалик ҳаққи бор бўлса, ақлнинг нури ҳам, ҳуррияти ҳам шунчадир, ақлнинг асари (натижаси) бўлган илму маориф, хунару саноат тамомила ҳурдир.

Инсоннинг ақли-шарафи ҳам буюқ аҳамияти жиҳатидан ҳар қандай тўсиқдан — чегарадан устундир. Инсон ақли чекланишни (маҳбусликни), тутқинликни табиатан (инкор этади). Чегара тортилган тақдирда ҳам инсоннинг ақли ҳеч бир вақт у чегарага

Қоғам Философияси

Қавоиди Фикҳия

итоат этмас, илм ва маорифнинг ҳуррияти ҳам ҳеч бир ҳудудни кўтаролмас.

4. Мўтабар зарурий мақсадларнинг тўртинчиси — «Мулкнинг ҳимояси» деган эдик.

Шу зарурий мақсадни таъкидлаш ва қувватлаш учун ислом шариати мулкдорлик ҳуқуқини инсоннинг энг муқаддас ҳуқуқлари жумласидан ҳисоблади. Бошқа ўринда мулкдорлик ҳуқуқини бир қадар ёритган эдик, У ердаги бизнинг баёнимида кўра мулкдорлик ҳуқуқи ҳам табиий, ҳам шаръий бир хос ҳуқуқдир.

Ҳаёт оламида бор шахсларнинг ҳар бири ё илҳомини ёхуд бир фикрнинг орқасидан ўзининг табиатига мувофиқ мақсадига эришмоқ йўлида бор қобилияти билан сайъ-ҳаракат қилади. Ҳаётни, сиҳҳатни ва камолатни келтирадиган нарсаларни қўлга киритмоқ учун бўшашмасдан ҳаракат қилади (куч сарфлайди). Ҳайвон бўлсин, инсон бўлсин ўзининг ҳолига қараб мақсадларига эришмоқ йўлида бир ўткир қонун ҳукмига бўйсуниб ҳаракат қилади. У қонуннинг ҳукми билан тирик махлуқларнинг ҳар бири — ҳаётлари (тирикликлари) учун ҳожатлари тушадиган нарсаларга молик бўладилар (эга бўладилар.) Яъни, «шу нарса ёлғиз меникидир» дея олади. Агарда бундай бўлмаса эди тирик махлуқларнинг ҳеч бири — ўзларининг вазибаларини тўлиқ бажаролмасдилар ҳамда ҳилқатларидаги (яратилишларидаги) мақсад йўқолар эди.

Шу ҳақиқатни Қуръони каримнинг урфи билан баён қилиб, ислом шариати назарида мулкчилик ҳуқуқини кўрсатган эдик: ер юзида бор нарсаларнинг ҳаммаси ҳайъати мажмуъаси эътибори ила инсоният учун Аллоҳ тарафидан мулк қилиб берилган деган эдик. Мулкдорлик ҳуқуқи эътибори билан ҳақ бўлмасдан, инсоннинг асли яратилишидан (табиатидан) келиб чиққан (назаран) бир табиий ҳуқуқ деб айтган эди. Зеро, Аллоҳ инсон зотини яратди, бизнинг ақлимига қоронғу бир тоқим (комплект) илоҳий мақсадлар тақозоси билан инсон зотини ер юзида халифа этди, инсонни малик (подшоҳ) этиб қўймасдан, бақоси (яшаши) учун ҳисобсиз нарсаларга муҳтож бўладиган фақир қилиб қўйди: инсоннинг ҳожатларига ярайдиган ҳисоби йўқ нарсаларни, хазиналарни роббиси эканлигининг тақозоси билан ер юзида аямай эҳсон этти. — Албатта инсонларга эҳтиёжни берган Қарийми мутлақ у эҳтиёжни қондиражак нарсаларни-да берур. Исломиётда мулк-шудир.

Мулкнинг моҳияти: ўзгаларни (беғоналарнинг) фойдаланишдан ва тасарруф қилишдан (ҳуқуқларини) маҳрум (ман) қиладиган йўсинда бир молнинг бир инсонга ёхуд бир жамоатга хослигинидир. У ихтисос (хослини) сабабидан ўша мол эгаси, у молнинг рақабасидан (ўзидан, яъни хоҳласа фойдаланади-хоҳламаса — йўқ), манфаатларидан фойдаланади. Ҳам рақабасидан, ҳам манфаатларидан ҳар турли тасарруфларни амалга ошира олади (ижро эта олади): истаса у молни ҳибс этади (ушлаб туради) истаса — талаф этади (ишлатади), истаса — бошқаларга мулк қилиб беради. Шу маъно ила мулк инсоннинг ҳуқуқи зотиясидандир.

5. Шариати исломиётдаги мўтабар зарурий мақсадларнинг 5-си хифзи наслдир (насли сақлаш) деган эдик. Наслни сақлаш — инсониятни халифалик (Аллоҳ таолонинг) сифати билан бирга бақосини (бардавмлигини) таъминламоқ демакдир. Шариат ҳукмларининг аксарияти шу муҳим мақсадга хизмат этади. Инсониятнинг бақоси, манфаати ва тараққиёти учун

энг мувофиқ, энг соғлом низоми — савий шариатлар тили билан инсонларга таълим қилинган, ҳамда шу кунда ҳаммамизга маълум бўлиб кетган эр-хотинлик низоми.

Эр-хотинлик — оилани, оилалар-ижтимоий жамиятни ташкил этадилар. Шунга биноан маданият жиҳатидан энг гўзал ижтимоий жамият эру хотинлик асосига қурилгандир. Эр-хотинлик бўлмаса эди оталик, болалик, қариндошлик каби яқинликлар қолмасдан биринчи бўлиб оила, кейин эса жамият ботил (бузилиш, зарурий шаклини йўқотиш) бўлур эди.

Ҳар бир инсон алоҳида инсониятнинг бири (бўлаги) бўла олса-да, жамиятнинг бири бўла олмас, инсониятнинг турли мақсадларидан назар ташласак, ҳар бир фард (шахс, индивидум) ўзи алоҳида яқка ҳолда ноқис (нокомил) бўлиб, жамиятда энг мукаммал воҳиди қиёсий (қиёсий бирлик) эса — оиладир. Энг содда оила бир эркак ва бир хотиндан иборат бўлиб шу иккисидан ҳар бири «бутуннинг» ярми кабидир. Бир ярмининг нуқсони бошқа ярмининг қамоли ила камолатга етказилиб инсониятнинг энг мукаммал бирлиги шу тариқа ҳосил бўлади. Эрлар билан хотинларнинг табиий тамойиллари (мойиллик) ҳам гўё ўзларининг нуқсонларини сезгандай ўша нуқсонларни тўлдирмоққа ҳаракат этмоқдан иборатдир. Эр-хотинлик ҳар тарафдан руҳий қувватларни кучайтиради ва кенгайтиради. Уйланиш таъсиридан ҳар икки тарафнинг ахлоқий ва фикр юритиш қувватлари ўсади. Хотинларнинг гўзал бўлган қалбларидаги сифатларидан эрлар, эрларнинг ақлий қувватларидан эса хотинлар истифода этадилар.

Жуфтликни Аллоҳ таоло ўзининг энг буюк неъматлари қаторига қўшганлиги оят баалоғатидан билинар экан, демак, шариати исломия назарида никоҳ ижтимоий манфаатларнинг энг буюги бўлиб қолади. Ибодатлар билангина шугулланиш қасдида уйланишни тарк этмоқ — исломият суннатиға муҳолиф (зид) деганлар. «Уйланиш (никоҳ) исломиятнинг суннатидир, у суннатдан бош тортган кимса исломиятдан ташқаридадир» каби энг қатъий тарзда буйдоқликни ман этганлар.

Имоми Аҳмад, имоми Абу Довуд, имоми Насоий, имоми Ибни Хаббон ҳазратлари саҳобий Ибни Молик ҳазратларидан ривоят этишлар: Расулulloҳ жаноблари турмуш қуришлар деб буюрар эдилар, турмушсиз ҳаётдан қатъиян қайтарар ва оила барқарорлиги учун севимли, меҳрли аёлга, ислом миллати манфаати учун эса болажон аёлларга уйланинг дер эдилар.

«Эй, инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан кўрқингиз!» Шу ояти карима далолатига кўра, Аллоҳ ҳазратлари энг аввал инсон зотининг фардларини (яқка-яқка ҳолда) ер юзидан нашр этмиш (тарқатди), сўнгра инсоният оламида никоҳни (эр-хотин бўлиб турмуш қуришни) яратмиш-да, фирош шуйуъ (умумий тўшак) да эмас, балки никоҳ тўшагида туғилган эрларни, хотинларни тарқатмиш.

6. Шариати исломиядаги мўтабар зарурий мақсадларнинг бири «хифзи ирд», яъни ор-номусни ҳимоя қилиш деган эдик.

Ирд (номус) деб инсоннинг инсонлиги ва ақли жиҳатдан ҳосил бўладиган кароматига (иззат-нафси, қадр-қиммати), ахлоқий қийматиға, номусига ҳамда ўз ҳиммати ила (ҳаракати билан) касб қилинган (топилган) эътиборига айтади. Яъни, ирзнинг икки нави бордир: бири — бизнинг урфимизда «номус» деб таъбир қилинадиган инсоний — каромат, яна бири — бизнинг урфимизда «эътибор» (обрў) деб таъбир қилинадиган касбий кароматдир (топиладиган). Номус — ин-

соннинг зотига, ҳар бир фардига (шахсига) вужуди, ҳаёти баробар яратувчи — холиқ тарафидан эҳсон қилинган бир ҳаққи зотиядир (хос ҳуқуқдир). У инсондан ҳеч бир вақт ажрамайди. Инсон нақадар разил бўлса-да, номуси ҳамон бордир (сақланиб қолади). Шунга биноан табиий кароматига зид ҳаракатда бўлмоқ инсоннинг ўзи тарафидан-да, ўзгалар тарафидан-да асло мумкин эмасдир. Эътибор эса, инсоннинг ўз ҳиммати ила (ҳаракати) ҳосил бўладиган бир касбий обрўдир. Эътибор бир касбий номусдирки, инсоннинг қилган ишлари амалларидан, ҳимматидан келиб чиқади. Инсоннинг ҳаёти давомида аҳволи турлича бўлади. Баъзида (кўпайиб) ортиб, баъзида тушиб кетади. Ирзнинг ҳар икки нави шариати мўтабардир (бор деб ҳисобланади).

«Валақонд карромнаа баний одама», яъни «инсонни аслий ва касбий каромати билан ҳурматлантирдик». Инсоннинг кароматига номусовиқ ҳаракат ким тарафидан бўлса-да мамнуддир (ман этилгандир).

«Ҳар бирингизга қилган амалларингизга яраша». Шу икки ояти карима инсоннинг каромати касбиясига оиддир. Яъни, инсоннинг Аллоҳ ва одамлар олдидаги обрў ва эътибори қилган амали билан бўлиб, амалнинг (қилган ишининг) даражасига қараб обрў ва эътибори ҳам турлича бўлади. Лекин бирор даражада бўлса ҳам эътибордан маҳрум инсон бўлмайди. Амали ила ҳар бир инсоннинг бир қадар бўлса-да, эътибори бўлади.

Шариати исломияда гийбатнинг ҳаромлиги — инсон номусининг эъзозланишиға асосланади. «Улик ҳолдаги биродарингизнинг гўштини емоққа кўнглингиз тортадими, бас, сиз ея олмайсиз». Аллоҳ таоло йўқ одамнинг орқасидан гап қилишни ўша одамнинг ўлигини ейиш билан баробар деяпди ояти каримасининг далолатига кўра, инсоннинг номуси (шахсияти, иззат-нафси) қони кабидир. Инсоннинг қони нақадар муҳтарам бўлса номуси ҳам шу қадар ёки ундан-да зиёда муҳтарамдир.

Бир оз ақли бор инсон — албатта ирзнинг муҳтарамлигиға табиатан рағбат этади. Шу рағбат инсонларда ҳимматнинг, мурувватнинг тафовути ила тафовутли бўлади. Инсон шу рағбатнинг тақозоси (талаби) билан номусининг (ирзини) саломатлиги йўлида молларини фидо этади. Баъзи ҳолатларда ана шу рағбати доияси (чакирувчи рағбат) кучлилик қилиб инсон ор-номуси, каромати йўлида мол-дунёси у ёқда турсин, жонларини фидо этади.

Инсон обрў ва шарафи, улўлиги — шу рағбати-доиясига мутаносиб бўлади: ирзнинг ўз-ўзини ҳурматлаши жуда кучли бўлса, у инсон инсоний ташқи фазилатлар билан гўзал суратда зийнатланган бўлади, барча инсоний фазилатларга эга бўлади, бўлмаган тақдирда лоақал уларни эгаллашга сайёо-ҳаракат қилади. Агар ўша рағбати доияси заиф ва кучсиз бўлса, инсон инсонийлик даражасидан ҳайвонлик даражасига тушиб қолиб, фазилатларга майли ва қабоҳатга нафрати (жирканиши) заифлашади. Мабодо инсоннинг қалбида номуснинг муҳтарамлигиға бўлган рағбати (ирзнинг муҳтарамлигиға рағбати) дан асар қолмаган бўлса ундай инсон ёмонликнинг (фаҳш) ва қабоҳатларнинг ҳар бирини ошқора касб қилиб олмоққа ёки фаҳшлар (умуман ёмон иш) билан фахрланишга гача боради. Ундай инсон эса ор-номус қонунидан ташқарида бўлган разил ё энг даҳшатли махлуққа айланаиб қолур.

Инсоннинг характерида мавжуд «хусни эҳтиром» инсонлар ҳаётида энг аҳамиятли гоят шариф бир ҳисди. У фазилатларга мойилликнинг ва розолатдан тийилишнинг энг яхши меъзонидир. Шу ҳиснинг жамият аъзоларининг ҳар бирига тарқалишга, мустаҳкамлигиға мутаносиб суратда ижтимоий манфаатлар амалга

МАЪНАВИЙ МЕРОС

ошади. Ҳайъати ижтимоияда (жамиятда) инсонларнинг хиёнатдан тийилишлари, омонат (тўғрилиқ) ва инсоф каби фазилатларга эга бўлишлари — номуслари ила қалбларидан ўрин олган ҳисси эҳтиромлари билан мутаносиб бўлур.

Инсонлар ҳаётида ирзнинг ана шундай аҳамиятини ҳисобга олиб, шариати исломия инсон номусининг даҳлсизлиги ҳақида эътиборсизлик қилмади. Уларнинг ирзларини ҳурмат қилган инсонларни, ирзларини ҳурмат ва эҳтиром қилиб, инсоннинг ирзига, обрўсига, номусига қарши ҳаракатдан ва сўздан борида ҳам йўғида, ҳар бир инсонни қатъиян қайтаргандир. Бир инсон ўзининг ирзига, номусини ҳурматлаб, адабсиз нарсаларни одамларнинг кўз олдида қилишдан сақланур эса, яъни адабга хилоф нарсаларни ошқора равишда қилмасликка этадиган даражада ҳаёси бўлса, ундай инсонни киноя билан бўлсин ёки очикчасига бўлсин ҳақоратламоқ мутлақо ман қилингандир. Инсоннинг ирзига тажовуз қилишдаги жиноят аниқ бир кўринишга (шаклга) эга эмас, балки ҳар хил ҳолатда турличадир. Жиноятнинг таъсири ҳам ҳаммага ҳар хил таъсир қилади. Шунга кўра шариати исломия ирзга тажовуз жинояти ҳақида чегараланган аниқ бир жазо белгиламади.

Инсоннинг номусидан, яъни каромати аслийсидан келиб чиқадиган ҳуқуқ — ҳуқуқи салбийдир, бу ҳуқуқи билан инсон дафъ этади-ю (қайтармоқ, ҳимояланмоқ) лекин ийжоб этолмайди (талаб этолмайди). Яъни, «ҳеч ким менинг шахсиятимга, номусимга зарар келтирмасин» деб даъво қилишга салоҳият бериб номусининг шарафига тажовуз деб ҳисобланадиган хатти-ҳаракатларни дафъ қилолади. Аммо «Менинг номусим бордир. Шунинг учун мени ҳурмат қилинлар менинг ҳаққимда ундай ҳаракат (иш) қилманглар» дейишга салоҳият бермайди.

Инсоннинг эътиборидан келиб чиқадиган ҳуқуқ баъзан салбий, баъзан эса ижобий бўлади. Умумий муносабатларда ҳаққи эътибор — салбийдир. Хусусий муносабатларда, яъни, табиий ёки ижтимоий муносабатларда ҳаққи эътибор ижобийдир.

Умумий муносабатлар — инсоннинг инсонлиги жиҳатидан қилинган муомалалардир. Икки инсон орасидаги муносабат умумий бўлса, ҳаққи эътибор салбийдир: «менинг ҳуқуқимга тажовуз этма» дейишга салоҳият беради.

Хусусий муносабатлар: болалик, оталик, қариндошлик ва катталиқ муносабатлари каби; ижтимоий муносабатлар: эр-хотинлик, маъмурият, тобелик, хизматчилик каби.

Хусусий муносабатларда ҳаққи эътибор — ижобийдир. Бу ерда ҳуқуқларга риоя қилиш ҳурмат ва таъзим лозим бўлади. Бола отани, ёш каттани, хизматчи бошлиқни ҳурмат қилади, эр-хотин ёки икки қариндош ўзаро мўтабар бўлган ҳуқуқларга риоя этадилар.

Инсон ҳаёти давомида бўлган номуси, эътибори ўлгандан сўнг ҳам йўқолмайди. Номус ва эътибор ҳаққи ўлгандан кейин ҳам қолади. Марҳумлардан бирининг ирзига тажовуз содир бўладиган бўлса, ворисларидан бири номус даъвосини талаб қила олади.

Абдулло Асилхон ўғли
ШОКИРОВ таржимаси.



600000

нафар садоқатли муштарийларимиз ва келгуси йили доимий ўқувчиларимиз Қаторига қўшилиш истагидаги

азиз дўстлар!

1992 йил учун обуна ташвиши борасида бош қотирадиган пайт келди! Бу шундай ташвишки, бизнинг ўзгарувчан бозор иқтисоди сиёсатимизда ойноманинг харид баҳосини ҳам, йиллик обуна баҳосини ҳам аввалдан қатъий белгилаш қийин бўлди.

Демак, обунага шошилишлар!
Бизнинг эслатма битта: у ҳам бўлса, таҳририят йил давомида ҳеч кимни ойнома билан таъминлай олмайди.

ШАХМАТ

ЗОТИ ШАРИФ ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАБ

Буюк сўз санъаткорларининг шахмат мотивидан бадий восита сифатида кўп фойдаланганликлари бежиз эмас, албатта.

Биз ҳурматли муштарийларни шахматдан мантиқий натижа чиқарувчи бир байт тарихи билан таништирмақчимиз.

Озарбайжонлик машҳур адиб Афзалиддин Ҳақоний (XI—XII асрлар) нозик иборалар ёрдамида шахмат мавзусидан баракали фойдаланган. «Шахмат тахтасидаги кураш тасодифларга эмас, балки инсон ақл-заковатида асосланади», дейди у.

Ҳақонийдан байт:

Бир вазир (фарзин) бўлиб эгри юрмоқдан
Бир пиёда бўлиб тўғри юрмоқ афзалдир.

Энди бу байтнинг бошқача вариантларини кўриб чиқайлик. Низомийдан:

Одат сари доим тўғри юрувчи аскар,
Вазир бўлгач, даррвоқ эгри йўл танлар.

Яъни, оддий одамлар — пиёдалар тўғри юрадилар. Вазир — фарзинлар қинғир йўл тутадилар, деб замонаси номатлубликларига нафрат билан қарайди. Алишер Навоийдан байт:

Шоҳ ёнин фарзин каби айлар мақом этмиш
нетонг,
Ростровлар арсадин гар тутсалар рухдек кирок.

Шоҳ ёнин фарзин каби қинғирлар мақом қилиб олибдилар, бинобарин рухдек тўғри юрадиганларнинг чеккага чиқиб қолишлари ажабланарли эмас.

Шоир бу байтда подшо саройидаги амр-амалдорлар эгри кишилардир, подшо ундайларни ўзига яқин тутати, тўғри кишилар эса подшодан узоқ турадилар, деган гоёни шахмат доналарининг дастлабки ўрни ва юриш тартиби орқали ифодалаган.

Шу хилдаги байтлар Муҳаммад Ризо Огаҳийда ҳам бор.

Ростровлик, Огаҳий, рухдек сани солмиш
йирок,
Қурби шоҳ топгай эдинг кажров эсанг фарзин
каби...

Рух каби шаҳдин йирок ўлмайдесанг бу арсада
Ҳар тарафга мойил ўл, андоқки, фарзин, эй
кўнгил.

Тошкентлик кекса шахмат мухлиси Арслон Қори Валиев маъноси юқоридагидек мана бу байтни айтиб берган эди:





Рухи рост рав меравад
дар пеш шоҳ жойин надод,
Фил ки кажрафтори рох,
дар пеш шоҳ жойи дод.

Афсуски бу байтнинг муаллифи ким эканлигини ҳозирча аниқлай олганимиз йўқ. Ноҳақликни ўринли ифодалаган бу байтнинг яна бир неча вариантлари борлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Яна биттаси ҳақида кейинги сонда ҳикоя қиламиз.

Конкурснинг навбатдаги
топшириқлари.

(1, 2, 3, 4-диаграммалар).
4 тала диаграммада ҳам оқлар бошлаб 3
юришда мот қилади.

М. МУҲИДИНОВ,
клуб мутасаддиси.



Ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий,
безакли ойнома

МУАССИС — ЎЗБЕКИСТОН ЛКЕИ
МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 8 (61) август, 1991.

Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси
«Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмаси

Бош муҳаррир —
Худойберди ТУХТАБОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шоҳруҳ АКБАРОВ —
масъул котиб.
Хуршид ДУСТМУҲАММАД —
бош муҳаррир ўринбосари.
Бахтиёр КАРИМОВ
Тўлан НИЗОМ
Ҳасан НОРМУРОДОВ
Эркин МАЛИКОВ
Тоҳир МАЛИК
Латиф МАҲМУДОВ
Абдуғафур РАСУЛОВ
Акмал САИДОВ
Исроил ТУХТАЕВ
Урол ХОЛМОНОВ
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ
Файзулла ҚИЛИЧЕВ
Музроб ҚУРБОНОВ
Турсунали ҚУРБОНОВ
Садриддин ҒУЛОМИДДИНОВ

Бадий муҳаррир —
Султон СУЛАЙМОНОВ
Саҳифаловчи —
Улуғбек ЯКВАЛХУЖАЕВ
Мусаҳҳиҳ —
Мақсуда ҲАКИМОВА

«Ёш куч» — ежесечасный, общественно-политический и
литературно-художественный иллюстрированный
журнал.
На узбекском языке. Учредитель — ЦК ЛКСМ Узбекистана
Мақонимиз: 700113, Тошкент — ЧГСП,
Қатортол кўчаси, 60.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари 78-93-24
Масъул котиб 78-94-73
Бўлимлар:
Мақтаб, фан-техника ва спорт 78-57-84
Ижтимоий-сиёсий, адабиёт ва санъат 78-85-64
Хатлар 78-48-85
Шеърят 78-85-64

Таҳририят ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар қўлё-
масини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги
асарлар авторларига қайтарилмайди. Ойномадан кўчи-
риб босилганда «Ёш куч»дан олинди деб изоҳланиши
шарт.

«Ёш куч» август, 1991.
«Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмаси.

Босмаҳонага туширилди 18.05.91 й. Босишга рухсат этил-
ди 10.07.91 й. Офсет усулида чоп этилди. Китоб ойнома
учун офсет қоғози. Формати 70×108¹/₈. Шартли босма
тобоқ 5,6. Шартли бўёқ нусхаси 16,8. Нашриёт босма
тобоқ 10,6. Тиражи 551992 нусха. Буюртма 5499. Баҳоси:
Обуначига — 55 тийин. Сотувга — 80 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриёти-
нинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси.
Тошкент 700000, «Правда» газетаси кўчаси, 41.





АЗИМ СУЮН

Шоир,

Чўлпон мукофоти номзоди.
«Хайлот», «Жавзо», «Менинг осмоним», «Зарб», «Замини» шеър-
рий мажмуалари, «Сарбадорлар» (тарихий фожиа), «Ўзбекистон»,
«Ўзбекинома» (достонлар) муаллифи.

